

XALQ TA'LIMI AXBOROTNOMASI

"XALQ TA'LIMI AXBOROTNOMASI" JURNALI

PUBLIC EDUCATION BULLETIN

"PUBLIC EDUCATION BULLETIN" JOURNAL

2015-yildan chiqa boshlagan

2015-yil 5-son (sentabr-oktabr)

Muassis:

"Xalq ta'limi" jurnali tahririyati DUK

(O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirligining 2014-yil 17-maydagi
137-sonli buyrug'i bilan tashkil etilgan)

Bosh muharrir:

Sarvar MAHMUDOV

Bosh muharrir o'rinbosari:

Aliyor ORIPOV

Mas'ul kotib:

Nurbek TASHXANOV

Badiiy muharrir:

Akbarali MAMASOLIYEV

Sahifalovchi:

Muqaddas XAFIZOVA

Tahrir hay'ati:

Ulig'bek INOYATOV

Dilshod KENJAYEV

Risboy JO'RAYEV

Hikmatilla RASHIDOV

G'ayrat SHOUMAROV

Sharifjon ERGASHEV

Fayzulla AHMEDOV

Shavkat SHARIPOV

Maqsudjon YULDASHEV

Islom ZOKIROV

Alisher ZOKIROV

Hikmatilla DAMINOV

© "Xalq ta'limi axborotnomasi", 2015.

Tahririyat manzili: 100159. Toshkent shahri, Mustaqillik maydoni, 5-uy.

E-mail: xalq_talimi@xtv.uz Tel: (0 371) 239-27-14, Faks: 239-27-11

Jurnal O'zMAA tomonidan 2015-yil 3-iyunda ro'yxatga olinib, 0852-raqamli guvohnoma berilgan.

Buyruq va ularning ilovalari to'liq, o'zgartirishsiz chop etilmoqda. Jurnal tahririyatning kompyuter bo'limida terilib, sahifalandi.

Jurnalda e'lon qilingan materiallarning mazmuniga tahririyat javobgar emas.

"PRINT LINE GROUP" xususiy korxonasi bosmaxonasida chop etildi.

Toshkent shahri, Chilonzor tumani, Bunyodkor shoh ko'chasi, 44-uy.

Bosishga ruxsat etildi: 15.09.2015-y. Qog'oz bichimi 84x108 1/32. Ofset bosma usuli.

Shartli b.t. 7,0. Adadi 14945 nusxa. -buyurtma.



Davlat maktabgacha ta'lim muassasalariga bolalarni qabul qilish bo'yicha qabul komissiyasining faoliyat ko'rsatish tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar kiritish haqidagi **2014-yil 25-avgust 253-sonli** buyruq 4



O'quvchilarga sinfdan sinfga ko'chirish imtihonlari va yakuniy davlat attestatsiyasidan ozod bo'lish huquqini beruvchi kasalliklar ro'yxatini tasdiqlash to'g'risidagi **2015-yil 26-yanvar 3-mh-sonli** qaror 10



«Bolalar sport inshootlari, umumta'lim maktablari hamda kollej va akademik litseylarning sport zallarini sport anjomlari va jihozlari bilan ta'minlash me'yorlarini tasdiqlash to'g'risida»gi qarorning 7-ilovasiga o'zgartirish kiritish haqidagi **2015-yil 2-fevral 4-sonli** qaror 14



O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirining **2015-yil 31-mart 7-mh-sonli** buyrug'i 18



Eksternat to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqidagi **2015-yil 13-aprel 9-mh-sonli** buyruq 36



Umumiy o'rta ta'lim maktablari bitiruvchilarining shaxsiy hujjatlar yig'majildini shakllantirish uchun zarur bo'lgan hujjatlar ro'yxatini tasdiqlash haqidagi **2015-yil 7-may 12-mh-sonli** qaror 40



O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirining **2015-yil 18-maydagi 152-son** buyrug'i 42



O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirining **2015-yil 2-iyun 13-mh-sonli** buyrug'i 45



Jismoniy yoki psixik rivojlanishida nuqsoni bo'lgan hamda uzoq vaqt davolanishga muhtoj bolalarning uyda yakka tartibda ta'lim olishlarini tashkil etish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqidagi **2015-yil 2-iyun 15-mh-sonli** qaror 52



Ixtisoslashtirilgan o'quv-tarbiya muassasalari tarbiyalanuvchilarini oziq-ovqat, kiyim-kechak, poyabzal, boshqa ashyoviy ta'minot buyumlari va yumshoq anjomlar bilan ta'minlash me'yorlarini tasdiqlash to'g'risidagi **2015-yil 10-iyun 16-mh-sonli** qaror ... 66



O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2015-yil 7-iyuldagi PQ-2367-sonli qarori ijrosini ta'minlash to'g'risidagi **2015-yil 10-iyul 204-sonli** buyruq 70



Qisqa muddatli guruhlar uchun ishlab chiqilgan "Bilimdon" dasturini amaliyotga joriy etish to'g'risidagi **2015-yil 13-iyul 209-sonli** qaror 79



O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirining **2015-yil 17-iyul 215-sonli** buyrug'i 83



«Xorijiy fuqarolarning O'zbekiston Respublikasida davlat umumiy o'rta ta'lim muassasalariga o'qishga kirishi uchun hujjatlarni taqdim etish va ularni ko'rib chiqish tartibi to'g'risidagi yo'riqnomanini tasdiqlash to'g'risida»gi buyruqqa o'zgartirishlar kiritish haqidagi **2015-yil 21-iyul 18-mh-sonli** buyruq 100



O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirining **2015-yil 29-avgust 220-sonli** buyrug'i 103

XALQ TA'LIMI TIZIMIDA QABUL QILINAYOTGAN HUJJATLAR IJROSINI O'Z VAQTIDA TA'MINLASH TA'LIM- TARBIYA SIFATINI OSHIRISHNING GAROVIDIR

Har bir sohada samaradorlikka erishish, avvalo, ushbu yo'nalishda qabul qilinayotgan me'yoriy-huquqiy hujjatlar ijrosining ta'minlanishiga bevosita bog'liq. Ayniqsa, barcha uchun birday mas'uliyatli, shu bilan birga, sharaflı vazifa – yosh avlodga ta'lim-tarbiya berish jarayonida bu masala yanada dolzarblashadi.

Shu ma'noda xalq ta'limi tizimida faoliyat yuritayotgan barcha o'qituvchi-pedagoglar sohada qabul qilinayotgan qonunlar, qonunosti hujjatlariga qat'iy rioya qilish yoshlarni barkamol insonlar qilib voyaga yetkazishning muhim shartidir.

Ushbu sonda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2014-yil 19-fevraldagi PQ-2133-sonli qarori bilan tasdiqlangan "Sog'lom bola yili" Davlat dasturining 68-bandi, Vazirlar Mahkamasining 2015-yil 20-fevraldagi 15-sonli yig'ilish bayonida belgilab berilgan vazifalar ijrosini ta'minlash maqsadida O'zbekiston Respublikasining Xalq ta'limi hamda Mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirliklarining 2015-yil 25-maydagi 26, 17-P-sonli qo'shma qaroriga ko'ra, maktabgacha ta'lim muassasalariga bolalar qamrovini oshirish uchun qisqa muddatli guruhlar ochish rejalashtirilgan.

Buyruq asosida maktabgacha ta'lim muassasalarida qisqa muddatli guruhlar tarbiyalanuvchilarining "Bilimdon" dasturi asosida egallayotgan bilim va ko'nikmalarini bir yilda ikki marta monitoring qilib boriladi. Buning natijasida maktabgacha ta'lim muassasalari tarbiyalanuvchilarining qanday mezonlar asosida ta'lim-tarbiya olayotgani aniqlanadi.

Shuningdek, Xalq ta'limi vazirining 2015-yil 31-martdagi 7-mx-sonli buyrug'i maktabdan tashqari ta'limga qo'yiladigan davlat talablari O'zbekiston Respublikasining "Ta'lim to'g'risida"gi Qonuni, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2008-yil 8-iyuldagi PQ-910-son "Bolalar musiqa va san'at maktablarining moddiy-texnik bazasini mustahkamlash va ularning faoliyatini yanada yaxshilash bo'yicha 2009–2014-yillarga mo'ljallangan Davlat dasturi to'g'risida"gi va boshqa bir nechta me'yoriy-huquqiy hujjatlarga muvofiq, maktabdan tashqari ta'limga qo'yiladigan davlat talablarini belgilaydi.

Xulosa qilib aytganda, xalq ta'limi tizimida qabul qilinayotgan me'yoriy-huquqiy hujjatlar ta'lim samaradorligini oshirish bilan birga, yosh avlodni hech kimdan kam bo'lmagan holda barkamol bo'lib o'sib-ulg'ayishida muhim dasturilamaldir.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРИНИНГ**

2014 йил 25 август

253-сонли

Б У Й Р У Ё И

ДАВЛАТ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА
БОЛАЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ-
НИНГ ФАОЛИЯТ КЎРСАТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА
ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан
2014 йил 2 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1753-1**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 мартдаги 52-сонли «Халқ таълими ҳудудий органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2007 йил 28 ноябрдаги 297-сонли буйруғи (рўйхат рақами 1753, 2007 йил 26 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52-сон, 544-модда) билан тасдиқланган Давлат мактабгача таълим муассасаларига болаларни қабул қилиш бўйича қабул комиссиясининг фаолият кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир**У.Иноятов**

*Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг
2014 йил 25 августдаги 253-сонли буйруғига
ИЛОВА*

**Давлат мактабгача таълим муассасаларига болаларни
қабул қилиш бўйича қабул комиссиясининг фаолият кўрсатиш
тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Мактабгача таълим муассасасига болалар 2 ёшдан бошлаб 6-7 ёшгача бўлган болаларни қабул қилиш туманлар (шаҳарлар) ҳокимларининг қарори билан ташкил этиладиган халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари ҳузуридаги давлат мактабгача таълим муассасаларига болаларни қабул қилиш бўйича қабул комиссияси (бундан буён матнда қабул комиссияси деб юритилади) томонидан амалга оширилади.».

2. 2-бандда:

а) биринчи ва иккинчи хатбошилардаги «туман (шаҳар) халқ таълими бўлими» деган сўзлар «халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлими» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) учинчи хатбошидаги «туман (шаҳар) халқ таълими бўлимининг» деган сўзлар «халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 3-бандда:

а) биринчи хатбошидаги «халқ таълими бўлимлари» деган сўзлар «халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) иккинчи хатбошидаги «халқ таълими бўлимларининг» деган сўзлар «халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 8-банднинг «б» кичик бандидаги «фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларидан» деган сўзлар «фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 9-банддаги «10 кунлик муддат» деган сўзлар «7 кунлик муддат» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 10-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

10. «Ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) танлаган мактабгача таълим муассасасида бўш ўрин (жой) бўлмаган ҳолларда уларнинг ҳужжатлари қабул комиссиясининг қарорига асосан йўлланма олиш учун навбатга қўйилади ёки ота-оналарнинг (уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг) хоҳишига кўра тегишли ҳудуддаги бўш ўрин (жой) мавжуд бўлган ҳамда улар танлаган мактабгача таълим муассасасига яқин масофада жойлашган бошқа мактабгача таълим муассасасига йўлланма берилади.»

7. 11-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11. Қабул комиссияси котиби қуйидаги ҳужжатларни юритади: мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклдаги қабул комиссиясининг қарорига асосан бериладиган йўлланмаларни қайд қилиш дафтари;

мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклдаги қабул комиссиясининг қарорига асосан йўлланма олиш учун навбатга қўйилганларни қайд қилиш дафтари.

Дафтарлар рақамланган, тикилган ва тегишли халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлими мудир томонидан имзоланган ҳамда муҳрланган бўлиши шарт ва уларнинг юритилиши тегишли йилнинг 2 сентябрь кунидан бошланиб, 31 август кунда тугатилади ҳамда ушбу ҳужжатлар 3 йил мобайнида сақланади.»

8. 14-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«14. Ҳар йили июнь – август ойларида янги ўқув йили ҳисобига мактабгача таълим муассасаларига жадвал асосида оммавий равишда йўлланма берилади. Мактабгача таълим муассасалари болаларни йўлланмаларга асосан бўшаган ўринлар (жойлар) ҳисобига қабул қилади».

9. 15-банднинг биринчи хатбошисидаги «туман (шаҳар) халқ таълими бўлими» деган сўзлар «халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлими» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. 1, 2 ва 3-иловалар мазкур ўзгартиришларнинг 1, 2 ва 3-иловаларига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

Давлат мактабгача таълим муассасаларига болаларни қабул қилиш бўйича қабул комиссиясининг фаолият кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришларга
1-ИЛОВА

Мактабгача таълим муассасаларига болаларни қабул қилиш бўйича қабул комиссиясининг фаолиятини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

(Ўзбекистон Республикасининг давлат герби тасвири)

__-сонли ЙЎЛЛАНМА

Халқ таълими муассасалари фаолиятини
методик таъминлаш ва ташкил этиш туман
(шаҳар) бўлими

__-сонли мактабгача
таълим муассасаси мудир

20__ йил «__» _____

Боланинг Ф.И.О:

Туғилган йили ва санаси:

Отаси:

Онаси:

Ота-онасининг иш жойи:

Яшаш манзили:

Асос:

Халқ таълими муассасалари
фаолиятини методик таъминлаш ва
ташкил этиш туман (шаҳар) бўлими
мудир, қабул комиссияси раиси

имзо

Ф.И.О.

Мактабгача таълим бўлими услубчиси

имзо

Ф.И.О.

Комиссия аъзолари:

имзо

Ф.И.О.

имзо

Ф.И.О.

имзо

Ф.И.О.

*Давлат мактабгача таълим муассасаларига
болаларни қабул қилиш бўйича қабул комиссиясининг фао-
лият кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартиришларга
2-ИЛОВА*

*Мактабгача таълим муассасаларига
болаларни қабул қилиш бўйича қабул комиссиясининг фаоли-
тини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА*

**Қабул комиссиясининг қарорига асосан бериладиган
йўлланмаларни қайд қилиш
ДАФТАРИ**

Т/р	Боланинг Ф.И.О	Боланинг туғилган йили ва санаси	Боланинг яшаш манзили	Мактабгача таълим муассасаси рақами	Йўланма рақами	Асос	Ота-онанинг (уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг) имзоси
1.							
2.							
3.							

Шулардан:

_____ та навбатда турганларга;
_____ та ҳомийлик ёрдами кўрсатганларга;
_____ та I ва II гуруҳ ногиронларига;
_____ та кўп болали оилаларнинг
болаларига;
_____ та ҳарбий хизматчиларнинг
болаларига;
_____ та талабаларнинг болаларига;
_____ та педагогларнинг болаларига;
_____ та 6-7 ёшгача бўлган болаларга;
_____ та бошқаларга;

Жами: _____ та.».

*Давлат мактабгача таълим муассасаларига
болаларни қабул қилиш бўйича қабул комиссиясининг фао-
лият кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартиришларга
3-ИЛОВА*

*Мактабгача таълим муассасаларига
болаларни қабул қилиш бўйича қабул комиссиясининг фаолия-
тини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА*

**Қабул комиссиясининг қарорига асосан йўлланма олиш учун
навбатга қўйилганларни қайд қилиш
ДАФТАРИ**

Т/р	Навбатга қўйилган кун	Навбат рақами	Боланинг Ф.И.О.	Боланинг туғилган йили ва санаси	Йўлланма берилган мактабгача таълим муассасаси рақами	Йўлланма берилган йил ва сана
1.						
2.						
3.						

Жами: _____ та.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИНИНГ**

Қ А Р О Р И

ЎҚУВЧИЛАРГА СИНФДАН СИНФГА КЎЧИРИШ
ИМТИҲОНЛАРИ ВА ЯКУНИЙ ДАВЛАТ АТТЕСТАЦИЯСИДАН
ОЗОД БЎЛИШ ҲУҚУҚИНИ БЕРУВЧИ КАСАЛЛИКЛАР РЎЙХАТИНИ
ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан
2015 йил 17 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2656**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 21 ноябрдаги 440-сонли «Таълим муассасалари тўғрисидаги норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида»ги ҳамда 1998 йил 13 майдаги 203-сонли «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўқувчиларга синфдан синфга кўчириш имтиҳонлари ва якуний давлат аттестациясидан озод бўлиш ҳуқуқини берувчи касалликлар рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Халқ таълими вазири

У. Иноятов

*Тошкент ш.,
2015 йил 26 январь,
3-мҳ-сон*

Соғлиқни сақлаш вазири

А. Алимов

*Тошкент ш.,
2015 йил 26 январь,
22-сон*

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва
Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 26 январдаги 3-мх ва
22-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўқувчиларга синфдан синфга кўчириш имтиҳонлари ва
якуний давлат аттестациясидан озод бўлиш ҳуқуқини
берувчи касалликлар
РЎЙХАТИ**

Т/р	Касаллик шифри	Касалликнинг номи
1.	A01	Тиф (терлама) ва паратиф
2.	A05.01	Ботулизм
3.	A15-19	Сил касаллиги (ўпкада ва бошқа аъзоларда тез ривожланиб боровчи)
4.	A23	Бруцеллёз
5.	A39	Менингококки инфекция
6.	A80	Полиомелит (жиддий асоратлари қолган тақдирда)
7.	A87 G00.8	Марказий нерв системасининг яллиғланиш касалликлари (вирусли менингит)
8.	B15, B17.2	Ўткир гепатит А, Е
9.	B16, B17.0, B17.1	Ўткир гепатит В, С, D
10.	B18	Сурункали вирусли гепатитлар (оғир турлари)
11.	B20-B24	Одамнинг иммунитет танқислиги вируси (ОИВ) келтириб чиқарадиган касалликлар (3-4-клиник босқичи)
12.	C00-C97	Хавфли ўсмалар
13.	D50-D69	Камқонлик
		Қон ва қон яратувчи органлар касалликлари:
		гемофилия (ўртача ва оғир шакли);
		турлича бўлган анемияларнинг оғир шакли;
		орттирилган камқонликлар;
		капилляротоксикоз;
		идиопатик тромбоцитопеник пурпура;
		тромбоцитопатия (оғир турлари);
		Виллибранд касаллиги ва бошқа гемостаз бузилиши билан боғлиқ касалликлар;
		ўткир ва сурункали лейкозларнинг ҳамма турлари;
		наслий гемолитик камқонликларнинг ҳамма турлари
14.	E10-E14	Қандли диабет

15.	E23.2	Қандсиз диабет
16.	E05	Тиреотоксикоз (ўртача ва оғир даражаси)
17.	E00-E03.9	Қалқонсимон без касалликлари, гипотиреоз (оғир даражаси)
18.	E21	Гиперпаратиреоз ва қалқонсимон олди безнинг бошқа бузилишлари (оғир даражаси)
19.	F00-F09	Органик, симптоматик бузилишларни қамраб олган руҳий касалликлар
20.	F20-F39	Шизофрения ва келиб чиқиши турлича бўлган ўткир руҳий касалликлар
21.	F40-F48.9	Стресс асоратлари ва неврологик бузилишлар: неврозлар, неврозсифат ҳолатлар, реактив ҳолатларнинг ўткир ва руҳий мувозанати бузилган даври, қаттиқ дудуқланиш
22.	G93	Бош миyaning шикастланишлари
23.	G40-G41	Эпилепсия. Эпилептик статус
24.	G90	Вегетатив нерв системаси бузилишлари: ангиоспазм, қон томирлар фаолияти танглиги, ҳушдан кетиш ва бошқа оғир кўринишлари билан кечадиган яққол вегетатив бузилишларнинг шакллари
25.	H52	Рефракция ва аккомодациянинг бузилишлари. Кўз тубида дистрофик ўзгаришлар юз бериши билан тез ривожланиб боровчи кўриш ожизлиги
26.	H30-H36	Тўр (томирли) парда касалликлари
27.	H46-H48	Кўриш нерви ва кўриш йўллари касалликлари
28.	H40-H42	Глаукома
29.	I00-I02	Ўткир ревматоид иситма
30.	I10-I15	Қон босими ошиши билан характерланувчи касалликлар
31.	I05-I09	Юрак сурункали ревматик касалликлари
32.	Q20-25	Қон айланиш системаси туғма аномалиялари (ривожланиш нуқсонлари)
33.	J44	Бошқа сурункали обструктив ўпка касалликлари
34.	J45	Астма
35.	J47	Бронхоэктатик касаллик
36.	K25-K26	Ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яраси
37.	K35	Кўричак (операциядан сўнг)
38.	K40-K46	Чурра (операциядан сўнг)
39.	K56	Паралитик илеус ва чуррасиз ичак тугилиши
40.	K50	Қрон касаллиги

41.	№ 00, № 01	Ўткир диффузли гломерулонефрит
42.	№ 03	Сурункали нефритлар
43.	№ 11	Сийдикда жиддий ўзгаришлар билан қайталаб турадиган пиелонефрит (буйраклар фаолиятининг сақланиши)
44.	№ 11	Сийдикда жиддий ўзгаришлар билан қайталаб турадиган пиелонефрит (буйраклар функциясининг бузилиши)
45.	L20, L23, L25-L27	Экзема (ёйилиб кетганда) ва нейродерматит (яққол кўриниб турганда)
46.	Q80	Туғма ихтиоз
47.	L53	Бошқа эритематоз ҳолатлар
48.	M30-M36	Бириктирувчи тўқима система шикастланишлари
49.	M05-M14	Яллиғланиш полиартропатиялари
50.	S50-S59	Тирсак ва билак-кафт усти жароҳатлари
51.	S60-S69	Билак-кафт усти ва қўл панжаси жароҳатлари
52.	S80-S89	Тизза ва болдир жароҳатлари
53.	S90-S99	Ошиқ-болдир бўғими ва оёқ кафти соҳаси жароҳатлари
54.	S00-S05, S12, S22, S32-S33	Бош суяги, умуртқа ва бел суягининг синиши
55.	A36-38, B01, B05, B06, B26, B27	Болаларнинг юқумли касалликлари

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА
СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
«ЎЗСТАНДАРТ» АГЕНТЛИГИНИНГ**

Қ А Р О Р И

**«БОЛАЛАР СПОРТ ИНШООТЛАРИ,
УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ҲАМДА КОЛЛЕЖ ВА АКАДЕМИК
ЛИЦЕЙЛАРНИНГ СПОРТ ЗАЛЛАРИНИ СПОРТ АНЖОМЛАРИ ВА
ЖИҲОЗЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МЕЪЁРЛАРИНИ
ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРНИНГ 7-ИЛОВАСИГА
ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ҲАҚИДА**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан
2015 йил 9 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2039-1**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 3 декабрдаги 331-сонли «2015 – 2020 йилларда умумтаълим мактабларини замонавий спорт заллари билан таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда «Ўзстандарт» агентлиги

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлигининг 2009 йил 28 сентябрдаги 39, 43, 335, 83, 94 ва 4-П-сонли «Болалар спорт иншоотлари, умумтаълим мактаблари ҳамда коллеж ва академик лицейларнинг спорт залларини спорт анжомлари ва жиҳозлари билан таъминлаш меъёрларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорининг (рўйхат рақами 2039, 2009 йил 11 ноябрь) (Ўзбекистон

Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 46-сон, 502-модда) 7-илоvasи иловага мувофиқ тахрирда баён этилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Халқ таълими вазири

У. Иноятов

*Тошкент ш.,
2015 йил 2 февраль,
4-сон*

Маданият ва спорт ишлари вазири в.в.б.

Б. Ахмедов

*Тошкент ш.,
2015 йил 2 февраль,
4-ққ-сон*

Олий ва ўрта махсус таълим вазири

А. Вахобов

*Тошкент ш.,
2015 йил 2 февраль,
4-ққ-сон*

Иқтисодиёт вазири

Г. Саидова

*Тошкент ш.,
2015 йил 2 февраль,
88-сон*

Молия вазири

Р. Азимов

*Тошкент ш.,
2015 йил 2 февраль,
7-сон*

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директори

А. Курбанов

*Тошкент ш.,
2015 йил 2 февраль,
1-қ-сон*

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлигининг 2015 йил 2 февралдаги 4, 4-ққ, 4-ққ, 88, 7, 1-қ-сонли қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлигининг 2009 йил 28 сентябрдаги 39, 43, 335, 83, 94, 4-П-сон қарорига
7-ИЛОВА

Умумтаълим мактабларининг спорт залларини жиҳозлаш меъёрлари

Т/р	Спорт анжомлари номи	Ўлчов бирлиги	Спорт залларининг ўлчами			Фойдаланиш вақти
			9 x 18	12 x 24	18 x 30	
1.	Тибиёт қутичаси	комплект	1	1	1	Ишлатилиш вақтигача
2.	Гимнастика эшаги	дона	1	1	1	5 йил
3.	Тутқичли гимнастика оти	дона	1	1	1	5 йил
4.	Таяниб сакраш учун от	дона	1	1	1	5 йил
5.	Гимнастика скамейкаси	дона	4	4	6	5 йил
6.	Турник (перекладина)	комплект	1	1	1	5 йил
7.	Параллель брусс	дона	1	1	1	5 йил
8.	Гимнастика якка тўсини	дона	1	1	1	5 йил
9.	Гимнастика депсиниш кўприги	дона	1	1	1	5 йил
10.	Гимнастика колцаси	комплект	2	2	2	5 йил
11.	Тирмашиб чиқиш арқони	дона	1	2	2	3 йил
12.	Швед нарвони	дона	4	4	6	5 йил

13.	Гимнастика тўшамаси	дона	8	10	14	3 йил
14.	Турли оғирликдаги гантеллар (2 кг, 4 кг, 6 кг, 8 кг)	жуфт	5	8	10	5 йил
15.	Гимнастика гардиши	дона	10	15	30	3 йил
16.	Гимнастика таёқлари	дона	10	15	30	3 йил
17.	Секундомер	дона	2	2	2	5 йил
18.	Енгил атлетика колодкалари	дона	2	2	2	5 йил
19.	Футбол тўпи	дона	10	15	20	6 ой
20.	Баскетбол тўпи	дона	10	15	20	6 ой
21.	Волейбол тўпи	дона	10	15	20	6 ой
22.	Гандбол тўпи	дона	10	15	20	1 йил
23.	Волейбол устунлари (сеткаси билан)	комплект	2	2	2	5 йил
24.	Насос	дона	2	3	4	5 йил
25.	Шахмат соати	дона	3	4	5	5 йил
26.	Баскетбол шити (савати ва сеткаси билан)	дона	2	2	2	5 йил
27.	Шахмат	дона	3	4	5	5 йил
28.	Шашка	дона	3	4	5	4 йил
29.	Теннис столи (ракетка ва сеткаси билан)	комплект	2	4	4	5 йил
30.	Теннис столи тўпи	дона	75	100	100	1 ой
31.	Армрестлинг учун стол	дона	1	1	1	6 йил
32.	Турли оғирликдаги тошлар (8 кг, 16 кг – ҳар бири бўйича)	дона	2	3	3	5 йил
33.	Енгил атлетика учун эстафета таёқчалари	дона	10	15	20	3 йил
34.	Футбол дарвозалари	комплект	1	1	1	3 йил

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРИНИНГ***2015 йил 31 март**7-мҳ-сонли***Б У Й Р У Қ И****МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ТАЪЛИМГА ҚЎЙИЛАДИГАН ДАВЛАТ
ТАЛАБЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА****Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан
2015 йил 9 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2663**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 февралдаги 50-сонли «Мактабдан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ

БУЮРАМАН:

1. Мактабдан ташқари таълимга қўйиладиган давлат талаблари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир**У. Иноятов**

*Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг
2015 йил 31 мартдаги 7-мх-сон буйруғига
ИЛОВА*

Мактабдан ташқари таълимга қўйиладиган ДАВЛАТ ТАЛАБЛАРИ

Мазкур мактабдан ташқари таълимга қўйиладиган давлат талаблари (бундан буён матнда Давлат талаблари деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги ПҚ-910-сон «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 – 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 18 февралдаги 59-сон «Таълим муассасалари ҳақидаги низомларни тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2004 йил 5 августдаги 372-сон «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги, 2011 йил 28 февралдаги 50-сон «Мактабдан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2011 йил 11 майдаги 130-сон «Баркамол авлод» болалар марказлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорларига мувофиқ, мактабдан ташқари таълимга қўйиладиган давлат талабларини белгилайди.

I БЎЛИМ. УМУМИЙ БЎЛИМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Давлат талаблари мактабдан ташқари таълим тизимида 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган барча ўқувчиларга таълим беришда қўлланилиши мажбурийдир.

2. Давлат талаблари асосида:

ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакалари, уларнинг ҳар томонлама ривожланиш даражалари ҳамда касб-хунар тўғрисидаги бошланғич кўникмалари аниқланади;

ўқувчиларнинг касб-хунар бўйича шаклланган бошланғич кўникмалари амалиётда қўллашга йўналтирилади.

3. Давлат талаблари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган қуйидаги таълим муассасалари томонидан қўлланилиши шарт: давлат ва нодавлат мактабдан ташқари таълим муассасалари; йўналишлар бўйича тўғараклари мавжуд бўлган меҳрибонлик уйлари, болалар шаҳарчалари ва таълим муассасалари;

мактабдан ташқари таълим йўналишлари бўйича кадрлар тайёрловчи касб-хунар коллежлари ва олий таълим муассасалари;

мактабдан ташқари таълим муассасалари кадрларининг малакасини ошириш фаолияти билан шуғулланувчи муассасалар.

4. Давлат талабларидан барча мактабдан ташқари таълим муассасаларининг ўқув-тарбиявий ишини режалаштиришда, дастур ва услубий материаллар, методик қўлланмалар ҳамда ўқув адабиётларини тайёрлашда фойдаланилади.

2-боб. Давлат талабларининг мақсад ва вазифалари

5. Давлат талабларининг мақсади:

мактабдан ташқари таълим тизими фаолиятини мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти истиқболлари, жамият эҳтиёжлари, фан-техника ютуқларига асосан йўлга қўйиш;

таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида шахс, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш;

сифатли кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантириш;

ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш орқали уларнинг касб-хунар сирларини ўрганишга бўлган қизиқишларини ривожлантириш;

ўқувчиларнинг интеллектуал ва жисмоний ривожланиши, миллий маданият ва умуминсоний қадриятлар билан таништирилишини таъминлаш.

6. Давлат талабларининг вазифалари:

ўқувчиларга таълим ва тарбия бериш учун ҳар томонлама ёндашувни таъминлаш;

ўқувчиларга ўзларининг мактабдан ташқари таълим бўйича назарий ва амалий билимларини шакллантиришда ёрдам бериш;

ҳар бир ўқувчининг билим даражаси ва ижодий имкониятларини аниқлаш ва ривожлантириш;

ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялаш сифатини яхшилаш мақсадида ўқув-тарбия ва услубий ишларни такомиллаштириш;

ўқувчилар ўз қизиқишлари бўйича касб-хунарнинг бошланғич сирларини эгаллашларида ота-оналарга кўмаклашиш;

ўқувчиларнинг мустақил билим олишлари ва ижодий меҳнат қилишларига шарт-шароитлар яратиш;

мактабдан ташқари таълим сифатини янада ошириш;

мактабдан ташқари таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа вазифаларнинг амалга оширилишини таъминлаш.

3-боб. Қўлланиш соҳаси

7. Давлат талаблари узлуксиз таълимнинг тегишли турлари бўйича мактабдан ташқари таълим соҳасидаги муассасаларнинг таълим фаолиятини ташкилий ва илмий-методик таъминлаш учун қўлланилади.

8. Давлат талаблари қуйидагиларни белгилайди:

мактабдан ташқари таълим тизими тузилмаси;

мактабдан ташқари таълимга қўйиладиган асосий талаблар;
мактабдан ташқари таълим бўйича машғулотларнинг ўқув юкла-
маси ҳажми;
мактабдан ташқари таълим сифатини назорат қилиш.

II БЎЛИМ. МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ТУЗИЛМАСИ

9. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги:

ўз тизимидаги мактабдан ташқари таълим муассасаларида йў-
налиш ва тўгараклар рўйхатини белгилайди, улар фаолиятини му-
вофиқлаштиради, шунингдек ўқув режалари ва дастурларини тас-
диқлайди;

мактабдан ташқари таълим тизимини ривожлантиришга қара-
тилган ягона давлат сиёсатини амалга оширади, педагог кадрларнинг
малакасини оширади;

мактабдан ташқари таълимга қўйиладиган талабларни такомил-
лаштиради;

мактабдан ташқари таълим жараёнига ўқитишнинг замонавий
илғор шакллари, ахборот технологияларини, маънавий-маърифий
ишларнинг самарали шакл ва усулларини жорий этади;

мактабдан ташқари таълим муассасалари фаолиятини муво-
фиқлаштиради ва уларга методик раҳбарлик қилади;

мактабдан ташқари таълим учун ўқув ва ўқув-методик адабиётлар-
нинг янги авлодлари яратилиши ва нашр этилишини ташкил этади;

ўз тизимидаги мактабдан ташқари таълим муассасалари педагог
ходимларининг малака оширишларини таъминлайди.

10. Халқ таълими тизимидаги ҳудудий бошқарув органлари:

халқ таълими тизимидаги мактабдан ташқари таълим муассаса-
лари фаолиятига раҳбарлик қилади ҳамда ўқувчиларни тўгаракларга
жалб қилиш орқали касбга йўналтириш ишларини олиб боради;

мактабдан ташқари таълим муассасалари фаолиятини муво-
фиқлаштиради, улар томонидан давлат талабларига риоя этилиши
мониторингини амалга оширади;

мактабдан ташқари таълим муассасаларида ўқув-тарбия ишлари-
ни методик таъминлашни ташкил этади;

мактабдан ташқари таълим тизимини такомиллаштириш ва Дав-
лат талабларининг татбиқ этилиши учун зарур шарт-шароитлар яра-
тади;

мактабдан ташқари таълим муассасалари дастурлари, ўқув-кўр-
газмали материаллар, техник воситалар, методик қўлланма ва адаби-
ётлар билан таъминлаш ишларини амалга оширади;

мактабдан ташқари таълимнинг муҳим масалалари бўйича йиғи-
лишлар ва семинарлар ўтказиши;

мактабдан ташқари таълим муассасаларини малакали мутахас-
сислар билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқади, мак-

табдан ташқари таълим муассасалари педагог кадрларининг малака оширишини ташкил этади;

ўқув режалари ва таълим дастурларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар тайёрлайди.

11. Мактабдан ташқари таълим муассасалари:

6 ёшдан 18 ёшгача бўлган барча ўқувчиларга уларнинг ҳар томонлама камол топишлари ва бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун имконият яратади;

ўқувчилар шахсининг ривожланишига, уларнинг мустақил билим олишлари ва ижодий меҳнат қилишларига шарт-шароит яратади;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда мактабдан ташқари таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга оид чора-тадбирларни амалга оширади;

болаларнинг қизиқишларига кўра уларнинг ижодий имкониятларини ривожлантиришга қаратилган тўғараклар очади;

фан асослари бўйича қўшимча таълим беради;

болаларга санъат ва ҳунармандчиликнинг турларини ўргатади;

ўқувчилар ўртасида қобилиятли, иқтидорлиларини аниқлаш, шахс-ни ривожлантиришга қаратилган фестивал, танлов, сайёҳлик слётлари ва бошқа тадбирларни ўтказиши.

III БЎЛИМ. МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ТАЪЛИМНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

12. Мактабдан ташқари таълим ўқувчиларнинг қизиқиш ва хоҳишларига мувофиқ уларнинг дарсдан бўш вақтларида амалга оширилади ҳамда ўқув-тарбия жараёнини тўлдиради.

13. Мактабдан ташқари таълимга қуйидаги йўналишларда Давлат талаблари қўйилади:

маданий-эстетик йўналиш;

илмий йўналиш;

техник йўналиш;

спорт йўналиши;

тажриба – натуралистик йўналиши;

сайёҳлик – ўлкашунослик йўналиши.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ мактабдан ташқари таълимга бошқа йўналишларда ҳам Давлат талаблари қўйилиши мумкин.

1-боб. Маданий-эстетик йўналиш

14. Маданий-эстетик йўналиш қуйидаги туркумларни ўз ичига олади:

маънавий-маърифий туркум;

тасвирий санъат туркуми;

халқ амалий санъати туркуми;

дизайн туркуми;
мусиқа таълими туркуми;
хореография (рақс санъати) туркуми;
театр санъати туркуми;
пазандачилик ва қандолатчилиқ туркуми.

Мазкур йўналиш шу каби бошқа туркумларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

1-§. Маънавий-маърифий туркум

15. Маънавий-маърифий туркумда «Ёш китобхон», «Китобсеварлар», «Мунозара», «Ораста қизлар» ва шу каби бошқа тўғарак, клублар ташкил этилади.

16. Маънавий-маърифий туркумда таълим олувчилар қуйдагилар ҳақида билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишлари лозим:

мустақил фикрлаш ва ахборот олиш маданияти;
миллий анъаналар, урф-одатлар, умуминсоний қадриятлар ва

уларни эъзозлаш;

соғлом турмуш тарзи;

юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг моҳияти;

моддий ва номоддий маданий меросимиз ва уларни асраб-авайлаш;

тарихий обидалар ва мустақиллик даврида бунёд этилган иншоотлар;

миллий истиқлол ғоясининг мазмун-моҳияти;

китобнинг тарбиядаги ўрни ва китобхонликнинг аҳамияти.

2-§. Тасвирий санъат туркуми

17. Тасвирий санъат туркуми бўйича «Тасвирий санъат», «Шарқ миниатюраси», «Майда пластика» ва шу каби бошқа тўғараклар ташкил этилади.

18. Тасвирий санъат туркумида таълим олувчилар ўз тўғаракларига мос равишда қуйдагилар ҳақида билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишлари лозим:

тасвирий санъат турлари (рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлиқ, меъморчилик);

тасвирий санъат жанрлари (натюрморт, манзара, портрет, анимал, тарихий, ботал) ва уларнинг фарқи;

тасвирий санъат соҳасида ижод қилувчи машҳур ўзбек ва чет эл rassomлари ҳаёти ва ижоди;

бўёқлар, қора қаламда штрихлаш усуллари ва конструктив тузилишига кўра содда кўринишдаги предметларни чизиш;

ўзбек халқ эртаклари асосида композиция чизиш ва бўяш;

кўп кишидан иборат миниатюра композициясини тузиш ва унга ранг бериш;

Хусрав Деҳлавий асарларига ишланган расмлар асосида рангли тасвирлар яратиш;

Европа ва Шарқ миниатюрасидаги ранг ва чизиқларнинг фарқи;
Камолиддин Беҳзоднинг шарқ миниатюра услуби;
турли кўринишдаги табиий материалларга миниатюра усулида
тасвирлар тушириш ва уларга бадий ишлов бериш;
лой ва пластилиндан турли кўринишдаги ўйинчоқ, ҳайкалча ва буюмлар яшаш.

3-§. Халқ амалий санъати туркуми

19. Халқ амалий санъати туркуми бўйича «Кулолчилик», «Кандакорлик», «Наққошлик», «Ёғоч ўймакорлиги», «Ганч ўймакорлиги», «Дурадгорлик», «Заргарлик», «Косибчилик», «Махсидўзлик», «Бичиштиқиш», «Тўқиш», «Мунчоқли безак», «Каштачилик», «Дўппидўзлик», «Зардўзлик», «Гиламдўзлик», «Саватчилик», «Чопондўзлик» ва шу каби бошқа тўғараклар ташкил этилади.

20. Халқ амалий санъати туркумида таълим олувчилар ўз тўғаракларига мос равишда қуйидагилар ҳақида билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишлари лозим:

халқ амалий санъати намояндалари ва уларнинг иш услублари;
халқ амалий санъатида ишлатиладиган нақшнинг бошланғич элементлари ва безак турлари;
бадий безалган буюмларга ишлов бериш;
амалий безакни чизиш ва унга ишлов бериш;
ганч ва ёғоч ўймакорлигида ишлатиладиган хом ашё, асбоб-ускуналар ва улардан фойдаланиш;
ёғочнинг турлари ва хусусиятлари;
ёғоч ўймакорлиги ускуналари ва улардан фойдаланиш;
композициялар чизиш, ўйиш ва турли услубда пардозлаш;
ёғочга ишлов бериш, силлиқлаш, лаклаш, бўёқ бериш ва елимлаш;
кутича яшаш ва унинг сиртига безак нақшларини ўйиш;
миллий буюмлар яшаш ва унга ўйма нақшлар тушириш;
дурадгорлик асбоб-ускуналаридан фойдаланиш ва уй-рўзғор буюмлари яшаш;
кулолчилик дастгоҳидан фойдаланиш, хом ашё, кулолчилик буюмлари ва уларни яшаш;
косибчиликда чарм тайёрлаш технологияси, чарм материалларидан фойдаланиш ва оёқ кийимларни таъмирлаш;
кандакорлик нақшларини чизиш ва улардан фойдаланган ҳолда турли буюмларга ишлов бериш;
заргарлик хом ашёлари, асбоб-ускуналарини ишлатиш ҳамда турли заргарлик буюмлари яшаш;
тикув машинаси турлари, уларда тикиш ва андоза олиш усуллари;
турли хил либосларга тикув машинасида чоклар тикиш;
тўқиш техникаси, ҳалқа турлари ва турли буюмлар тўқиш;
мунчоқли безак хом ашёлари ва безаш турлари;
турли буюмларни мунчоқ билан безаш;
каштачиликда фойдаланиладиган иш куруллари;

каштачиликининг асосий чоклари (кўклаш, яширин, тўғри, йўрма, уроқи, босма) ва уларни тикиш;

каштачиликининг нақш намуналари (қирма, пах, лўла, чока пардоз) ни чизиш;

зардўзлик дастгоҳидан фойдаланиш;

зардўзлик нақшлари турлари ва уларни турли усулда тикиш;

тофта тайёрлаш ҳамда уни ип ва зар билан безаш;

гилам тўқиш дастгоҳини ишлатиш, тўқиш техникаси, ишлатиладиган хом ашёлар;

дўппи турлари, чоклар ва дўппи тикиш техникаси;

қизлар ва ўғил болалар дўппиларини тикиш ва уларни пардозлаш;

сават тўқиш ва унинг усуллари;

маҳси қолипларини тайёрлаш, маҳсини бичиш ва тикиш;

чопонни турли чоклар ёрдамида қавиш, қавилган қисмларни бирлаштириш ва уларга безак бериш.

4-§. Дизайн туркуми

21. Дизайн туркуми бўйича «Либослар дизайни», «Фотодизайн», «Ландшафт дизайни», «Карвинг», «Экодизайн», «Ёш архитектор», «Интерьер» ва шу каби бошқа тўғараклар ташкил этилади.

22. Дизайн туркумида таълим олувчилар ўз тўғаракларига мос равишда қуйидагилар ҳақида билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишлари лозим:

матро ва либослар, уларнинг турлари;

либослар дизайни ва унинг турлари;

либосларнинг миллий ва замонавий дизайнлари лойиҳасини яратиш;

дизайн яратишда мавсумий либосларни фарқлай олиш;

ландшафт дизайнини яратиш усуллари;

манзарали ўсимликлардан ландшафт дизайнини яратиш;

жойнинг тупроқ иқлим шароитларига мослашган ўсимлик турларини танлаш;

турли сабзавот ва полиз маҳсулотларига безак бериш;

компьютер ёрдамида оқ-қора рангли фотосуратларнинг рангли шаклини яратиш;

архитектура ва қурилишда ишлатиладиган хом ашёлар ва техник воситалар;

турли ўлчамдаги бино ва иншоотлар лойиҳаларини чизиш.

5-§. Муסיқа таълими туркуми

23. Муסיқа таълими туркуми бўйича «Халқ чолғулари», «Торли чолғулар», «Фортепиано», «Дамли ва зарбли чолғулар», «Эстрада чолғулари», «Анъанавий чолғулар», «Вокал», «Фольклор» ва шу каби бошқа тўғарак, синф ва клублар ташкил этилади.

24. Муסיқа таълими туркумида таълим олувчилар ўз тўғаракларига мос равишда қуйидагилар ҳақида билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишлари лозим:

музиканинг асосий жанрлари;
таниқли ўзбек ва чет эл бастакорлари ижоди;
музиқий фаолият турлари (жўрнавозлик, чолғу ансамбли, чолғу турлари);

ўзбек халқ чолғу асбобларининг тузилиши ва уларни чалиш;
доирани ушлаш ва уни турли усулларда чалиш;
Уста Олим дарслиги усуллари ва жўр бўлувчилик қоидалари;
оркестр турлари, кўп тарқалган чолғу номлари;
буюк музиқачи-ижрочиларнинг ижодий фаолияти;
мумтоз музиқа асарлари ва халқ ижодиёти намуналари;
чолғуда халқ куй-қўшиқлари, классик ва замонавий бастакорлар асарларини ижро этиш;
ноталар ёрдамида фортепианода ижро этиш;
хор таркибида асарларни ижро этиш;
ансамбль ва оркестр таркибида ижро этиш;
фольклор қўшиқлар турлари ва уларга хос либослар;
фольклорга оид мавсумий ва маросим қўшиқларини ижро этиш;
фольклорга хос бўлган турли мавсумий ва маросим қўшиқларига хос рақслар.

6-§. Хореография (рақс санъати) туркуми

25. Хореография (рақс санъати) туркуми бўйича «Ўзбек халқ рақслари», «Жаҳон халқ рақслари» ва шу каби бошқа тўғараклар, синф ва клублар ташкил этилади.

26. Хореография (рақс санъати) туркумида таълим олувчилар ўз тўғаракларига мос равишда қуйидагилар ҳақида билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишлари лозим:

таниқли ўзбек ва чет эл раққос ва раққосаларининг ижоди;
рақснинг асосий ҳаракатлари;
халқ ва мумтоз рақс санъатининг асосий жанрлари ва ижро услублари;
машҳур рақс ижрочилари ва саҳналаштирувчи балетмейстерлар;
рақс ҳаракатларини тез, чаққон ва маъноли ижро этиш;
рақс турлари ва услублари, уларни ижро этиш;
нисбатан оддий рақсларни яқка ижро этиш;
турли миллат ва элатларнинг рақс ҳаракатлари, уларни ижро этиш;
классик ва замонавий рақсларни ижро этиш.

7-§. Театр санъати туркуми

27. Театр санъати туркуми бўйича «Драма», «Қўғирчоқ театри» ва шу каби бошқа тўғараклар ташкил этилади.

28. Театр санъати туркумида таълим олувчилар ўз тўғаракларига мос равишда қуйидагилар ҳақида билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишлари лозим:

театр санъати тарихи, таниқли ўзбек ва чет эл актёрлари ижоди;
театр санъатининг асосий жанрлари;

турли образларни яратиш услублари;
классик театр спектакллари;
ўзбек драматурглари яратган миллий асарлар;
турли образлардан сахна кўринишларини ижро этиш;
сахна маданияти ва нутқи;
сахнада куйлаш ва роль ижро этиш;
турли ҳайвонлар образига овоз бериш;
қўғирчоқлар ва уларни ўйнатиш усуллари;
қўғирчоқларни танланган сценарий бўйича турли усулларда ўйнатиш;
ўзбек ва жаҳон халқ эртаклари намуналари ва уларни сахналаштириш.

8-§. Пазандачилик ва қандолатчилик туркуми

29. Пазандачилик ва қандолатчилик туркуми бўйича «Ёш пазанда», «Ёш қандолатчи» ва шу каби бошқа тўғараклар ташкил этилади.

30. Пазандачилик ва қандолатчилик туркумида таълим олувчилар ўз тўғаракларига мос равишда қуйидагилар ҳақида билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишлари лозим:

пазандачилик ва қандолатчиликда фойдаланиладиган асбоб-ускуналар, жиҳозлар ва улардан фойдаланиш;

салатлар турлари ва уларда ишлатиладиган масаллиқлар;

салатларни турли кўринишларда тайёрлаш ва уларга безак бериш;

таомларни турли кўриниш ва шаклларда тайёрлаш;

қандолатчилик маҳсулотлари турлари ва уларда ишлатиладиган маҳсулотлар;

қандолатчилик маҳсулотларини пишириш тартиби ва уларни тайёрлаш;

қандолатчилик маҳсулотларини турли усулларда безаш.

2-боб. Илмий йўналиш

31. Илмий йўналишда фан асослари бўйича қўшимча таълим берилади ҳамда фанлар ва тилларни ўргатиш учун тўғарак ва курслар ташкил этилади.

32. Илмий йўналишда таълим олувчилар ўз тўғаракларига мос равишда қуйидагилар ҳақида билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишлари лозим:

фан назариялари ва уларнинг илмий асослари;

фанларнинг ривожланишида ҳисса қўшган буюк ватандошларимиз ва жаҳон мутафаккирлари;

моҳир касб-ҳунар эгаси ва мутахассис бўлиб етишишида фанларнинг ўрни ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги;

фан асослари бўйича олган қўшимча билимларидан амалиётда фойдалана олиш;

чет тилларидаги сўз ва ибораларни тўғри ўқиш, талаффуз қилиш, ёзиш ва тушуниш;
айрим мавзулар бўйича эркин мулоқот қилиш;
грамматика ва пунктуация қоидаларига амал қилган ҳолда гаплар тузиш.

3-боб. Техник йўналиш

33. Техник йўналиш қуйидаги туркумларни ўз ичига олади:
бошланғич техник моделлаштириш ва конструкциялаш туркуми;
автоматика ва электроника туркуми;
техник воситалар ва компьютер технологиялари туркуми.
Мазкур йўналиш шу каби бошқа туркумларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

1-§. Бошланғич техник моделлаштириш ва конструкциялаш туркуми

34. Бошланғич техник моделлаштириш ва конструкциялаш туркуми бўйича «Автомодель», «Ракетамодель», «Авиамодель», «Кемасозлик», «Ёш конструктор ва ихтирочи» ва шу каби бошқа тўғараклар ташкил этилади.

35. Бошланғич техник моделлаштириш ва конструкциялаш туркумида таълим олувчилар ўз тўғаракларига мос равишда қуйидагилар ҳақида билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишлари лозим:

техниканинг яратилиш тарихи, техника соҳасидаги кашфиётлар ва олимлар;

ишлатиладиган хом ашёлар ва асбоб-ускуналар;

фойдаланиладиган дастгоҳларнинг турлари ва улардан фойдаланиш усуллари;

чизмачиликнинг бошланғич асослари ва элементлари;

техник моделлар ва макетларнинг бошланғич элементларини чизиш;

қоғоз, картон ва фанерадан турли хил моделлар ясаш ва уларга безак бериш;

техник модел ва макетларнинг шаблонини тайёрлаш ва моделлар ярата олиш;

турли хил техник воситалардан андоза олиш, уларни ясаш ва амалиётга мустақил татбиқ этиш.

2-§. Автоматика ва электроника туркуми

36. Автоматика ва электроника туркуми бўйича «Радиотехника», «Электроника ва алоқа», «Робототехника», «Электрон ўйинчоқлар» ва шу каби бошқа тўғараклар ташкил этилади.

37. Автоматика ва электроника туркумида таълим олувчилар ўз тўғаракларига мос равишда қуйидагилар ҳақида билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишлари лозим:

физика қонунлари, техника хавфсизлиги қоидалари;

радиотехника, электроника, электротехника воситалари, алоқа-нинг тарихи ва бу борадаги кашфиётлар;

автоматика ва электрон ҳисоблаш техникалари, электрон ва радиомонтаж ускуналаридан фойдаланиш;

электр қаршилиги, ток кучи ва кучланиши, ток ўлчайдиган асбоблар, резисторларнинг турлари ва тавсифи;

ярим ўтказувчанлик хоссасига эга бўлган элементлар, юмшоқ ва қаттиқ магнит материаллари билан ишлаш, ток кучи ва кучланишини ўлчаш;

электрон ўйинчоқларнинг ривожланиш тарихи;

электрон ўйинчоқларни тайёрлашда ишлатиладиган асбоб-ускуналар, дастгоҳлар ва кимёвий ашёлардан фойдаланиш;

механик, техник ва энг содда электрон ўйинчоқларни ҳамда турли хил ўйинчоқ роботларни ясаш;

қисқа ва ультрақисқа тўлқинларда эфирга чиқиш;

робототехникани моделлаштириш ва унда фойдаланиладиган хом ашёлар;

робототехника турларини моделлаштиришда техник асбоб-ускуналар ва дастгоҳлардан тўғри фойдаланиш.

3-§. Техник воситалар ва компьютер технологиялари туркуми

38. Техник воситалар ва компьютер технологиялари туркуми бўйича «Компьютер сабоқлари», «Компьютер дизайни ва графикаси», «Ёш дастурчи», «Ёш фотоҳаваскор», «Кино-видеоҳаваскор», «Компьютер сервис хизмати» ва шу каби бошқа тўғараклар ташкил этилади.

39. Техник воситалар ва компьютер технологиялари туркумида таълим олувчилар ўз тўғаракларига мос равишда қуйидагилар ҳақида билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишлари лозим:

физика қонунлари, техника хавфсизлиги қоидалари;

компьютерда дастурлаш тиллари;

компьютер техникасига дастурий таъминотларни ўрнатиш ва компьютерни тармоққа улаш;

компьютернинг техник қисмларини алмаштириш;

компьютерда дизайн яратиш ҳамда графика усулида ишлаш;

кино ва фото тасвирга олиш ва унинг тарихи;

видеоаппаратураларнинг турлари ва улардан фойдаланиш;

компьютер техникаларидан фойдаланиш ва дастурлар тузиш;

электрон ахборот ташувчи воситалар (оптик диск, флеш-карта)дан фойдаланиш.

4-боб. Спорт йўналиши

40. Спорт йўналишида спортнинг олимпия, миллий ва бошқа турлари бўйича тўғараклар, секциялар ва гуруҳлар ташкил қилинади.

41. Спорт йўналишида таълим олувчилар қуйидагилар ҳақида билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишлари лозим:

жисмоний меҳнат, жисмоний машғулоти ва спортнинг инсон организмга таъсири;

ўзини ўзи жисмоний ва тиббий жиҳатдан назорат қилиш;

жисмоний тарбия ва спорт ҳақидаги тушунчалар;

юртимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, аҳоли ўртасида оммавийликни ошириш борасида олиб борилаётган ислохотлар;

спорт турлари ва уларнинг фарқи;

спорт турлари бўйича Олимпиада ўйинлари, жаҳон ва халқаро турнирларнинг совриндорлари бўлган миллий спортчилар ва уларнинг эришган ютуқлари;

ўзи шуғулланаётган спорт турининг келиб чиқиш тарихи ва унинг аҳамияти;

ўзи шуғулланаётган спорт турининг қоидалари, жисмоний машқлар ва усуллар;

спорт турлари бўйича халқаро федерация ва ассоциациялар томонидан жорий қилинган янги қоидалар, халқаро спорт мусобақалари;

ўзи шуғулланаётган спорт тури бўйича турли усулларни амалда қўллаш;

ўзи шуғулланаётган спорт тури бўйича кўргазма намойишини кўрсата олиш.

5-боб. Тажиба-натуралистик йўналиш

42. Тажиба-натуралистик йўналиш қуйидаги туркумларни ўз ичига олади:

экология ва саломатлик туркуми;

ўсимликшунослик (флора) туркуми;

ҳайвотшунослик (фауна) туркуми.

Мазкур йўналиш шу каби бошқа туркумларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

1-§. Экология ва саломатлик туркуми

43. Экология ва саломатлик туркуми бўйича «Ёш эколог», «Ёш табиатшунос», «Оила ва саломатлик» ва шу каби бошқа тўғараклар ташкил этилади.

44. Экология ва саломатлик туркумида таълим олувчилар ўз тўғаракларига мос равишда қуйидагилар ҳақида билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишлари лозим:

йил фасллари ва ҳафта кунлари белгилари, мавсумий ўзгаришларнинг организмга таъсири;

иклим ва об-ҳавонинг ўзгариши тўғрисидаги дастлабки тушунчалар;

ер, сув, тупроқ, ҳарорат, ўсимлик ва ҳайвонлар;

жонли ва жонсиз табиат, уларнинг бир-бири билан ўзаро боғлиқлиги;

экологик омилларнинг бир-биридан фарқлари ва организмга таъсири;

табиатда учрайдиган заҳарли ўсимлик ва ҳайвонот турлари;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;

маданий ўсимликлардан экибана ва гербарийлар тайёрлаш;

соғлом турмуш тарзи ва гигиена қоидалари;

жисмоний меҳнат, жисмоний машғулот ва спортнинг инсон организмга таъсири;

алкоголь ва тамаки маҳсулотини истеъмол қилишнинг инсон организмга таъсири;

организмга зарар келтирувчи микроблар ва паразитлар;

меҳнат ва дам олишни тўғри ташкил этиш ва уларга амал қилиш;

тўғарак хоналари, хонадонлар ва жамоат жойлари учун белгиланган санитария-гигиена қоидалари;

биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш;

инсон организмнинг тузилиши ва қон гуруҳлари;

барқарорлик омиллари ва умуминсоний қадриятлар;

табiiй ресурслар ва улардан оқилона фойдаланиш;

одам ва унинг саломатлиги атроф-муҳитга боғлиқлиги.

2-§. Ўсимликшунослик (флора) туркуми

45. Ўсимликшунослик (флора) туркуми бўйича «Боғдорчилик», «Гулчилик», «Сабзавотчилик» ва шу каби бошқа тўғараклар ташкил этилади.

46. Ўсимликшунослик (флора) туркумида таълим олувчилар ўз тўғаракларига мос равишда қуйидагилар ҳақида билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишлари лозим:

ўсимликлар ва уларнинг турлари;

субтропик ўсимликларни турли усулларда пайвандлаш бўйича тажриба ўтказиш;

сабзавот-полиэ экинларининг турлари ва уларни парваришлаш;

иссиқхонада ўстириладиган сабзавот-полиэ экинлари ва уларни парваришлаш;

сабзавот-полиэ ўсимликларни уруғлар ва кўчатлар орқали кўпайтириш;

Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган ўсимликлар;

мева ва манзарали дарахтлар, уларни парвариш қилиш ва кўпайтириш;

турли усулларда боғ экинларининг касаллик ва зараркунандаларига қарши курашиш бўйича тажриба ўтказиш;

гулларнинг оилалари, турлари ва номлари;

гулларни турли усулларда кўпайтириш бўйича тажриба ўтказиш.

3-§. Ҳайвонотшунослик (фауна) туркуми

47. Ҳайвонотшунослик (фауна) туркуми бўйича «Қушчилик», «Паррандачилик», «Чорвачилик», «Асаларичилик», «Аквариум балиқчилиги» ва шу каби бошқа тўғараклар ташкил этилади.

48. Ҳайвонотшунослик (фауна) туркумида таълим олувчилар ўз тўғаракларига мос равишда қуйидагилар ҳақида билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишлари лозим:

қушлар, паррандалар, чорва моллари, асалари ва аквариум балиқларининг озиқ-овқатлари;

қушларнинг турлари ва уларни парваришlash;

маданий парранда турлари, зотлари ва уларни парваришlash;

чорва моллари ва уларни парваришlash;

уй ҳайвонларининг зотларига кўра овқатланиш рационларини тузиш;

ноёб ва йўқолиб бораётган ҳайвон турларини муҳофаза қилиш;

асалари ва уларни парваришlash;

аквариум балиқлари турлари, уларнинг биологик хусусиятлари, озиқлантириш тартиби ва парваришlash усуллари;

аквариум балиқларининг касалликлари ва уларни турли усулларда даволаш бўйича тажриба ўтказиш.

6-боб. Сайёҳлик-ўлкашунослик йўналиши

49. Сайёҳлик-ўлкашунослик йўналиши қуйидаги туркумларни ўз ичига олади:

сайёҳлик туркуми;

ўлкашунослик туркуми.

Мазкур йўналиш шу каби бошқа туркумларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

1-§. Сайёҳлик туркуми

50. Сайёҳлик туркуми бўйича «Ёш сайёҳ», «Велосайёҳ», «Пиёда сайёҳлик», «Ёш экскурсовод» ва шу каби бошқа тўғараклар ташкил этилади.

51. Сайёҳлик туркумида таълим олувчилар ўз тўғаракларига мос равишда қуйидагилар ҳақида билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишлари лозим:

мамлакатимиздаги тарихий обидалар, улар ҳақидаги афсона ва ривоятлар;

сайёҳлик ва туризм тушунчаси;

сайёҳатларни ташкил этиш;

сайёҳлик анжомлари, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда улардан самарали фойдаланиш;

туризм спортининг техника ва тактикаси;

республика, вилоят, туман (шаҳар)лардаги энг оммабоп сайёҳат маршрутлари;

ўлка табиий географияси;
 пиёда ва велосайёҳлик маршрутлари;
 саёҳат маршрутини ишлаб чиқиш;
 саёҳат даврида тунаш, тўхташ жойларини танлаш, чодирни ўрната олиш ва сайёҳлик арқонини турли хил боғлаш;
 саёҳат даврида гулхан ёқиш ва овқат тайёрлаш;
 биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатиш;
 фенологик кузатув ишларини олиб бориш;
 номаълум жойда карта ва компас, шунингдек табиат белгиларига қараб мўлжал олиш;
 хариталардан фойдаланиш, шунингдек хариталардан географик, геологик ва археологик объектларнинг географик координатларини ва масофаларни аниқлаш;
 юк кўтариш ва пиёда юриш меъёрлари;
 ўз ўлкасидаги мавжуд туристик объектларга тавсиф бериш;
 ўлкада кузатиладиган табиий офатлар ва уларнинг оқибатлари.

2-§. Ўлкашунослик туркуми

52. Ўлкашунослик туркуми бўйича «Ёш ўлкашунос», «Тарихий ўлкашунослик», «Адабий ўлкашунослик», «Ёш музейшунос» ва шу каби бошқа тўғараклар ташкил этилади.

53. Ўлкашунослик туркумида таълим олувчилар ўз тўғаракларига мос равишда қуйидагилар ҳақида билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишлари лозим:

ўлканинг ижтимоий-иқтисодий географияси;
 ўлканинг йирик география, тарих, биология, археология, музейшунослик ва адабиёт фанларининг етук намоёндалари;
 ўлканинг жой номлари, қадимги ва айни пайтдаги табиий географик шароити (геологик тузилиши, рельефи, иқлими, сув ресурслари, ўсимлик ва ҳайвонот олами, тупроқлари);
 ўлкага оид тарихий ва географик хариталар;
 ўз ўлкасидаги тоғ тизмалари ва чўққилари;
 ўз ўлкасидаги табиий ресурслар ҳамда улардан оқилона фойдаланиш;
 ўлкадаги шоир ва ёзувчиларнинг ҳаёти ва ижоди;
 мавжуд шева ва лаҳжалар;
 музейларнинг шакллари ва турлари;
 музей ашёлари ва коллекциялари таснифи;
 музей коллекцияларини сақлаш;
 ўлкадаги музейлар ва аҳолига хизмат кўрсатиш тартиби;
 мактаб музейларини ташкил этиш;
 миллий музей фонди ва давлат каталоги;
 музейлар ва музейшунослик ишларини ташкил этиш;
 адабий, тарихий ўлкашунослик музейларини ташкил этиш учун қўлёзмалар, тошбосмалар, босмаҳоналарда чоп этилган журнал, газета, китоб, альбом ва бошқа материалларни тўплаш.

IV БЎЛИМ. ЎҚУВ ЮКЛАМАСИ ҲАЖМИ ВА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

1-боб. Ўқув юкламаси ҳажми

54. 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар учун тўғарак машғулоти ҳафталик ва йиллик ўқув юкламасининг энг кам ҳажми қуйидагича:

барча йўналишлар бўйича ҳафталик ўқув юкламасининг энг кам ҳажми биринчи ўқув йилида 4 академик соатни, кейинги ўқув йилларида 6 академик соатни ташкил этади;

барча йўналишлар бўйича йиллик ўқув юкламасининг энг кам ҳажми биринчи ўқув йилида 144 академик соатни, кейинги ўқув йилларида 216 академик соатни ташкил этади;

сайёҳлик-ўлкашунослик йўналиши бўйича ҳафталик ўқув юкламасининг энг кам ҳажми биринчи ва кейинги ўқув йилларида 6 академик соатни, йиллик ўқув юкламасининг энг кам ҳажми биринчи ва кейинги ўқув йилларида 216 академик соатни ташкил этади.

55. 6 ёшдаги болалар учун тўғарак машғулоти 35 дақиқа давомида ўтказилади ва у ҳафтада 2 академик соатдан, бир ўқув йилида 72 академик соатдан ошмаслиги лозим.

2-боб. Мактабдан ташқари таълим сифатини назорат қилиш

56. Мактабдан ташқари таълим сифатининг назорати ички назорат ва жамоат назорати усулларида олиб борилади.

57. Ички назорат – мактабдан ташқари таълим муассасасининг ўзи томонидан амалга оширилади. Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакалари Давлат талабларига мослигини аниқлаш оғзаки ва ёзма синовлар, тестлар, сўровномалар, кўрик-танловлар, семинарлар, мусобақалар, амалий иш натижалари ҳамда бошқа шаклларда амалга оширилади.

58. Ички назорат мактабдан ташқари таълим муассасаларида ўқув йилининг биринчи ярми ва ўқув йили якунида ўтказилади.

59. Ички назорат қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

жорий назорат – ўқитувчи томонидан кунлик машғулоти жараёнида таълим олувчиларни баҳолаш мақсадида оғзаки сўров, ёзма ишлар, тестлар, концерт, диктант, амалий иш, уй вазифаси ва мактабдан ташқари таълим йўналишларининг хусусиятларидан келиб чиқиб бошқа шаклларда ташкил этилади;

оралиқ назорат – йўналишнинг маълум бир қисми, бўлими якунлангандан сўнг оғзаки, ёзма, тестлар, сўровномалар, кўрик-танловлар, мусобақалар, амалий иш натижалари ва мактабдан ташқари таълим йўналишларининг хусусиятларидан келиб чиқиб бошқа шаклларда ташкил этилади;

якуний назорат – ўқув йили якунида ва ўқув дастурининг тегишли бўлими тугаллангандан кейин оғзаки, ёзма, тестлар, сўровномалар, семинарлар, кўрик-танловлар, мусобақалар, амалий иш натижалари

ва мактабдан ташқари таълим йўналишларининг хусусиятларидан келиб чиқиб бошқа шаклларда ташкил этилади.

60. Жорий ва оралиқ назорат мактабдан ташқари таълим йўналишларининг хусусиятига кўра айрим йўналишлардагина ўтказилади.

61. Жамоат назорати ота-оналар ва жамоат бирлашмалари томонидан амалга оширилади.

V БЎЛИМ. ЯКУНИЙ ҚОИДА

62. Мазкур Давлат талаблари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази билан келишилган.

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Давлат тест маркази директори**
2015 йил 30 март

Ж. Исмаилов

Соғлиқни сақлаш вазири
2015 йил 30 март

А. Алимов

Маданият ва спорт ишлари вазири в. в. б.
2015 йил 30 март

Б. Ахмедов

**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус,
касб-хунар таълими маркази директори**
2015 йил 30 март

У. Салимов

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРИНИНГ**

2015 йил 13 апрель,

9-мҳ-сонли

Б У Й Р У Ғ И

ЭКСТЕРНАТ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан
2015 йил 11 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2670**

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги 203-сонли «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига асосан

БУЮРАМАН:

1. Экстернат тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирадиган.

Вазир

У. Иноятов

*Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2015 йил
13 апрелдаги 9-мх-сонли буйруғига
ИЛОВА*

Экстернат тўғрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги 203-сонли «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, умумий ўрта таълим дастурларини давлат таълим стандарти доирасида мустақил ўзлаштирган таълим олувчиларни экстернат тартибидан якуний давлат аттестациясидан (бундан буён матнда аттестация деб юритилади) ўтказиш тартибини белгилайди.

1-боб

Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

экстернат – умумий ўрта таълим ҳажмидаги ўқув дастурларини давлат таълим стандартлари доирасида мустақил ўзлаштириш жараёни;

экстерн – умумий ўрта таълим ҳажмидаги ўқув дастурларини давлат таълим стандартлари доирасида мустақил ўзлаштирган ҳамда аттестациядан ўтказиладиган шахс.

2. Умумий ўрта таълим дастурларини давлат таълим стандарти доирасида мустақил ўзлаштирган экстернлар мазкур Низом асосида экстернат тартибидан аттестациядан ўтиш ҳуқуқига эга.

3. Экстернларни аттестациядан ўтказиш бепул амалга оширилади.

2-боб

Экстернлар рўйхатини шакллантириш

4. Аттестация тегишли давлат таълим стандартлари доирасида амалга оширилади.

5. Аттестацияда умумий ўрта таълим дастурларини давлат таълим стандарти доирасида мустақил ўзлаштирган ва тегишли йилда 16 ёшга тўладиган ҳамда ундан катта ёшдаги фуқаролар қатнашиши мумкин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси (бундан буён матнда ҳудудий бошқарма деб юритилади) бошлиғининг буйруғи билан ҳар йили 1 мартга қадар аттеста-

ция ўтказиш учун тегишли ҳудуд марказида жойлашган битта умумий ўрта таълим муассасаси (бундан буён матнда мактаб деб юритилади) белгиланади.

7. Экстернлар тегишли йилнинг 1 майига қадар (шу куни ҳам) мактаб директори номига ариза билан мурожаат этади.

8. Экстерннинг аризасига қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади: баҳолар (ўзлаштириш) табели, агар мавжуд бўлса; экстерннинг 3,5 x 4,5 см ҳажмдаги 4 дона рангли фотосурати; паспорт нусхаси, экстерн паспорт олмаган бўлса, унинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси нусхаси (асли кўрсатилган ҳолда); экстерннинг яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан берилган маълумотнома.

9. Экстерн томонидан барча зарур ҳужжатлар тақдим этилганда, бу ҳақда Экстернларнинг аризаларини рўйхатга олиш дафтарига ёзиб қўйилади.

10. Экстернларнинг аризаларини рўйхатга олиш дафтарида қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши лозим:

экстерннинг фамилияси, исми ва отасининг исми;
экстерннинг туғилган йили, санаси ва жойи;
экстерннинг доимий яшаш жойи ва телефон рақами;
баҳолар (ўзлаштириш) табелига кўра сўнгги ўқиган синфи, агар ўқиган бўлса;

ариза ва бошқа ҳужжатлар топширилган сана ва ҳужжатларни қабул қилиб олган шахснинг имзоси.

11. Ариза билан мурожаат қилган экстернлар рўйхати ҳужжатларни қабул қилиш муддати тугаган кундан (1 майдан) бошлаб икки иш куни ичида мактаб директори томонидан тегишли ҳудудий бошқармага тақдим этилади.

Экстернлар рўйхати ҳудудий бошқармалар томонидан, улар мактаблардан олинган кундан бошлаб бир кун ичида, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига юборилади.

3-боб

Экстернларнинг аризаларини кўриб чиқиш ҳамда уларни аттестациядан ўтказиш

12. Экстернларнинг аризалари мактаб педагогик кенгаши томонидан тегишли йилнинг 10 майига қадар кўриб чиқилади ва экстернни аттестацияга қўйиш ҳақида қарор қабул қилинади. Мазкур қарор экстернларнинг танишиши учун аттестация бошланишидан камида 10 кун олдин мактаб биносининг барча учун кўринарли жойига осиб қўйилади.

13. Экстернлар қонун ҳужжатларида мактаб битирувчилари учун белгиланган ҳуқуқларга эга бўлади, яқиний давлат аттестациясидан озод бўлиш ҳуқуқи бундан мустасно.

14. Экстернларни аттестациядан ўтказиш Умумий ўрта таълим олувчиларнинг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 1778, 2008 йил 20 март) мувофиқ амалга оширилади.

15. Экстерн 9-синфдаги баҳолар (ўзлаштириш) табелига асосан, аттестация ўтказилмайдиган фанлардан ижобий баҳоланган бўлса, ушбу фанлардан аттестациядан озод этилади.

16. Экстерннинг 9-синфдаги баҳолар (ўзлаштириш) табели бўлмаса, 9-синфда ўқитиладиган фанлардан имтиҳон топширади, «Чизмачилик», «Тасвирий санъат», «Муסיқа», «Меҳнат таълими», «Жисмоний тарбия» фанлари бундан мустасно.

17. Узрсиз сабабларга кўра аттестацияга келмаган экстернлар, жорий ўқув йилида ушбу фандан қайта аттестациядан ўтказилмайди.

Узрли сабабларга кўра, аттестацияда қатнаша олмаган экстернлар узрли сабабни тасдиқловчи тегишли ҳужжатларни тақдим этган тақдирда, жорий ўқув йилида қайта аттестациядан ўтказилади.

18. Касаллиги туфайли экстерн мактабга шахсан ўзи кела олмаса, унинг (ота-онасининг ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг) мувожаатига асосан, мактаб директори томонидан ушбу экстернга уй шароитида аттестациядан ўтиш имконияти яратилади.

19. Экстернларнинг аттестацияси натижалари бўйича баённома расмийлаштирилади ва мазкур баённоманинг юқори ўнг бурчагига «eksternat» сўзи ёзиб қўйилади.

20. Экстернларнинг аттестацияси тамом бўлган кундан бошлаб уч иш куни ичида мактаб директори томонидан ёзма равишда ҳисобот тайёрланиб, тегишли ҳудудий бошқармага тақдим этилади.

21. Ҳудудий бошқармалар томонидан мактаб директорининг ҳисоботи олинган, икки иш куни ичида ушбу ҳисобот асосида маълумот (ўтказилган аттестация натижалари бўйича) тайёрланиб, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига юборилади.

22. Экстернларнинг шаходатномалари Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 июндаги 235-сон қарори билан тасдиқланган Умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатномани битирувчиларга бериш тартиби тўғрисида низомга мувофиқ тўлдирилади.

4-БОБ

Якуний қоидалар

23. Экстерн томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг сақланиши учун мактаб директори масъул ҳисобланади.

24. Экстернлар томонидан топширилган ҳужжатлар, Экстернларнинг аризаларини рўйхатга олиш дафтари, аттестация баённомалари ва аттестация билан боғлиқ бошқа материаллар 3 йил давомида аттестация ўтказилган мактабда сақланади.

25. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИНИНГ**

Қ А Р О Р И

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ БИТИРУВЧИЛАРИНИНГ
ШАХСИЙ ҲУЖЖАТЛАР ЙИҒМАЖИЛДИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
УЧУН ЗАРУР БЎЛГАН ҲУЖЖАТЛАР РЎЙХАТИНИ ТАСДИҚЛАШ
ҲАҚИДА**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан
2015 йил 13 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2673**

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 июндаги 109-сон «Умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида ўқитиш билан қамраб олишни таъминлаш бўйича норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Умумий ўрта таълим мактаблари битирувчиларининг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдини шакллантириш учун зарур бўлган ҳужжатлар рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Халқ таълими вазири

У. Иноятов

*Тошкент ш.,
2015 йил 7 май,
12-мҳ-сон*

**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус,
касб-ҳунар таълими маркази директори**

У. Салимов

*Тошкент ш.,
2015 йил 7 май,
21/ҚҚ-сон*

*Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий
ва ўрта махсус таълим вазирлигининг
Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг 2015 йил 7 майда-
ги 12-мх ва 21/ҚҚ-сон қарорига
ИЛОВА*

**Умумий ўрта таълим мактаблари битирувчиларининг шахсий
хужжатлар йиғмажилдини шакллантириш учун зарур бўлган
хужжатлар РЎЙХАТИ**

1. Битирувчининг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар-
нинг ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси директори номига
ёзган аризаси;

2. 086-У-шакл бўйича тиббий маълумотнома;

3. Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг биометрик паспорти нус-
хаси, агар битирувчи паспорт олмаган бўлса, унинг туғилганлик ҳақи-
даги гувоҳномаси;

4. Битирувчининг 3,5 x 4,5 см ҳажмдаги 6 дона фотосурати (рангли);

5. Умумтаълим фанлари бўйича республика олимпиадалари ғолиб-
ларига берилган республика ташкилий қўмитасининг йўлланмаси, агар
мавжуд бўлса;

6. Умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома;

7. Халқ таълими тизимида ўтказилган психологик-педагогик ташхис
натижалари (Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-пе-
дагогик Республика ташхис маркази тавсияномаси);

8. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббий маслаҳат комиссиялари
хулосалари ва тавсиялари, шунингдек Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш бош бошқармаларининг, туман (шаҳар) Бандликка
қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларининг
йўлланмалари – ихтисослаштирилган касб-хунар коллежларида таъ-
лим олувчи имкониятлари чекланган шахслар учун;

9. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тош-
кент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ёки вилоят халқ таълими
бошқармасининг битирувчи академик лицей ёки касб-хунар коллежига
жалб этилмаганлигини тасдиқловчи маълумотномаси – илгари акаде-
мик лицейлар ёки касб-хунар коллежларига жалб этилмаган битирув-
чилар учун.

Изоҳ: Мазкур Рўйхатнинг 1 – 5-бандларида назарда тутилган
хужжатлар бевосита битирувчининг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини
босувчи шахслар томонидан, 6 – 9-бандларида назарда тутил-
ган хужжатлар бевосита тегишли умумтаълим мактаби томонидан
тўпланади.

10. Мазкур Рўйхат Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ва-
зирлиги билан келишилган.

Соғлиқни сақлаш вазири

2015 йил 7 май

А. Алимов

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРИНИНГ**

2015 йил 18 май

152-сонли

Б У Й Р У Қ И

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИГА ОИД ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ВА ҚАБУЛ
ҚИЛИНАДИГАН ҚОНУН ВА ҚОНУНОСТИ ХУЖЖАТЛАРИНИ
ТИЗИМЛИ РАВИШДА МУҲОКАМА ҚИЛИШ, НАЗОРАТ-
ТАҲЛИЛ ИШЛАРИНИ ЎТКАЗИШ, МАВЖУД ҚОНУНЛАРДАГИ
“КАМЧИЛИКЛАР”НИ АНИҚЛАШ ВА БАРТАРАФ ҚИЛИШ БЎЙИЧА
ЭКСПЕРТ-ТАҲЛИЛ ГУРУҲИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси
Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг 2015
йил 16 апрелдаги 04/5-ққ-01-сонли “Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2015 йилга ва ундан кейинги
йилларга мўлжалланган ташкилий-ҳуқуқий тадбирлари, қонун ижод-
корлиги ва назорат-таҳлил ишлари Дастурининг Қўмита томонидан
амалга ошириш механизмлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палата-
си Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг (бун-
дан буён матнда Қўмита деб юритилади) 2015 йил 16 апрелдаги
04/5-ққ-01-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Қўмитанинг 2015 йил 12 февралдаги 2-сонли йиғилиши баён-
номасига мувофиқ тузилган Ўзбекистон Республикаси Олий Маж-
лиси Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масала-
лари қўмитасининг қонун лойиҳаларини тайёрлаш, муҳокама қилиш
ва ташкилий-ҳуқуқий тадбирларини ташкил этишда қўмаклашувчи
экспертлар гуруҳи (бундан буён матнда эксперт гуруҳи деб юрити-
лади) таркиби тасдиқланганлиги ҳамда вазирликнинг Таълим му-
ассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси бошлиғи
(Ф.Ахмедов) ва бош юрисконсульт (С.Миразимов) мазкур эксперт
гуруҳи аъзолигига киритилганлиги инобатга олинсин.

3. Халқ таълими тизимига оид қабул қилинган ва қабул
қилинадиган қонун ва қонуности ҳужжатларини тизимли равиш-

да муҳокама қилиш. назорат-таҳлил ишларини ўтказиш, мавжуд қонунлардаги “камчиликлар”ни аниқлаш ва бартараф қилиш бўйича эксперт-таҳлил гуруҳи (бундан буён матнда эксперт-таҳлил гуруҳи деб юритилади) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Эксперт-таҳлил гуруҳига:

халқ таълими тизимига оид қонунлар ва қонуности ҳужжатларини инвентаризация қилиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги камчиликларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш мақсадида амалдаги қонун ва қонуности ҳужжатларини таҳлил қилиш, улардаги юридик жавобгарлиги белгиланмаган нормаларни аниқлаш, мавжуд қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

қабул қилинаётган қонун лойиҳалари муҳокамасини ташкил этиш ва уларнинг мазмун-моҳиятини тизимдаги қуйи ташкилот ва муассасаларга етказиш;

амалдаги қонун ва қонуности ҳужжатларининг замон талабига жавоб бермайдиган нормаларини аниқлаш ҳамда қайта кўриб чиқиш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

қонун ва қонуности ҳужжатлари лойиҳаларини муҳокама қилиш жараёнларида қатнашиш;

камчиликлар аниқланган қонун ва қонуности ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, муаммоли муносабатларни тартибга солишга қаратилган янги қонун ва қонуности ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш тўғрисида таклифлар тайёрлаш;

ҳар чорак охирида эксперт-таҳлил гуруҳининг ҳар бир аъзоси томонидан ўз йўналиши бўйича тайёрланган таклифларни эксперт гуруҳи (Ф.Ахмедов, С.Миразимов)га тақдим этиш вазифалари юклатилсин.

1. Эксперт-таҳлил гуруҳи таркибига заруриятга кўра бошқа мутахассисларни ҳам жалб этиш мумкинлиги белгилаб қўйилсин.

2. Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси бошлиғи (Ф.Ахмедов) ва бош юрисконсулт (С.Миразимов) га эксперт-таҳлил гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган таклифларни танқидий ўрганиб чиқиш, асослантирилган таклифларни эксперт гуруҳига тақдим этиш, эксперт гуруҳи фаолиятида берилган таклифлар юзасидан тушунтириш бериш ва мулоҳазалар билдириш вазифалари юклатилсин.

3. Мазкур буйруқ ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Вазир

У.Иноятов

*Халқ таълими вазирининг
2015 йил 18 майдаги 152 сонли буйруғига ИЛОВА*

**Халқ таълими тизимида оид қабул қилинган ва қабул
қилинадиган қонун ва қонуности ҳужжатларини тизимли
равишда муҳокама қилиш, назорат-таҳлил ишларини
ўтказиш, мавжуд қонунлардаги “камчиликлар”ни аниқлаш ва
бартараф қилиш бўйича эксперт-таҳлил гуруҳи
ТАРКИБИ**

1. Данияров Б.	Вазирнинг биринчи ўринбосари, раис
2. Абруев У.	Вазир ўринбосари, раис ўринбосари
3. Искандаров Э.	Вазир ўринбосари, раис ўринбосари
4. Лавозимига кўра	Вазир ўринбосари, раис ўринбосари
5. Ахмедов Ф.	Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси бошлиғи, аъзо
6. Миразимов С.	Бош юрисконсульт, аъзо
7. Асадов Й.	Умумтаълим мактабларида ўқув-тарбия жараёнини ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғи, аъзо
8. Шамсиев Б.	Кадрлар бошқармаси бошлиғи
9. Даминов Ҳ.	Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси бошлиғи, аъзо
10. Муротов Н.	Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси бошлиғи, аъзо
11. Узаков Ф.	Таълим муассасаларининг моддий-техник таъминотини ташкил этиш бошқармаси бошлиғи, аъзо
12. Атамирзаев Қ.	Муסיқа ва санъат таълим муассасалари бошқармаси бошлиғи, аъзо
13. Алимов А.	Болалар спортини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи, аъзо
14. Бектурдиев Қ.	Нazorat ва таҳлил бошқармаси бошлиғи, аъзо
15. Хундибаев А.	Таълим-тарбия жараёнига ахборот- коммуникация технологияларини жорий этиш бўлими бошлиғи, аъзо
16. Лавозимига кўра	Инвестицияларни жалб қилиш ва халқаро ҳамкорлик бўлими бошлиғи, аъзо

Изоҳ: Эксперт-таҳлил гуруҳи аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда Гуруҳ таркибига уларнинг лавозимларига тайинланган шахслар ёхуд зиммасига тегишли функциялар юкланган шахслар киритилади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРИНИНГ**

2015 йил 2 июнь

13-мҳ-сонли

Б У Й Р У Қ И

**ЎҚУВЧИЛАРНИ СИНФДАН СИНФГА ВА БИР УМУМИЙ ЎРТА
ТАЪЛИМ МУАССАСАСИДАН БОШҚАСИГА ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ
ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан
2015 йил 17 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2684**

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги 203-сон «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ

БУЮРАМАН:

1. Ўқувчиларни синфдан синфга ва бир умумий ўрта таълим муассасасидан бошқасига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

У. Иноятов

*Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг
2015 йил 2 июндаги 13-мх-сон буйруғига
ИЛОВА*

**Ўқувчиларни синфдан синфга ва бир умумий ўрта таълим
муассасасидан бошқасига ўтказиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги 203-сон «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ умумий ўрта таълим муассасалари (бундан буён матнда мактаб деб юритилади) ўқувчиларини синфдан синфга ва бир мактабдан бошқасига ўтказиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:
синфдан синфга ўтказиш – ўқувчини бир синфдан бошқа параллел синфга ўтказиш;

бир мактабдан бошқасига ўтказиш – ўқувчини бир мактабдан бошқа бир мактабнинг тегишли синфига ўтказиш.

2. Мазкур Низом талаблари:

барча вазирлик ва идоралар тасарруфидаги мактабларга;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилаётган фуқаролиги бўлмаган шахсларни синфдан синфга ва бир мактабдан бошқасига ўтказишга нисбатан татбиқ этилади.

3. Ўқувчиларни нодавлат таълим муассасаларидан мактабларга ўтказиш мазкур Низомда белгиланган тартибда, мактаблардан нодавлат таълим муассасаларига ўтказиш мазкур Низом ва нодавлат таълим муассасаларининг уставларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

4. Мазкур Низом жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган ўқувчиларни синфдан синфга ва бир мактабдан бошқасига ўтказишга нисбатан татбиқ этилмайди.

5. Мактаб ўқувчиларини синфдан синфга ва бир мактабдан бошқасига ўтказиш масалалари умумий ўрта таълимнинг мажбурийлиги ҳамда Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилувчи шахсларнинг таълим олиш тилини эркин танлаш ҳуқуқини инобатга олган ҳолда амалга оширилади.

6. Ўқувчиларни синфдан синфга ва бир мактабдан бошқасига ўтказиш бепул амалга оширилади.

2-боб. Ўқувчини синфдан синфга ўтказиш

7. Ўқувчининг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар (бундан буён матнда ота-оналар деб юритилади) ўз хоҳишига кўра ўқув йили давомида ёки у тугаганидан сўнг фарзандини синфдан синфга ўтказиш ҳуқуқига эга.

8. Ота-оналар фарзандини синфдан синфга ўтказиш учун унинг сабабларини кўрсатган ҳолда мактаб директори номига ариза билан мурожаат қилади.

9. Мактаб директори аризани қабул қилиб олган кундан бошлаб бир иш куни ичида кўриб чиқади ва ўқувчини синфдан синфга ўтказиш тўғрисида буйруқ қабул қилади.

Синфдаги ўқувчилар сони белгиланган меъёрдан ортиқ бўлган тақдирда, мактаб директори ўқувчини синфдан синфга ўтказишни рад қилиши мумкин.

Синфдан синфга ўтказиш рад этилганлиги ҳақида мактаб директори томонидан уч кун ичида ота-оналарга ёзма равишда маълум қилинади.

10. Мактаб директорининг ўқувчини синфдан синфга ўтказиш тўғрисидаги буйруғи қабул қилинган, уч кун ичида синф журнали ва ўқувчилар ҳаракати дафтарига тегишли ёзув киритилади.

3-боб. Ўқувчини бир мактабдан бошқасига ўтказиш

11. Ота-оналар ўз хоҳишига кўра ўқув йили давомида ёки у тугаганидан сўнг фарзандини бир мактабдан бошқасига ўтказиш ҳуқуқига эга.

12. Ота-оналар фарзандини бир мактабдан бошқасига ўтказиш учун унинг сабабларини кўрсатган ҳолда ўқувчи таълим олаётган мактаб директори номига ариза билан мурожаат қилади.

13. Ариза мактаб директори томонидан бир иш куни ичида кўриб чиқилади ва ўқишни давом эттириш учун танланган мактабга тақдим этиш учун ушбу Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда мактабдан кетиш талони берилади.

14. Ота-оналар фарзанди ўқишни давом эттириши учун танланган мактаб директорига ўқишга қабул қилиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилади. Аризага мактабдан кетиш талони ва яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан берилган маълумотнома илова қилинади.

15. Ўқишни давом эттириш учун танланган мактаб директори ариза ва мактабдан кетиш талонини қабул қилиб олган, шу куннинг ўзида ота-оналарга ўқувчи таълим олаётган мактабга тақдим этиш учун ушбу Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда мактабга келиш талонини беради.

16. Ўқувчи таълим олаётган мактаб директори мактабга келиш талонини қабул қилиб олган, шу куннинг ўзида ўқувчини мактаб ўқувчилари сафидан чиқариш тўғрисида буйруқ қабул қилади. Мактаб директори мазкур буйруқ билан ота-оналарни таништирганлиги

тўғрисида имзо қўйдириб, уларга қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади ва ҳужжатлар берилганлиги тўғрисида тилхат олади:

ўқувчининг мактаб ўқувчилари сафидан чиқарилганлиги тўғрисидаги буйруқдан кўчирма;

ўқувчининг баҳолар (ўзлаштириш) табели;

ўқувчининг тиббий картаси.

17. Ота-оналарнинг ҳужжатларни олганлиги ҳақидаги тилхати, келиш талони ва ўқишни давом эттириш учун танланган мактаб директорининг ўқувчининг ўқишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги буйруғидан кўчирма ўқувчининг мактабда сақланадиган шахсий ҳужжатлар йиғмажилдига тикиб қўйилади.

18. Ўқишни давом эттириш учун танланган мактаб директори бошқа мактабдан ўтказилаётган ўқувчининг ўқув жараёнларидан четда қолиб кетмаслигини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўриши шарт.

19. Ўқишни давом эттириш учун танланган мактаб директори мазкур Низомнинг 16-бандида белгиланган ҳужжатларни қабул қилиб олгач, шу куннинг ўзида ўқувчини мактаб ўқувчилари сафига қабул қилиш тўғрисида буйруқ чиқаради.

Мактаб директори мазкур буйруқдан кўчирмани бир иш куни ичида ўқувчи илгари таълим олган мактабга маълумот учун юборади.

20. Ўқувчини ўқувчилар сафидан чиқариш тўғрисида ёки мактаб ўқувчилари сафига қабул қилиш тўғрисида буйруқ чиқарилгач, уч кун муддатда синф журнали ва ўқувчилар ҳаракати дафтарига тегишли ёзув киритилади.

21. Ўқишни давом эттириш учун танланган мактабга ўтказилган ўқувчи ўн кун ичида сабабсиз ёки мактаб раҳбарияти ва синф раҳбарини хабардор қилмасдан дарс машғулотларига келмаса, мактаб директори бу ҳақда ота-оналарни, ўқувчининг яшаш жойидаги туман (шаҳар) ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияни ҳамда ўқувчи илгари таълим олган мактаб директорини ёзма равишда огоҳлантиради ва бир вақтнинг ўзида ўқувчининг дарсларга келмаганлиги сабабларини аниқлаш ва уни дарс машғулотларига жалб этиш чораларини кўради.

4-боб. Ўқувчини хорижий давлатдаги таълим муассасасига ўтказиш

22. Ота-оналар ўқиш, ишлаш, узоқ муддатли даволаниш ёки бошқа мақсадларда доимий ёки вақтинча яшаш учун хорижий давлатга кетаётган бўлса, фарзандини доимий ёки вақтинча яшаш учун кетаётган давлатдаги таълим муассасасига ўтказиш ҳуқуқига эга.

23. Ота-оналар фарзандини хорижий давлатдаги таълим муассасасига ўтказиш учун унинг сабабларини кўрсатган ҳолда мактаб директори номига ариза билан мурожаат этади. Аризага туман (шаҳар)

хокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг вояга етмаганни мактаб ўқувчилари сафидан чиқариш учун розилиги акс этган қароридан кўчирма илова қилинади.

24. Ариза мактаб директори томонидан бир иш кун ичида кўриб чиқилиб, ўқувчини мактаб ўқувчилари сафидан чиқариш тўғрисида буйруқ қабул қилинади. Мактаб директори мазкур буйруқ билан оналарни таништирганлиги тўғрисида имзо қўйдириб, уларга мазкур Низомнинг 16-бандида белгиланган ҳужжатларни тақдим этади ва ҳужжатларни олганлиги тўғрисида тилхат олади.

Ота-оналарнинг ҳужжатларни олганлиги ҳақидаги тилхати ўқувчининг мактабда сақланадиган шахсий ҳужжатлар йиғмажилдига тикиб қўйилади.

25. Ўқувчилар сафидан чиқариш тўғрисидаги буйруқ қабул қилинган, уч кун ичида синф журнали ва ўқувчилар ҳаракати дафтарига тегишли ёзув киритилади.

26. Мактаб директори томонидан хорижий давлатдаги таълим муассасасига ўтказилаётганлиги сабабли ўқувчилар сафидан чиқарилган вояга етмаганлар тўғрисидаги маълумотлар базаси шакллантирилади ҳамда ҳар ўқув йили чораклари охирида тегишли халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимига, туман (шаҳар) ички ишлар бўлимига (бошқармасига) ва туман (шаҳар) ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга тақдим этилади.

5-боб. Хорижий давлатда таълим олган Ўзбекистон Республикаси фуқаросини Ўзбекистон Республикасидаги мактабга ўтказиш

27. Ота-оналар хорижий давлатда таълим олган Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган фарзандини Ўзбекистон Республикасидаги мактабга ўтказиш ҳуқуқига эга.

28. Хорижий давлатда таълим олган болани Ўзбекистон Республикасидаги мактабга ўтказиш учун ота-оналар томонидан мактаб директори қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

ота-она томонидан мактаб директори номига ариза;

боланинг хорижий давлатда таълим олганлиги ҳақидаги ҳужжатнинг (ҳужжатларнинг) асли ва нотариал тасдиқланган таржимаси;

боланинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси нусхаси;

боланинг соғлиғи тўғрисида тиббий маълумотнома;

боланинг 3,5 x 4,5 см ҳажмдаги 4 донa рангли фотосурати;

яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан берилган маълумотнома.

29. Мактаб директори тақдим этилган ҳужжатларни бир иш кун ичида кўриб чиқади ва болани мактаб ўқувчилари сафига қабул қилиш тўғрисида буйруқ чиқаради.

30. Мактаб директори боланинг хорижий давлатда ўқиган таълим дастури мактабнинг ўқув дастурларига мос келиш-келмаслигини аниқлайди ҳамда фанлар бўйича аниқланган фарқларни жорий ёки навбатдаги ўқув йилида бартараф этиш чораларини кўради.

Боланинг хорижий давлатда таълим олганлиги ҳақидаги ҳужжат мавжуд бўлмаганда, мактаб директори болани унинг ёши ва билим даражасига мос синфга қабул қилиши лозим.

31. Болани мактаб ўқувчилари сафига қабул қилиш тўғрисида буйруқ чиқарилгач, уч кун муддатда синф журнали ва ўқувчилар ҳаракати дафтарига тегишли ёзув киритилади.

6-боб. Яқиний қоидалар

32. Ўқувчини айрим фанлар чуқур ўрганиладиган ихтисослаштирилган синфга ёки айрим фанлар чуқур ўрганиладиган ихтисослаштирилган мактабга ўтказиш, шунингдек уларни ички тартиб қоидаларни бузганлиги учун ушбу синфлардан (мактаблардан) бошқа синфларга (мактабларга) ўтказиш Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат умумтаълим муассасаларининг ихтисослаштирилган синфларига, давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларига ўқувчилар қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 2321, 2012 йил 1 февраль) мувофиқ амалга оширилади, ушбу банднинг иккинчи хатбошида назарда тutilган ҳолат бундан мустасно.

Ота-оналарнинг истагига кўра ўқувчини айрим фанлар чуқур ўрганиладиган ихтисослаштирилган синфдан бошқа синфга ёки айрим фанлар чуқур ўрганиладиган ихтисослаштирилган мактабдан бошқа мактабга ўтказиш мазкур Низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

33. Жиноят содир этган вояга етмаганларни мактаб ўқувчилари сафидан чиқариш туман (шаҳар) ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг розилиги билан амалга оширилади.

34. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

35. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан келишилган.

Ички ишлар вазири

2015 йил 2 июнь

А. Аҳмедбаев

Соғлиқни сақлаш вазири

2015 йил 2 июнь

А. Алимов

Давлат тест маркази директори

2015 йил 2 июнь

Ж. Исмоилов

Ўқувчиларни синфдан синфга ва бир умумий ўрта таълим муассасасидан бошқасига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга 1-ИЛОВА

(вилоят (республика, шаҳар), туман (шаҳар))

_____-сонли мактабдан
КЕТИШ ТАЛОНИ

Ушбу талон 20 __ йил _____ да _____
тумани (шаҳри)даги _____-сонли мактабнинг _____-синф ўқувчиси

(ўқувчининг Ф.И.О.)

бошқа мактабга ўтказилаётганлигини тасдиқлаш учун берилди.

(имзо)

М.Ў.

(мактаб директорининг Ф.И.О.)

Мактаб директорининг
телефон рақами:

Ўқувчиларни синфдан синфга ва бир умумий ўрта таълим муассасасидан бошқасига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга 2-ИЛОВА

(вилоят (республика, шаҳар), туман (шаҳар))

_____-сонли мактабга
КЕЛИШ ТАЛОНИ

Ушбу талон 20 __ йил _____ да _____
тумани (шаҳри)даги _____-сонли мактабнинг _____-синф ўқувчиси

(ўқувчининг Ф.И.О.)

у _____ тумани (шаҳри)даги _____-сонли мактабга кетиш талонини топширганлигини тасдиқлаш учун берилди.

(имзо)

М.Ў.

(мактаб директорининг Ф.И.О.)

Мактаб директорининг
телефон рақами:

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИНИНГ**

Қ А Р О Р И

ЖИСМОНИЙ ЁКИ ПСИХИК РИВОЖЛАНИШИДА НУҚСОНИ
БЎЛГАН ҲАМДА УЗОҚ ВАҚТ ДАВОЛАНИШГА МУҲТОЖ
БОЛАЛАРНИНГ УЙДА ЯККА ТАРТИБДА ТАЪЛИМ ОЛИШЛАРИНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ
ҲАҚИДА

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан
2015 йил 30 июнда 2691-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган**

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган ҳамда узоқ вақт даволанишга муҳтож болаларнинг уйда якка тартибда таълим олишларини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Халқ таълими вазири

*Тошкент ш.,
2015 йил 10 июнь,
15-мҳ-сон*

У. Иноятов

Соғлиқни сақлаш вазири

*Тошкент ш.,
2015 йил 10 июнь,
30-сон*

А. Алимов

*Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва
Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 10 июндаги 15-мх ва 30-
сон қарорига
ИЛОВА*

**Жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган ҳамда
узоқ вақт даволанишга муҳтож болаларнинг уйда якка тартибда
таълим олишларини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ, жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган ҳамда узоқ вақт даволанишга муҳтож болаларнинг уйда якка тартибда таълим олишларини ташкил этиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Уйда якка тартибда таълим олиш жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган, узоқ вақт даволанишга муҳтож ва тиббий кўрсатмаларга кўра доимий ёки вақтинча умумий ўрта таълим муассасаларига (бундан буён матнда мактаб деб юритилади) қатнай олмайдиган болалар (бундан буён матнда ўқувчилар деб юритилади) учун ташкил этилади.

Ўқувчиларнинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида мактабнинг тегишли синфида ўқиётган болалардан икки ёшга ошган ўқувчиларни ҳам ушбу синфда уйда якка тартибда таълим олишга жалб қилишга рухсат этилади.

2. Уйда якка тартибда таълим беришнинг асосий мақсади ўқувчиларнинг таълим олишга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда уларнинг таълим олишлари учун зарур шароит яратишдан иборат.

3. Қуйидагилар уйда якка тартибда таълим беришнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

ўқувчиларнинг умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари ҳамда улар асосида ишлаб чиқилган (ақли заиф болалар учун) махсус таълим талабларига мувофиқ билим олишларини таъминлаш;

баркамол, жисмонан ва маънавий соғлом шахсни вояга етказиш, ўқувчиларда маданий-маърифий қадриятларни, фуқаролик ва ватанпарварлик ҳисларини шакллантириш;

таълим бериш жараёнида ўқувчиларнинг соғлиғини ҳимояловчи дарс жадвалига риоя этилишини таъминлаш.

2-боб. Ўқувчиларнинг уйда якка тартибда таълим олишини ташкил этиш

4. Мактаб директорлари мактаб жойлашган ҳудудда яшайдиган ўқувчиларни аниқлайдилар, рўйхатга оладилар ҳамда уларни уйда якка тартибда таълим олиш учун жалб қилиш чораларини кўрадилар.

5. Ўқувчини уйда якка тартибда таълим олишини белгилаш унинг доимий яшаш жойидаги туман (шаҳар) даволаш-профилактика муассасаларида фаолият кўрсатаётган тиббий-маслаҳат комиссиясининг (бундан буён матнда тиббий-маслаҳат комиссияси деб юритилади) тиббий хулосасига асосан халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлими томонидан амалга оширилади.

6. Мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ Уйда якка тартибда таълим олиш учун асос бўладиган касалликлар рўйхатида белгиланган касаллик (патологик ҳолат) аломатлари бўлган ўқувчининг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар (бундан буён матнда ота-оналар деб юритилади), ўқувчини тиббий кўрикдан ўтказиш учун тиббий-маслаҳат комиссиясига мурожаат қилади. Тиббий-маслаҳат комиссиясига ўқувчининг касаллик тарихидан кўчирма, касаллик бўйича махсус даволаш-профилактика муассасаларининг хулосаси, заруратга кўра бошқа диагностика текширувлари натижалари тақдим этилади.

7. Тиббий кўрик тиббий-маслаҳат комиссиясига мурожаат қилинган кундан бошлаб уч кун ичида ўтказилади.

8. Тиббий кўрик натижасига кўра, ўқувчида уйда якка тартибда таълим олиш учун асос бўладиган касалликлар (патологик ҳолатлар) мавжудлиги аниқланганда, тиббий-маслаҳат комиссияси томонидан мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда Ўқувчининг уйда якка тартибда таълим олишга муҳтожлиги тўғрисида тиббий хулоса (бундан буён матнда тиббий хулоса деб юритилади) расмийлаштирилади.

9. Тиббий хулоса олти ой муддатга ёхуд тўлиқ ўқув йилига берилади ҳамда тиббий-маслаҳат комиссиясининг раиси, аъзолари ва унинг ишига жалб қилинган бошқа мутахассислар томонидан имзоланиб, даволаш-профилактика муассасасининг муҳри билан тасдиқланади.

Тиббий хулоса ота-оналарга тиббий кўрик ўтказилган куннинг ўзида тақдим этилади.

10. Ота-оналар фарзандларининг уйда якка тартибда таълим олишларини ташкил этиш тўғрисидаги ариза билан мактаб директори номига мурожаат қиладилар. Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

ўқувчининг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси нусхаси;
ўқувчининг баҳолар (ўзлаштириш) табели (таълим олган бўлса);
яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан берилган маълумотнома;

ўқувчи ота-онасининг фуқаролик паспорти нусхалари;

тиббий-маслаҳат комиссиясининг тиббий хулосаси.

11. Мактаб директори аризани қабул қилиб олгач, уч кун ичида ўқувчини уйда якка тартибда таълим олишга жалб қилиш ҳақида халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлими мудири номига ёзма мурожаат қилади. Мурожаатга ота-оналар томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг нусхалари илова қилинади.

12. Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлими мудири ҳужжатларни қабул қилиб олгач, уч кун ичида ўқитиш муддати, мактабнинг рақами ва муайян синфни кўрсатган ҳолда ўқувчини уйда якка тартибда таълим олишга жалб қилиш тўғрисида буйруқ қабул қилади ва унинг нусхасини мактабга юборади.

13. Ўқувчида бир вақтнинг ўзида бир неча касаллик турлари уч-раса ёки унга фан ўқитувчиларидан ташқари бошқа мутахассисларнинг (логопед, психолог, дефектолог ва бошқалар) ёрдами керак бўлиб, мактабда бундай мутахассис бўлмаса, ушбу мутахассислар жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари (мактаблар, мактаб-интернатлар) ёки бошқа таълим муассасаларидан ўриндошлик асосида жалб этилиши мумкин. Бунда ушбу мутахассисларга ўриндошлик асосида ишлаганлиги учун ҳақ тўланади.

Ўқувчига фан ўқитувчиларидан ташқари мутахассисларни бириктириш учун халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари масъул ҳисобланади.

14. Мактаб директори халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимининг тегишли буйруғини олгач, уч кун ичида ўқувчига уйда якка тартибда таълим берувчи ўқитувчиларни бириктириш тўғрисида буйруқ қабул қилади.

Ўқувчи ёши, психик ҳолати, аввал қайси синфгача ўқиганлиги инобатга олиниб, муайян синф журнали ва ўқувчилар ҳаракати дафтаридаги рўйхатга киритилади.

15. Ота-оналарнинг истагига кўра, ўқувчига жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари (мактаблар, мактаб-интернатлар) томонидан уйда якка тартибда таълим бериш ташкил қилиниши мумкин.

Мазкур тоифадаги ўқувчиларга Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ҳузурида ташкил этилган психологик-тиббий-педагогик комиссия хулосаси ва ушбу органларнинг йўлланмаси асосида уйда якка тартибда таълим бериш ташкил қилинади.

16. Узоқ вақт даволанишга муҳтожлиги сабабли мактабга боролмайдиган ўқувчиларга Меҳнатга лаёқатсизлик варақаларини бериш

тартиби тўғрисидаги йўриқномага (рўйхат рақами 2667, 2015 йил 17 апрель) мувофиқ ўқув машғулотларидан озод этилган кунлар оралиғида уйда якка тартибда таълим олиш ташкил этилади. Бунда мазкур ўқувчиларга бериладиган таълим олаётган шахслар учун меҳнатга лаёқатсизлик маълумотномасида (095/х шакл) кўрсатилган муддат тугагач, мактаб директорининг буйруғига мувофиқ, ўқувчига уйда якка тартибда таълим бериш тўхтатилади ва у мактабнинг тегишли синфига қайтарилади.

17. Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари мактаб директорлари томонидан ўқувчиларни таълим олишга жалб қилиш чоралари кўрилиши ҳамда улар учун таълим жараёни ташкил этилишини назорат қиладилар.

3-боб. Ўқувчиларга уйда якка тартибда таълим бериш

18. Ўқувчига Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган ўқув режа асосида таълим-тарбия берилади.

Ўқув режасидаги ҳафталик соатлар миқдори 1-4-синфлар учун 8 соат, 5-9-синфлар учун 10 соатни ташкил қилади.

19. Дарс жадвали мактаб томонидан ўқувчининг соғлиғи ҳолатини инобатга олиб, ота-оналар билан келишган ҳолда мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда ишлаб чиқилади ҳамда мактаб директори томонидан тасдиқланади.

Дарс жадвали ҳафтасига камида уч кунга мослаб тузилади.

20. Ўқувчининг қизиқиши ва қобилиятини ҳисобга олиб, ота-оналарнинг аризасига мувофиқ ўқув режада кўрсатилган фанларни умумий соатлар миқдоридан ошмаган ҳолда 1 соатга ўзгартиришга йўл қўйилади. Бундай ўзгартириш мактаб директорининг буйруғига мувофиқ ўқув режадаги битта фанни бошқа бир фан билан алмаштириш ҳисобига амалга оширилади.

21. Жисмоний ривожланишида нуқсони бўлган ўқувчиларга уйда якка тартибда таълим бериш мактабнинг ўқув дастури, психик ривожланишида нуқсони бўлган ўқувчиларга уйда якка тартибда таълим бериш эса ақли заиф болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг ўқув дастури асосида ташкил этилади.

22. Дарс соатининг давомийлиги жисмоний ривожланишида нуқсони бўлган ўқувчилар учун 45 дақиқа, психик ривожланишида нуқсони бўлган ўқувчилар учун 40 дақиқадан иборат бўлади.

Дарс машғулотларида ўқувчининг олган баҳолари мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шаклдаги баҳолаш дафтарига қайд этиб борилади. Баҳолаш дафтари ҳар бир фан бўйича алоҳида юритилади. Ўқувчининг баҳолаш дафтарига қўйилган баҳолар ўқувчи рўйхатда турган мактабнинг синф журнаliga кўчириб борилади.

23. Ота-оналар томонидан баҳолаш дафтарига ўқитувчилар томонидан дарс машғулотлари ўтказилганлигини тасдиқловчи имзо қўйилади. Ўқувчининг баҳолаш дафтари ўқитувчида сақланади ва

ўқув йили охирида бошқа ҳисоботлар билан биргаликда мактаб раҳбариятига тақдим этилади.

Ўқувчи олган баҳоларнинг санаси ва дарс машғулотининг мавзуси синф журналидаги сана ва мавзуга тўғри келмаслиги мумкин.

24. Ўқувчи оғир мия жароҳатлари, бош мияда бўлган жарроҳлик операциялари, шунингдек касаллиги зўрайган даврда ёки ўқувчининг таълим олишига тўсқинлик қиладиган бошқа ҳолатларда тиббий-маслаҳат комиссиясининг хулосасига асосан, унда кўрсатилган муддатга ўқишдан озод этилиши мумкин.

25. Ўқувчилар учун босқичли назорат ва якуний давлат аттестацияси мактаб директорининг буйруғига мувофиқ ташкил этилади. Ота-оналарнинг истаклари ҳамда ўқувчининг соғлиғи ҳолатини инobatга олиб, босқичли назорат ва якуний давлат аттестацияси ўқувчининг уйида ёки мактабда ўтказилиши мумкин.

26. Якуний давлат аттестациясини муваффақиятли топширган ўқувчига таълим олганлиги тўғрисида давлат намунасидаги ҳужжат берилади.

Мазкур ҳужжатга ўқув режа бўйича ўқувчи томонидан ўзлаштирилган фанлар учун баҳо қўйилади, дарс машғулотлари ўтилмаган фанларга баҳо қўйилмайди ҳамда унинг ўрнига «ozod etilgan» деган сўзлар ёзиб қўйилади.

27. Дарс машғулотларининг ўқитувчилар томонидан ўз вақтида ва сифатли олиб борилиши ҳамда ўқув дастурларининг тўлиқ бажарилиши мактабнинг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари томонидан назорат қилинади.

4-боб. Уйда якка тартибда таълимни ташкил этишда мактаб директори, синф раҳбари, ўқитувчилар ҳамда ота-оналарнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

28. Уйда якка тартибда таълимни ташкил этишда мактаб директорининг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:

уйда якка тартибда таълим олишга жалб қилиниши лозим бўлган ўқувчилар рўйхатини шакллантириш жараёнида юридик ва жисмоний шахслардан зарур маълумотларни сўраб олиш;

ота-оналардан дарс жадвалига мувофиқ машғулотларнинг ўз вақтида ўтказилиши учун шароит яратишни талаб қилиш;

халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимларига уйда якка тартибда таълим беришнинг ўқув дастурларини такомиллаштириш, интерактив усуллар ва янги педагогик технологиялардан фойдаланиш борасидаги таклифлар билан мурожаат қилиш.

Мактаб директори қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

29. Уйда якка тартибда таълимни ташкил этишда мактаб директорининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

ўқувчини жонкуяр ва масъулиятли мутахассис ўқитувчи билан таъминлаш;

ўқувчининг имконияти ва қобилиятига мос равишда таълим-тарбия берилишини таъминлаш;

ўқувчининг мактаб ўқувчилари ва жамоаси билан ижтимоий мулоқотда бўлишини таъминлаш;

ота-оналарнинг таълим жараёни билан боғлиқ муурожаатларини ўз муддатида кўриб чиқиш ва уларда кўтарилган масалаларни ҳал этиш чораларини кўриш.

Мактаб директори зиммасига қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин.

30. Мактаб директори ўқувчининг соғлиғи ҳолатини инобатга олиб, унинг соғлом болалар билан ўзаро мулоқот қилиш малакасини ривожлантириш ҳамда ҳаётга ижтимоийлашувига кўмаклашиш мақсадида ўқувчини инклюзив (уйғунлашган) шароитда таълим олиши учун мактабдаги дарс машғулотларига, дарсдан ташқари ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбирларга ҳамда коррекцион-ривожлантирувчи машғулотларга жалб қилиши мумкин.

31. Уйда якка тартибда таълимни ташкил этишда синф раҳбарининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

дарс машғулотларининг олиб борилишини назорат қилиш;

ота-оналар ва ўқувчининг ўқитувчилар билан мунтазам ҳамкорлигини таъминлаш;

ўқувчининг соғлиғи ҳолатини инобатга олиб, ота-оналар билан келишган ҳолда мактабда ёки синфда ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбирларга таклиф этиш.

32. Уйда якка тартибда таълимни ташкил этишда ўқитувчининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

ўқувчининг имкониятлари ва тиббий ҳулосани инобатга олган ҳолда ўқув дастурларининг ўзлаштирилишини таъминлаш;

ўқувчиларнинг жисмоний ва психик ривожланишини таъминлаш, атроф-муҳит ва ижтимоий ҳодисалар ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш;

ўқувчининг маънавий-ахлоқий сифатларини юксалтириш ҳамда эстетик дид ва ҳис-туйғуларини тарбиялаш;

ўқувчида меҳнат кўникмаларини ривожлантириш ва уни касб-хунарга йўналтириш;

ўқувчида дарсликлар, бадиий адабиётлар ва бошқа манбалар билан мустақил ишлаш малакасини ривожлантириш;

дарс машғулотлари режасини тузиш;

дарс машғулотларига оид бўлган ҳужжатларни ўз вақтида юритиш ҳамда ўқувчининг ўзлаштириши бўйича баҳолаш дафтарига қўйилган баҳоларни синф журналига киритиб бориш.

33. Ўқувчиға таълим бераётган ўқитувчиларға қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қўшимча ҳақ ва йўл ҳақи компенсацияси тўланади.

Ўқитувчига фақат ўқув соатлари учун ҳақ тўланади. Тиббий-маслаҳат комиссиясининг ҳулосасига асосан уйда якка тартибда таълим бериш вақтинча тўхтатилган даврда ўқитувчига ҳақ тўланмайди.

Синф раҳбари ва ўқитувчилар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

34. Уйда якка тартибда таълимни ташкил этишда ота-оналарнинг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:

фарзандининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

дарс машғулотларининг ўз вақтида ўтказилишини назорат қилиш;

ўқитувчининг рухсати билан дарс машғулотларида қатнашиш;

фарзандининг таълим-тарбия олиши учун зарур ҳолларда ўқитувчи, психолог, дефектолог ва бошқалардан маслаҳат олиш;

фарзандига таълим бераётган ўқитувчи фаолиятдан қониқмаган тақдирда, уни бошқа ўқитувчи билан алмаштириш тўғрисида мактаб раҳбариятига мурожаат этиш;

дарс жадвалини тузиш, ўқув дастурларини белгилаш бўйича тақлифлар бериш.

Ота-оналар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

35. Уйда якка тартибда таълимни ташкил этишда ота-оналарнинг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

фарзандининг таълим олишга бўлган қизиқишини қўллаб-қувватлаш;

шифокор тавсиялари ва фарзандининг кун тартиби тўғрисида ўқитувчини ўз вақтида хабардор қилиш;

дарс машғулотларининг олиб борилиши учун зарур шарт-шароит яратиш;

ўқувчининг соғлиғи тўғрисида мактаб раҳбариятини ўз вақтида хабардор қилиш;

ўқитувчи дарс машғулотларига келмай қўйган тақдирда, бу ҳақда мактаб раҳбариятини хабардор қилиш;

фарзанди томонидан уй вазифаларининг бажарилишини таъминлаш.

Ота-оналар зиммасига қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин.

5-боб. Яқуний қоидалар

36. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

37. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган.

Молия вазир

2015 йил 10 июнь

Р. Азимов

*Жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсон
бўлган ҳамда узоқ вақт даволанишга муҳтож болаларнинг
уйда якка тартибда таълим олишларини ташкил этиш тарти-
би тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА*

**Уйда якка тартибда таълим олиш учун асос
бўладиган касалликлар
РЎЙХАТИ**

Т/р.	Касалликнинг номланиши ва патологик ҳолатлари	Уйда якка тартибда таълим олиш муддати
I. Соматик касалликлар		
1.	Бириктирувчи тўқиманинг тизимли шикастланиши (тизимли қизил югурик, дерматополиомиозит), ёшлар ревматоид артрити ва тугунчали периаартеритнинг оғир турлари	6 ой
2.	Юрак ва қон айланиш тизимининг туғма нуқсонлари (декомпесация даври, турғун юрак ва қон айланиши етишмовчилигининг II ва III даражаси)	6 ой
3.	Оғир даражадаги тетрада Фалло касаллиги	ўқув йили
4.	Туғма ва орттирилган характердаги ўпка-бронх касалликларининг II ва III даражали турғун нафас етишмовчилиги	6 ой
5.	Астманинг оғир даражаси (ҳафтада бир неча марта ёки ҳар куни хуруж қилганда)	ўқув йили
6.	Сурункали гломерулонефрит (буйрак функцияси бузилишининг яққол клиник кўринишида, қайталаш давридаги цитостатик ва стероид даво ўтказилган даврида)	ўқув йили
7.	Сурункали пиелонефрит ва сурункали обструктив пиелонефрит (буйрак функцияси бузилишининг яққол клиник кўриниш даври)	ўқув йили
8.	Ўткир гломерулонефрит бирламчи даволашдан сўнг ремиссия давригача, бирламчи ва иккиламчи нефротик синдроми стероид ва цитостатик даво ўтказилган даврида	ўқув йили
9.	Турли органларнинг хавфли ўсмалари	ўқув йили

10.	Муковисцедознинг оғир тури	6 ой
11.	Целиакиянинг оғир тури (асоратлар билан кечиш даври)	6 ой
12.	Носпецифик ярали колитнинг оғир тури (қайталанувчи кечиши)	6 ой
13.	Крон касаллигининг оғир даражаси (асоратлар билан кечиш даври)	6 ой
14.	Жигар циррозининг декомпенсация даражаси	ўқув йили
15.	Номаълум этиологияли оқсил-энергетик етишмовчилигининг оғир даражаси (вазн танқислиги 30% ва ундан ортиқ ҳолатларда)	6 ой
16.	Ўткир лейкоз, апластик камқонликлар, ирсий гемолитик камқонликлар	ўқув йили
17.	Оғир геморрагик криз билан кечувчи доимо қайталаниб турувчи сурункали тромбоцитопатия, тромбоцитопеник пурпура, гемофилия, Виллибранд ва Гльнцман касалликлари	6 ой
18.	Туғма ва орттирилган иммун танқислиги ҳолатлари	ўқув йили
II. Психоневрологик касалликлар		
1.	Руҳий касалликлар(шизофрения, психознинг зўрайган даври)	ўқув йили
2.	Оғир неврозлар (неврастения, психоастения), невроз ҳолатларининг зўрайган даври, шу жумладан энкопрез, кундузги турғун энурез, декомпенсация давридаги дудуқланиш	ўқув йили
3.	Турли этиологияли яққол кўринадиган энцефалоастеник ҳолатлар (травматик, юқумли, соматик)	ўқув йили
4.	Психопатиялар, декомпенсация давридаги психопатик ҳолатлар	ўқув йили
5.	Эпилепсиянинг зўрайган даврида	ўқув йили
6.	Мустақил ҳаракат қила олмасликка олиб келган таянч-ҳаракат аъзоларининг бузилиши	ўқув йили
7.	Болалар церебрал фалажи ва унинг асоратлари (енгил тури)	ўқув йили
8.	Болалар аутизми (хулқ-атвор бузилишлари билан, ўз-ўзини бошқара олмайдиган ҳаракатлар синдроми)	ўқув йили
9.	Миопатия. Миастениянинг тарқалган шакли	ўқув йили
10.	Асаб тизимининг демиелинлаштирувчи касалликлари (яққол намоён бўлган клиника даври)	ўқув йили

III. Хирургик касалликлар		
1.	Таянч аъзоларининг фалажи ва тоз суяклари фаолиятининг бузилиши билан боғланган орқа мия чурраси	ўқув йили
2.	Сийдик тута олмаслик, сийдик пуфагининг экстрофияси, сийдик йўлларининг атонияси декомпенсацияланган шакли. Нажас тута олмаслиги	ўқув йили
3.	Орқа чиқарув йўлларининг атрезияси	6 ой
4.	Турли касалликларда оёқларнинг фалажи	ўқув йили
5.	Сурункали таянч-ҳаракат аъзолари касаллиги (сурункали остеомиелит суяк сили, остеохондропатия)	ўқув йили
6.	Бош мия операциясидан кейинги асоратланган ҳолатлар	ўқув йили
7.	Таянч-ҳаракат тизимида ўтказилган операциялардан кейинги реабилитатив давр	6 ойдан 1 йилгача
IV. Тери касалликлари		
1.	Туғма буллезэпидермолиз	ўқув йили
2.	Туғма ихтиознинг зўрайган даври	6 ой
3.	Эритродермия псориазининг йирингли тури	6 ой
4.	Артропатик псориази	6 ой
5.	Ўткир тери сил касаллиги	ўқув йили

*Жисмоний ёки психик ривожланишида
нуқсони бўлган ҳамда узоқ вақт даволанишга муҳтож бола-
ларнинг уйда якка тартибда таълим олишларини ташкил этиш
тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА*

**Ўқувчининг уйда якка тартибда таълим олишга муҳтожлиги тўғрисида
ТИББИЙ ХУЛОСА**

(умумий ўрта таълим муассасасига тақдим этиладиган қисми)

20__ йил «__» _____ -сон

(даволаш-профилактика муассасасининг номи)

1. Ўқувчининг фамилияси, исми, отасининг исми _____
2. Ўқувчининг туғилган санаси (йил, кун, ой) _____
3. Ўқувчининг доимий яшаш жойи _____
4. Ўқувчининг ўқиш жойи _____
5. Ташхис (касалликнинг номи, патологик ҳолати) _____

Асосий _____

Асорати _____

Қўшимча ташхис _____

6. Ўқувчини тиббий кўрикдан ўтказиш натижаларига кўра, тиббий-маслаҳат комиссияси томонидан унда Уйда якка тартибда таълим олиш учун асос бўладиган касалликлар рўйхатининг ____-бўлими ____-бандида назарда тутилган касаллик _____

_____ мавжудлиги ҳақида хулосага қилинди.

(касаллик номи, патологик ҳолат ёзилади)

7. Хулосанинг амал қилиш муддати 20__ йил «__» _____ гача
8. Қайта тиббий кўрикдан ўтиш санаси 20__ йил «__» _____ гача

Тиббий-маслаҳат комиссияси раиси

(имзо)

(Ф.И.О.)

**Тиббий-маслаҳат комиссияси
аъзолари ва мутахассислар**

М.Ў.

(имзо)

(Ф.И.О.)

(имзо)

(Ф.И.О.)

(имзо)

(Ф.И.О.)

(имзо)

(Ф.И.О.)

Ўқувчининг уйда якка тартибда таълим олишга муҳтожлиги тўғрисида ТИББИЙ ХУЛОСАНИНГ КОРЕШОГИ

(даволаш-профилактика муассасасида қоладиган қисми)

20__ йил «__» _____ -сон

(даволаш-профилактика муассасасининг номи)

1. Ўқувчининг фамилияси, исми, отасининг исми _____

2. Ўқувчининг туғилган санаси (йил, кун, ой) _____

3. Ўқувчининг доимий яшаш жойи _____

4. Ўқувчининг ўқиш жойи _____

5. Ташхис (касалликнинг номи, патологик ҳолати) _____

Асосий _____

Асорати _____

Қўшимча ташхис _____

6. Ўқувчини тиббий кўриқдан ўтказиш натижаларига кўра, тиббий-маслаҳат комиссияси томонидан унда Уйда якка тартибда таълим олиш учун асос бўладиган касалликлар рўйхатининг ____-бўлими ____-бандида назарда тутилган касаллик _____

_____ мавжудлиги ҳақида хулоса қилинди.

(касаллик номи, патологик ҳолат ёзилади)

7. Хулосанинг амал қилиш муддати 20__ йил «__» _____ гача

8. Қайта тиббий кўриқдан ўтиш санаси 20__ йил «__» _____ гача

Тиббий-маслаҳат комиссияси раиси

(имзо)

(Ф.И.О.)

Тиббий-маслаҳат комиссияси

аъзолари ва мутахассислар

М.Ў.

(имзо)

(Ф.И.О.)

(имзо)

(Ф.И.О.)

(имзо)

(Ф.И.О.)

(имзо)

(Ф.И.О.)

Тиббий хулоса 20__ йил «__» _____ га қадар _____ га

(умумий ўрта таълим муассасасининг сони, манзили)

топшириш учун _____ га берилди.

(топширадиган шахснинг Ф.И.О.)

Тиббий хулосани олдим: 20__ йил «__» _____

(имзо)

Жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган ҳамда узоқ вақт даволанишга муҳтож болаларнинг уйда якка тартибда таълим олишларини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

_____ тумани (шаҳри) _____-сонли
умумтаълим мактаби директори

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

20 ____ йил « ____ » _____

Уйда якка тартибда таълим олаётган _____-синф ўқувчиси
_____ учун тузилган

(ўқувчининг Ф.И.О.)

ДАРС ЖАДВАЛИ

Хафта кунлари	Фаннинг номи	Дарснинг бошланиш вақти	Дарснинг давомийлиги	Ўқитувчининг Ф.И.О.
Душанба				
Сешанба				
Чоршанба				
Пайшанба				
Жума				
Шанба				

Жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган ҳамда узоқ вақт даволанишга муҳтож болаларнинг уйда якка тартибда таълим олишларини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

Уйда якка тартибда таълим олаётган _____-синф ўқувчиси
_____ нинг

(ўқувчининг Ф.И.О.)

« _____ » фанидан

(фаннинг номи)

БАҲОЛАШ ДАФТАРИ

Сана	Мавзу номи	Ўқувчига қўйилган баҳо	Уй вазифаси	Ота-онасининг имзоси

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА-МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИНИНГ**

Қ А Р О Р И

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЎҚУВ-ТАРБИЯ МУАССАСАЛАРИ
ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИНИ ОЗИҚ-ОВҚАТ, КИЙИМ-КЕЧАК, ПОЙАБЗАЛ,
БОШҚА АШЁВИЙ ТАЪМИНОТ БУЮМЛАРИ ВА ЮМШОҚ АНЖОМЛАР
БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МЕЪЁРЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан
2015 йил 23 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2689**

Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 26 ноябрдаги 268-сон «Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари тарбияланувчиларини озиқ-овқат, кийим-кечак, пойабзал, бошқа ашёвий таъминот буюмлари ва юмшоқ анжомлар билан таъминлаш меъёрлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Халқ таълими вазири

*Тошкент ш.,
2015 йил 10 июнь,
16-мҳ-сон*

У. Иноятов

Олий ва ўрта махсус таълим вазири

*Тошкент ш.,
2015 йил 10 июнь,
26 қ/қ-сон*

А. Вахабов

Соғлиқни сақлаш вазири

*Тошкент ш.,
2015 йил 10 июнь,
31-сон*

А. Алимов

*Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги,
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш
вазирлигининг 2015 йил 10 июндаги
16-мх, 26 қ/қ ва 31-сон қарорига
ИЛОВА*

**Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари
тарбияланувчиларини озиқ-овқат, кийим-кечак, пойабзал,
бошқа ашёвий таъминот буюмлари ва юмшоқ анжомлар билан
таъминлаш меъёрлари**

1. Озиқ-овқат билан таъминлаш меъёрлари (бир киши ҳисобига
кунига граммда (брутто):

Т/р	Озиқ-овқат маҳсулотларининг номи	11 — 14 ёшли болалар учун	15 — 18 ёшли болалар учун
1.	1-навли бўғдой нони	600	600
2.	Бўғдой уни	40	40
3.	Картошка уни	3	3
4.	Дуккаклилар ёрмаси, макарон маҳсулотлари	90	100
5.	Қанд, шакар	90	100
6.	Қандолатчилик маҳсулотлари	25	25
7.	Сариёғ	35	40
8.	Усимлик ёғи	20	20
9.	Сут, сут-қатиқ маҳсулотлари	500	500
10.	Қаймоқ	20	20
11.	Творог	50	50
12.	Пишлоқ	15	15
13.	Гўшт, парранда гўшти	150	175
14.	Қолбаса маҳсулотлари	25	30
15.	Балиқ	90	90
16.	Тухум	1 дона	1,5 дона
17.	Картошка	400	400
18.	Сабзавотлар, кўкатлар (шу жумладан, томат (3 гр.)	455	455
19.	Мева, сабзавот шарбатлари	250	250
20.	Қуруқ мевалар, (шу жумладан, наъматак (5 гр.)	15	15
21.	Чой	0,5	0,5
22.	Какао	1	1
23.	Иодланган туз	12	12
24.	Ачиткилар	1	1

Изоҳ: мазкур озиқ-овқат маҳсулотлари улар учун ажратила-
диган маблағлар доирасида асосий моддалари бир-бирига тўғри
келадиган озиқ-овқат маҳсулотлари билан алмаштирилиши
мумкин.

2. Кийим-кечак ва пойабзал буюмлари билан таъминлаш меъёрлари:

T/r	Кийим-кечак ва пойабзал буюмларининг номи	Ўлчов бирлиги	11 — 14 ёшли болалар учун (сони)		15 — 18 ёшли болалар учун (сони)		Фойдаланиш муддати (йил)
			ўғил болалар	қиз болалар	ўғил болалар	қиз болалар	
1.	Қишки пальто/куртка	дона	1	1	1	1	2
2.	Мавсумий пальто, куртка	дона	1	1	1	1	2
3.	Мактаб формаси	тўплам	1	1	1	1	1
4.	Ўғил болалар учун жунли костюм (галстук билан)	тўплам	2	—	2	—	2
5.	Ўғил болалар учун жунли костюм (байрам учун)	тўплам	1	—	1	—	2
6.	Ўғил болалар учун ип газламадан мактаб кўйлаги	дона	3	—	3	—	1
7.	Ўғил болалар учун ип газламадан устки кўйлак	дона	3	—	3	—	1
8.	Қиз болалар учун кўйлак (юбка, блузка)	дона	—	3	—	3	1
9.	Қиз болалар учун уй халати/кўйлаги	дона	—	2	—	2	1
10.	Қиз болалар учун қишки кўйлак (байрам учун)	дона	—	1	—	1	1
11.	Жун свитер (жемперлар)	дона	2	2	2	2	2
12.	Қиз болалар учун ёзги кўйлак (байрам учун)	дона	—	3	—	3	1
13.	Ёзги бош кийим	дона	1	1	1	1	1
14.	Қишки бош кийим	дона	2	2	2	2	1
15.	Қиз болалар учун трико ва шим	дона	—	4	—	4	1
16.	Дастрўмол	дона	6	6	6	6	1
17.	Ўғил болалар учун шимнинг камари	дона	1	—	1	—	1
18.	Шарф	дона	1	1	1	1	2
19.	Қўлқоп	жуфт	2	2	2	2	1
20.	Ички кўйлак	тўплам	4	4	4	4	2
21.	Спорт формаси, кроссовка	тўплам	1	1	1	1	1
22.	Қиз болалар учун бюстгальтер	дона	—	3	—	3	1
23.	Калта спорт иштони	дона	2	2	2	2	1
24.	Майка	дона	4	4	4	4	1
25.	Ип пайпоқ	жуфт	5	5	5	5	1
26.	Жун пайпоқ	жуфт	5	5	5	5	1
27.	Ботинка, туфли	жуфт	3	3	3	3	1
28.	Шиппак	жуфт	2	2	2	2	1
29.	Қишки этик, ботинка	жуфт	1	1	1	1	1
30.	Калиш	жуфт	1	1	1	1	1
31.	Ярим жун спорт костюми	дона	1	1	1	1	1
32.	Тунги пижама	дона	2	1	2	1	1
33.	Қиз болалар учун колготка	дона	—	5	—	5	1
34.	Чўмилиш кийими	дона	1	1	1	—	1
35.	Резина шапка	дона	1	1	1	—	2
36.	Иш кийими	тўплам	1	1	1	1	2
37.	Портфель, сумка	дона	1	1	1	—	1
38.	Шахсий буюмларни сақлаш учун рюкзак/сумка	дона	1	1	1	1	3

3. Бошқа ашёвий таъминот буюмлари билан таъминлаш меъёрлари (бир йил учун):

T/р	Буюмларнинг номи	Ўлчов бирлиги	11-14 ёшли болалар учун (сони)		15 — 18 ёшли болалар учун (сони)	
			ўғил болалар	қиз болалар	ўғил болалар	қиз болалар
1.	Атир совун (100 гр)	дона	24	24	24	24
2.	Хўжалик (қир) совуни (100 гр)	дона	12	12	12	12
3.	Шампунь (200 гр)	дона	12	12	12	12
4.	Тиш пастаси (30 гр)	тюбик	12	12	12	12
5.	Тиш чўткаси	дона	3	3	3	3
6.	Тароқ	дона	2	2	2	2
7.	Баданни ювиш учун губка	дона	2	2	2	2
8.	Пойабзал мойи	тюбик	5	5	6	6
9.	Ҳожатхона қоғози	ўрам	24	24	24	24
10.	Қиз болалар учун шахсий гигиена воситаси (қистирма)	тўплам (10 дона)	—	12	—	12
11.	Қир ювиш кукунни (400 гр)	упаковка	8	8	12	12
12.	Тоғора (пластмасса) (сиғими 10 л) (фойдаланиш муддати 3 йил)	дона	1	1	1	1
13.	Соқол олиш буюми (бритва), бир марталик	дона	—	—	12	5
14.	Соқол олиш воситаси (соқол олиш кўпиғи, лосьон) (100 — 150 гр)	флаконт	—	—	6	—
15.	Дезодорант (азрозоль)	дона	—	—	6	6
16.	Момиқ (пахта) (200 гр)	тўплам	—	4	—	4

4. Юмшоқ анжомлар билан таъминлаш меъёрлари:

T/р	Юмшоқ анжомларнинг номи	Ўлчов бирлиги	11 — 14 ёшли болалар учун (сони)		15 — 18 ёшли болалар учун (сони)		Фойдаланиш муддати (йил)
			ўғил болалар	қиз болалар	ўғил болалар	қиз болалар	
1.	Чойшаб	дона	3		3		1
2.	Кўрпа ғилофи	дона	2		2		1
3.	Ёстиқ жилди	дона	3		3		1
4.	Сочиқ	дона	2		2		1
5.	Пахмоқ сочиқ	дона	2		2		1
6.	Жун ёки пахтали адёл	дона	1		1		6
7.	Пахмоқ адёл	дона	1		1		3
8.	Тўшак	дона	1		1		4
9.	Момиқли ва патли ёстиқ	дона	1		1		6
10.	Катта чойшаб (покрывало)	дона	1		1		3
11.	Каравот ёнига тўшаладиган гиламча	дона	1		1		4

5. Ушбу меъёрлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган.

Молия вазири

Р. Азимов

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРИНИНГ**

2015 йил 10 июль

204-сонли

Б У Й Р У Қ И**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
2015 ЙИЛ 7 ИЮЛДАГИ ПҚ-2367-СОНЛИ ҚАРОРИ ИЖРОСИНИ
ТАЪМИНЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 7 июлдаги “Республика иқтисодиёт тармоқларини 2015/2016 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик ва мавсумни барқарор ўтказишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2367-сонли қарори ижросини таъминлаш, ўтган 2014-2015 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик жараёнида йўл қўйилган хато ва камчиликларнинг тақорла-нишини олдини олиш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йилнинг 7 июлдаги ПҚ-2367-сонли қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. Таълим муассасаларини янги 2015-2016 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик ҳолати бўйича мукамал ва жорий таъмирланаётган таълим объектлари бўйича вазирликка тақдим этиладиган муассаса, туман, вилоят кесимидаги маълумот шакли 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10-иловаларга;

таълим муассасаларига куз-қиш мавсуми учун етказиб берилган ва берилаётган кўмир ва кўмир брикети ёқилгилари тўғрисидаги муассасалар кесимидаги маълумот шакли 11-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 5 июлдаги ПҚ-2343-сонли қарори билан 2015 йилда таълим муассасаларида алмаштириладиган қозонларнинг муассаса ва туманлар кесимида маълумот шакли 12-13-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари, Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш инсти-

тутлари, Давлат педагогика институтлари ҳамда вазирлик тасарруфидagi ташкилотлар раҳбарлари асосий эътиборни таълим муассасаларини куз-қиш мавсумида ишлашга тайёрлаш борасида аниқ таъсирчан чоралар кўрилишига, бунда ўтган йилларда йўл қўйилган камчиликларнинг келиб чиқиш сабабларини чуқур таҳлил қилишга, жойлардаги ҳар бир таълим муассасаси бўйича аниқ тадбирлар ишлаб чиқишга қаратсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларига:

2015-2016 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича чора-тадбирлар белгилаб, тайёргарлик жараёнини мувофиқлаштириб бориш мақсадида, штаблар ташкил этиш ҳамда уларни навбатчилик асосида фаолият кўрсатишини таъминлаш;

10 кун муддатда кўмир ёқилғиси билан иситиладиган таълим муассасаларини сифатли ёқилғи билан белгиланган муддатларда таъминлаш, Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 2 июлдаги “Республикада кўмир брикетлари ишлаб чиқариш ва сотишни комплекс ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 177-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга биноан сақлаш ҳамда ёқилғини меъёрий сарфланиши устидан назоратни олиб бориш учун ҳар бир халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимларининг ички буйруғи билан масъулларни бириктириш;

2015 йил Инвестиция дастурига киритилган барча таълим объектларидаги қурилиш-тиклаш ишларини белгиланган муддатларда сифатли қилиб фойдаланишга топширишни қатъий назоратга олиш;

таълим муассасаларида таъмирлаш ишларини амалга ошириш бўйича тармоқ жадвали(сетевой график) ишлаб чиқиш ва ҳудудий ҳокимликларга тасдиқлаш учун киритиш;

таълим муассасаларида таъмирлаш ишлари ва қозонларни алмаштириш ишлари бўйича 4-чоракда молиялаштирилиши режалаштирилган маблағларни ҳудудий молия бошқармалари билан биргаликда 3-чоракка ўтказиш чоралари бўйича 14-иловага мувофиқ тегишли чоралар кўриш;

10 (ўн) кун муддатда мазкур буйруқ ижроси бўйича қабул қилинган буйруқ, белгиланган чора-тадбирлар режаси ва штаб таркибини тасдиқланган ҳолда вазирликка тақдим этиш;

мазкур буйруқнинг 2-банди билан тасдиқланган иловалардаги жадвалларга асосан куз-қиш мавсумига тайёргарлик борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги маълумотларни ҳар ойнинг 1, 10, 20-саналарида тасдиқланган ва электрон вариантларда (электрон манзил: a.xolmurodov@xtv.uz, i.musurmonov@xtv.uz) вазирлиқнинг

Марказий штабига доимий равишда тақдим этиб бориш вазифалари юклатилсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, таълим муассасаларини 2015-2016 ўқув йилига ҳамда куз-қиш мавсумида барқарор ишлашига тайёрлашни ўз вақтида, сифатли амалга оширилишига ҳудудий халқ таълими бошқарув органларининг биринчи раҳбарлари шахсан жавобгардирлар.

6. «Маърифат» ва «Учитель Узбекистана» (А.Рахимов) газеталари, таълим муассасаларини янги 2015 2016 ўқув йилига ҳамда куз-қиш даврида ишлашга тайёрлаш жараёнининг бориши, эришилган натижалар, мавжуд камчилик ва муаммоларни газета саҳифаларида кенг ёритиб боришни йўлга қўйсин.

7. Ушбу буйруқ қабул қилиниши муносабати билан вазирликнинг 2014 йил 2 июлдаги 200-сонли буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Мазкур буйруқнинг бажарилиши устидан назоратни ўз зиммада қолдираман.

Вазир

У.Иноятов

вилоятда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 7 июлдаги
ПҚ-2367-сонли қарори билан **мукаммал таъмирланиши** режалаштирилган таълим муассасаларида
олиб борилаётган ишлар ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТ

[illegible]

Вилоят халқ таълими бошқармаси

М.У.

_____ туманида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 7 июлдаги ПҚ-2367-сонли қарори билан **мукаммал таъмирланиши** режалаштирилган таълим муассасаларида олиб борилаётган ишлар ҳолати тўғрисида

МАЪЛУМОТ

[illegible]

Туман (шахар) ХТМФМТТЭБ мудири

М.У.

_____туманида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 7 июлдаги
ПҚ-2367-сонли қарори билан **мукаммал таъмирланиши** режалаштирилган таълим муассасаларида
олиб борилаётган ишлар ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТ

[illegible]

Туман (шахар) ХТМФМТТЭБ мудири

М.У.

_____ туманида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 7 июлдаги
ПҚ-2367-сонли қарори билан **мукаммал таъмирланиши** режалаштирилган таълим муассасаларида
олиб борилаётган ишлар ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТ

[illegible]

Туман (шахар) ХТМФМТТЭБ мудири

М.У.

туманида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 7 июлдаги ПҚ-2367-сонли қарори билан жорий таъмирланиши режалаштирилган таълим муассасаларида олиб борилаётган таъмирлаш ишлари ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТ

[illegible]

Вилоят халқ таълими бошқармаси

М.Ў.

[illegible]

Туман (шахар) ХТМФМТТЭБ мудири

М.У.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРИНИНГ**

2015 йил 13 июль

209-сонли

Б У Й Р У Қ И

**ҚИСҚА МУДДАТЛИ ГУРУХЛАР УЧУН ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН
“БИЛИМДОН” ДАСТУРИНИ АМАЛИЁТГА ЖОРИЙ ЭТИШ
ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 19 февралдаги ПҚ-2133-сонли қарори билан тасдиқланган “Соғлом бола йили” Давлат дастурининг 68-банди, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 февралдаги 15-сонли йиғилиш баёнида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликларининг 2015 йил 25 майдаги 26, 17-П сонли қўшма қарорига кўра мактабгача таълим муассасаларига болалар қамровини ошириш учун қисқа муддатли гуруҳлар очиш режалаштирилган.

Қисқа муддатли гуруҳларда таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш мақсадида “Билимдон” дастури ишлаб чиқилди, тегишли мутахассислар томонидан экспертизадан ўтказилди.

Мактабгача таълим муассасаларига болалар қамровини ошириш, болаларни мактаб таълимига сифатли тайёрлаш ҳамда қисқа муддатли гуруҳлар учун ишлаб чиқилган “Билимдон” дастурини амалиётда қўллаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Мактабгача таълим муассасаларида ташкил этилган қисқа муддатли гуруҳлар учун яратилган “Билимдон” дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин ва 2015 йил 2 сентябридан амалиётга жорий этилсин.

2. Мактабгача таълим муассасалари бўлими (С.Мирджалилова)га: мактабгача таълим муассасаларида қисқа муддатли гуруҳлар тарбияланувчиларининг “Билимдон” дастури” асосида эгаллаётган билим ва кўникмаларини бир йилда икки марта мониторинг қилиш;

қисқа муддатли гуруҳларда болалар учун шарт-шароитларни яхшилаш, “Билимдон” дастури асосида таълим-тарбия бериш жараёнининг сифатли ташкил этилиши юзасидан мунтазам равишда амалий ёрдам кўрсатиш вазифалари юклатилсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларига:

жорий йилнинг 1 августидан бошлаб ҳудудларда мактабгача таълим муассасаларининг қисқа муддатли гуруҳларига қамраб олинадиган 5-6 ёшли болалар рўйхатини шакллантириш;

ташкил этиладиган қисқа муддатли гуруҳлар учун тарбиячи лавозимига ишга қабул қилишда касб-ҳунар коллежларининг 2015 йил битирувчилари билан меҳнат шартномалари тузиш чораларини кўриш;

ҳудудларда намунали иш олиб бораётган мактабгача таълим муассасаларининг қисқа муддатли гуруҳлари фаолиятини тарғиб қилувчи семинарлар ташкил этиш вазифалари юклатилсин.

4. Мактабгача таълим муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Республика ўқув-методика маркази (М.Н.Аъзамова)га:

мактабгача таълим муассасалари қисқа муддатли гуруҳларидаги таълим-тарбия ишларини “Билимдон” дастури асосида режалаштириш юзасидан методик ёрдам кўрсатиш;

ҳар йили икки маротаба ўтказиладиган мониторинг натижаларига кўра таълим-тарбия ишларини ташкил этиш юзасидан 2015-2016 ўқув йилида юқори кўрсаткичларга эришган қисқа муддатли гуруҳлари аниқлаш, ҳар ўқув йили якунида болаларни мактаб таълимига сифатли тайёрлаш бўйича ўқув-семинарлар ташкил этиш вазифалари юклатилсин.

5. Вазирликнинг ахборот хизмати (Б.Шайвалиев) оммавий ахборот воситаларида қисқа муддатли гуруҳларда олиб борилаётган таълим-тарбия жараёнлари, бу борада эришилаётган ютуқларни мунтазам равишда ёритиб бориш чораларини кўрсин.

6. Ушбу буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Б.Данияров зиммасига юклатилсин.

Вазир

У.Иноятов

*Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг
«13 июль» 2015 йилдаги 209-сонли хатига илова*

**Барча турдаги мактабгача таълим муассасалари учун
вариатив дастур ишлаб чиқишга қўйиладиган талаблар**

Дастур болаларнинг давлат талабларида берилган билим, ма- лака ва кўникмаларини фаол онгли суратда ўзлаштиришга ёрдам берувчи, таълим-тарбия жараёни самарадорлигини оширишга хиз- мат қиладиган асосий восита бўлиб:

- таълим мақсадларига ва давлат талабларига мос келиши;
- болаларда мустақил фаолият кўникмаларини ривожлантириш- га самарали хизмат қилиши;
- ўзлаштирилган билим ва кўникмаларни амалиёт билан узвий боғлаши; таълим-тарбия жараёнини ўзаро боғлиқ равишда ривож- лантириши;
- буюк келажакни қурувчи, юксак маънавиятга эга, баркамол ав- лодни тарбиялашга қаратилган бўлиши;
- ўзлаштирилган билимларни кўникма шаклига келтириш жара- ёнига самарали таъсир қилишни таъминлаши;
- янги педагогик услубларни ўзида мужассамлаштириши лозим.

Дастур болаларга муайян фаолият бўйича билим беришдан ташқари, замонавий педагогика ва психология тамойилларига та- янган ҳолда хизмат қилиши керак.

Дастурни яратишда Республикада мактабга тайёрлашга оид орттирилган бой тажрибаларга таяниб, бу борадаги ривожланган хорижий мамалакатлар тажрибасидан кенг фойдаланиш зарур.

Дастурда болаларни ёш психологик хусусиятларини, фаолият- лараро боғланишда такрорланишининг олдини оладиган, парал- леп ва муайян мантикий изчиллик, кетма-кетлиликка асосланган уйғунлик, илмий-амалий аҳамиятга молик назарий маълумотлар, қонун-қоидалар ва тушунчалар ҳисобга олиниши талаб этилади.

Дастурга киритиладиган мавзулар бола ёшига ва ривожланган- лик даражасига мос бўлиб, у ўз ичига қуйидаги таркибий қисмларни мужассамлаштирилиши лозим:

- болаларни ўйин фаолиятини ривожлантириш;
- тарбияланувчиларнинг соғлигини ҳимоя қилиши, шахсий ги- гиена талабларини бажариш;
- шарқона одоб-ахлоқ, меҳр-оқибат, хушмуомалалилик, нутқ ўс- тириш;
- тасвирий саънатдан илк тушунчаларни бериш;

- мусиқа саводхонлиги;
- илк ҳуқуқий тушунчалар;
- илк меҳнат кўникмаларини ҳосил қилиш;
- театрлаштирилган фаолият, монолог, диалог, шеър образли ўйинларга кира олиш;
- илк математик тушунчалар;
- атроф-муҳит, табиатга нисбатан кузатувчанлик, эҳтиёткорлик;
- илк иқтисодий билимлар;
- жисмоний тарбия ва спортдан илк сабоқлар;
- илк саводхонлик элементлари, мустақил ишлаш фикрлаш қобилияти, ўзига ишонч, “Ўзим биламан”, “Ўзим ўрганаман” кабидаги хатти-ҳаракат ва интилишлар.

Дастурнинг матн баёнлари болаларнинг энг сеvimли ўйинлари, ўйинчоқлари, ижроли ўйинлар ривожлантирувчи муҳит, диалоглар, очиқ ҳавода мустақил кузатувлар, ўз ҳоҳишлари, истак ва қизиқишларига мос бўлиб, шу билан биргаликда талабларга мос машғулот ишланмалари илова қилиниши лозим.

Мактабгача таълим ёшдаги бола учун болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш вариатив дастурини жорий этиш механизми, унинг тушунтириш хати таркибида батафсил изоҳлаб берилиши зарур.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРИНИНГ**

2015 йил 17 июль

215-сонли

Б У Й Р У Қ И

**ЖИСМОНИЙ ЁКИ ПСИХИК РИВОЖЛАНИШИДА НУҚСОНИ
БЎЛГАН БОЛАЛАР УЧУН ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБ
ВА МАКТАБ-ИНТЕРНАТЛАРНИНГ 2015-2016 ЎҚУВ ЙИЛИГА
МЎЛЖАЛЛАНГАН ЎҚУВ РЕЖАЛАРИНИ
ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги, “Бола ҳуқуқлариминг кафолатлари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сонли “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, халқ таълими вазирининг 2015 йил 26 майдаги “Умумий ўрта таълим мактаблари учун 2015-2016 ўқув йилига мўлжалланган таянч ўқув режани тасдиқлаш тўғрисида”ги 162-сонли буйруғи ижросини таъминлаш ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган Санитария қоидалари ва меъёрларини (СанҚваМ) бажариш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Республика таълим маркази томонидан 2015 йил 12 июнь куни ўтказилган илмий-методик кенгашда маъқулланган жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернатларнинг (бундан буён матнда ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар деб юритилади) 2015-2016 ўқув йилига мўлжалланган ўқув режалари 1-13-иловларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларига:

бир ҳафта муддатда мазкур буйруқни барча турдаги ихтисослаштирилган мактаб-интернатларга етказиш;

ўқув жараёнини мазкур ўқув режалар ва тушунтириш хатлари, шунингдек, Республика таълим маркази томонидан ишлаб чиқилиб, 2014 йилнинг 20 июнь куни ўтказилган Илмий-методик кенгашда маъқулланган ўқув дастурлари асосида ташкил этилишини ва уларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлаш;

ихтисослаштирилган мактаб-интернатларга “Чет тили” ва “Рус тили” фанларидан умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчилари учун мўлжалланган методик тавсияларни етказиш;

ихтисослаштирилган мактаб-интернатларнинг 2- ва 3-синф ўқувчиларини чет тилидан ёзув дафтарлари билан таъминлаш вазифалари юклатилсин.

3. Ушбу буйруқнинг қабул қилиниши муносабати билан вазирликнинг 2014 йил 29 июлдаги 226-сонли буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Д.Кенжаев зиммасига юклатилсин.

Вазир

У.Иноятов

Халқ таълими вазирлигининг 2015 йил
17 июлдаги 215-сонли буйруғига 1-илова

**Кўзи ожиз болалар учун ихтисослаштирилган мактаб ва
мактаб-интернатларнинг 2015-2016 ўқув йилига мўлжалланган
ўқув режаси**

№	Ўқув фанларн	Синфлар										Умумий соат
		1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	
	Давлат ихтиёридаги соатлар	22	24	26	24	30	32	33	34	34	34	293
1	Она тили ва адабиёт	8	8	10	10	9	7	5	%	5	5	72
2	Ўзбек тили/рус тили	-	2	2	2	2	2	2	2	2	2	18
3	Чет тил	2	2	2	-	3	3	3	3	3	3	24
4	Тарих	-	-	-	-	2	2	3	3	3	3	16
5	Давлат ва ҳуқуқ асослари	-	-	-	-	-	-	-	1	1	1	3
6	Иқтисодий билим асослари	-	-	-	-	-	-	-	1	1	1	3
7	Математика	5	5	5	5	5	5	5	5	5	5	50
8	Информатика								1	1	2	4
9	Физика	-	-	-	-	-	2	2	2	2	2	10
10	Кимё	-	-	-	-	-	-	2	2	2	2	8
11	Биология	-	-	-	-	1	2	2	2	2	2	11
12	Табиийёт ва география	1	1	1	1	1	2	2	2	2	2	15
13	Одобнома	1	1	1	1	-	-	-	-	-	-	4
14	Ватан туйғуси	-	-	-	-	1	1	-	-	-	-	2
15	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари	-	-	-	-	-	-	1	1	1	1	4
16	Муסיқа маданияти	1	1	1	1	1	1	1	-	-	-	7
17	Тифлографика (тасвирий санъат, чизмачилик)	1	1	1	1	1	1	1	1	1	-	9
18	Меҳнат таълими	1	1	1	1	2	2	2	1	1	1	13

19	Жисмоний тарбия	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	20
	Мақтаб ихтиёридаги соатлар	0,5	-	-	-	0,5	0,5	1	0,5	1	1	5
	Умумий соатлар	22,5	24	26	24	30,5	32,5	34	34,5	35	35	298
	Коррекцион соатлар	9	9	9	9	9	4	4	4	4	2	63
1	Логопедия машғулотли	1	1	1	1	1	-	-	-	-	-	5
2	Предмет тасаввурини шакллантириш ва кўрув идрокини ривожлантириш	1	1	1	1	1	-	-	-	-	-	5
3	Ижтимоий маиший йўналиш	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	20
4	Мўлжал олиш ва ҳаракатланиш	2	2	2	2	2	2	2	2	2	-	18
5	Тери туйишни ва майда қўл моторикасини ривожлан-ш	1	1	1	1	1	-	-	-	-	-	5
6	Даволаш гимнастикаси	1	1	1	1	1	-	-	-	-	-	5
7	Ритмика	1	1	1	1	1	-	-	-	-	-	5

**Кўзи ожиз болалар учун ихтисослаштирилган
мактаб ва мактаб-интернатларнинг 2015-2016 ўқув йилига
мўлжалланган ўқув режасига
ТУШУНТИРИШ ХАТИ**

Ушбу ўқув режа Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни **ўрганиш** тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги “Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида”ги 203-сонли, 1999 йил 16 августдаги “Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 390-сонли, 2003 йил 29 октябрдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимига изчил ўтишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 473-сонли, 2011 йил 13 сентябрдаги “Имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари

тўғрисидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида”ги 256-сонли, 2012 йил 15 майдаги “Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартига ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги 130-сонли, 2013 йил 8 майдаги “Ўзлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 124-сонли қарорлари ҳамда Санитария қоидалари ва меъёрлари (СанҚваМ) асосида тузилган.

Кўзи ожиз болалар 9 йиллик умумий ўрта маълумотини 10 йилда эгаллайдилар.

Умумий ўрта таълим мактаблар	Кўзи ожиз болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар
1-9-синфлар	1-10-синфлар

Ўқув режа таркибан давлат, мактаб компоненти ва коррекцион (тузатиш) соатлардан иборатдир.

Давлат ихтиёридаги фанлар Давлат таълим стандартлари асосида мослаштирилган дастурларга биноан ўқитилади. Шунингдек, одобнома, мусиқа, тасвирий санъат, меҳнат таълими ва жисмоний тарбия ўқув фанларидан умумий ўрта таълим мактаблари дарсликларидан фойдаланиш тавсия этилади.

Кўзи ожиз болалар мазкур муассасага, жойларда ташкил этилган психологик-тиббий-педагогик комиссия хулосасига кўра, қабул қилинади ва уларга ўқув режада белгиланган соатлар асосида таълим жараёни ташкил этилади.

1. Таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларда рус тили фани, таълим ўзбек тилидан бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда ўзбек тили фани ҳафтасига икки соат ҳисобида 2-синфдан бошлаб ўқитилади. Таълим қорақалпоқ тиллида олиб бориладиган мактабларда рус тили фани ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари хоҳишига қараб она тили ва адабиёт фанидан II-IX ва X синфларда 1 соат олиниб 2-синфдан бошлаб ўқитилиши мумкин.

2. «Жаҳон тарихи» фани VII-IX ва X-синфларда 1-ярим йилликда ҳафтасига 2 соатдан, 2-ярим йилликда ҳафтасига 1 соатдан;

«Ўзбекистон тарихи» фани VII-IX ва X-синфларда 1-ярим йилликда ҳафтасига 1 соатдан, 2-ярим йилликда ҳафтасига 2 соатдан ўқитилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Ф-1322-сонли фармойиши асосида I-IV синфларда “Конституция алифбоси” курси “Одобнома”, «Ўқиш»,

«Табиатшунослик», «Атрофимиздаги олам» каби фанлар таркибида 10 соатдан ўқитилади;

V-VI синфларда “Конституция оламига саёҳат” курси “Ватан туйғуси” фанидаги мавжуд такрорлаш ва назорат ишларини ўтказиш учун ажратилган соатлар ҳисобидан алоҳида дастур асосида ўқитилади;

VII синфда 17 соат ҳажмида мактаб компоненти ҳисобидан ўқитилади.

Бу машғулотлар мактаб дарс жадвалига киритилиши ва 5-, 6-, 7-синф журналида алоҳида саҳифа ажритилиб қайд этилиши лозим.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 августдаги «Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятни янада такомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида»ги 364-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида «Динлар тарихи» курсидан дастлабки умумий тушунчалар:

I-IV синфларда синфлар кесимида 17 соатдан, жами 68 соат “Одобнома», «Атрофимиздаги олам», «Ўқиш», «Меҳнат», «Табиатшунослик» фанлари ва тарбиявий соатлар таркибида;

I синфда 17 соат «Тарих», «Адабиёт», «Ватан туйғуси» фанлари ва тарбиявий соатлар таркибида;

II синфда 17 соат «Тарих», «Адабиёт», «Ватан туйғуси» фанлари ва тарбиявий соатлар таркибида;

III синфда 17 соат «Тарих», «Адабиёт», «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» фанлари ва тарбиявий соатлар таркибида;

IV синфда 17 соат «Тарих», «Адабиёт», «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» фанлари ва тарбиявий соатлар таркибида;

V синфда мактаб компоненти ҳисобидан жами 34 соат ўқитилади.

5. “Иқтисодий билим асослари”:

I-IV синфларда “Иқтисод ва солиқ алифбоси” курсининг ўқув материаллари «Она тили», «Ўқиш», «Математика», «Атрофимиздаги олам», «Меҳнат» фанлари таркибида, синфлар кесимида 10 соатдан жами 40 соат;

V-VII синфларда “Иқтисод ва солиқ сабоқлари” ўқув курслари «Математика», «Меҳнат», «Физика», «Конституция оламига саёҳат», «География», «Тарих», «Ватан туйғуси» фанлари таркибида синфлар кесимида 17 соатдан жами 51 соат;

VIII-IX ва X синфларда эса алоҳида фан сифатида ўқитилади.

6. Халқ таълими вазирлигининг 2006 йил 3 августдаги “Умумий ўрта таълимнинг янги тахрирдаги Давлат таълим стандартлари,

модернизация қилинган ўқув дастурлари тажриба-синовларнинг иккинчи босқич натижалари ва уларни давом эттириш тўғрисида”ги 6/4 ХБ-сонли буйруғига асосан информатика фани V-VII синфларда мактаб компоненти ҳисобидан синфлар кесимида 0,5 соатдан, жами 51 соат ўқитилади.

7. “Йўл ҳаракати қоидалари”ни ўрганиш учун:

I- синфда мактаб компоненти ҳисобидан ҳафтасига 0,5 соат ажратилиб, синф журналида алоҳида саҳифада ўтилган мавзулар қайд этилади;

II- VIII синфларда бу машғулотлар тасдиқланган дастур асосида бошланғич синф ўқитувчилари ва синф раҳбарлари томонидан тарбиявий соатлар ҳисобидан ўтилади. Бу машғулотлар ўқитувчиларнинг педагогик юқламаси сифатида иноватга олинади. “Йўл ҳаракати қоидалари” машғулотлари II-VIII синфларда мактаб дарс жадвалига киритилади ва синф журналида тарбиявий соатлар учун ажратиладиган саҳифада ўтилган мавзулар қайд этиб борилади.

8. “Ҳаёт хавфсизлиги асослари” машғулотлари I-IV синфларда “Жисмоний тарбия”, “Одобнома”, “Атрофимиздаги олам” фанлари таркибида 17 соатдан, V-IX ва X синфларда “География”, “Биология”, “Кимё”, “Физика”, “Меҳнат таълими”, “Ватан туйғуси” ва “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” фанлари дастурлари таркибида синфлар кесимида 17 соатдан ўтилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 3 июлдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарини узлуксиз таълим тизимида ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”ги Ф-360-сонли фармойиши асосида мактаб компоненти ҳисобидан IX ва X синфларда биринчи ярим йилликда 10 соат, Халқ таълими вазирлигининг 2011 йил 31 декабрдаги 297-сонли буйруғига асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” асари мактаб компоненти ҳисобидан иккинчи ярим йилликда 12 соат ўқитилади.

10. I-IV синфларида «Саломатлик дарслари» ўқув курси “Одобнома”, “Атрофимиздаги олам”, “Табиатшунослик”, “Жисмоний тарбия” ва “Ўқиш” фанлари таркибига, V-VII ва IX синфларда «Соғлом авлод асослари» ўқув курси “Биология”, “Жисмоний тарбия”, “Меҳнат таълими” фанларига интеграция қилинган ҳолда ўқитилади.

VIII синфда мактаб ихтиёридаги соатлардан фойдаланган ҳолда йилига 17 соатдан ўқитилади.

Дарсларни олиий маълумотли, етарли билим ва малакага эга бўлган, махсус тайёргарликдан ўтган ўқитувчилар ўтишлари керак. Давра суҳбатларига мутахассис тиббий ходимларни таклиф этиш тавсия этилади.

11. I-X синфларда Меҳнат таълими дарслари, кўзи ожиз болалар нуқсонининг мураккаблигини ҳисобга олган ҳолда, меҳнат таълими соҳасида ва тифлопедагогика йўналишида мутахассисликка эга бўлган ўқитувчи томонидан олиб борилади.

V синфдан бошлаб меҳнат таълими дарсларида, ўқувчилар икки (ўғил ва қиз болалар) гуруҳига бўлинади. Гуруҳдаги ўқувчилар сони 4 нафардан кам бўлса, уларни бошқа синф ўқувчиларига қўшган ҳолда ўқитилади. Меҳнат таълими фани Республика таълим маркази томонидан тавсия этилган дастурлар асосида ўқитилади.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 5 майдаги ПҚ-2343-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Республика таълим маркази томонидан ишлаб чиқилган “Тежамкорлик сабоқлари” ўқув-тарбиявий машғулотлар дастури асосида тегишли фанлардан дарс ўтиш жараёнида фан ўқитувчилари ҳамда тарбиявий соатларда синфдан ташқари тадбирларда синф раҳбарлари томонидан 1-9-синфларда 17 соатдан машғулотлар ташкил этилади.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1875-ПҚ-сонли қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги “Ўзлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 124-сонли қарорига асосан, кўзи ожиз болалар мактаб-интернатларида чет тили фани 1-, 2-, 3- синфларда ҳафтасига 2 соатдан, V-X синфларда ҳафтасига 3 соатдан ўқитилади.

14.V синфда “Тарих” дари умумтаълим дастури асосида, VI-X синфларда эса кенгайтирилган махсус дастурлар асосида ўқитилади.

15. Коррекцион машғулотларга ажратилган соатлар махсус мактаб- интернатларнинг йўналишидан келиб чиқиб, ногирон болаларнинг бирламчи ва иккиламчи нуқсонларини тузатишга қаратилади ва баҳоланмайди. Коррекцион машғулотлар якка, гуруҳли ва ялпи (фронтал) тарзда, кўриш қобилияти соғлом бўлган мутахассис тифлопедагог, дефектолог ёки махсус курслардан ўтган педагоглар томонидан олиб борилади. Мазкур машғулотлар алоҳида жадвалда қайд этилади ва мактаб раҳбарияти томонидан тасдиқланади.

- «Логопедия» машғулоти якка тартибда икки ёки уч ўқувчи билан ташкил этилади. Бу машғулотлар, кўриш қобилияти соғлом бўлган, махсус олий маълумотли логопед томонидан олиб борилади.

- «Предмет тасаввурини шакллантириш ва кўрув идрокини ривожлантириш» машғулотлари тифлопедагог ва айни соҳада тажрибаси етарли бўлган, кўриш қобилияти соғлом бўлган, мазкур йў-

налиш бўйича қайта тайёрлов курсларидан ўтган бошланғич синф ўқитувчилари томонидан (бошланғич синфларда) ялпи тарзда олиб борилади.

- «Ижтимоий маиший йўналиш» машғулоти I-X синфларда тифлопедагог ва айти соҳада тажрибаси етарли, кўриш қобилияти соғлом бўлган, мазкур йўналиш бўйича қайта тайёрлов курсларидан ўтган меҳнат ўқитувчилари томонидан ялпи тарзда олиб борилади.

- «Мўлжал олиш ва ҳаракатланиш» машғулоти дарсдан ташқари вақтда кўриш ўткирлиги пасайиб кетган ва умуман кўрмайдиган кўзи ожиз 2-3 нафар бола билан гуруҳли тартибда ўтказилади. Машғулотларни кўриш қобилияти соғлом бўлган, тифлопедагог, дефектолог ёки мазкур йўналиш бўйича қайта тайёрлов курсларидан ўтган ўқитувчилар томонидан олиб борилади.

- «Тери туйиши ва майда қўл моторикасини ривожлантириш» коррекцион машғулоти гуруҳли тартибда дарсдан ташқари вақтда 2-3 нафар оолалар билан ўтказилади. Машғулотларни кўриш қобилияти соғлом бўлган, тифлопедагог, дефектолог ёки мазкур йўналиш бўйича қайта тайёрлов курсларидан ўтган ўқитувчилар томонидан олиб борилади.

- «Даволаш гимнастикаси» машғулоти дарсдан ташқари вақтда тиббиёт ходими кўрсатмасига кўра 3-5 ўқувчи билан бошланғич синфда якка ёки гуруҳли тартибда ташкил этилади. Бу машғулотларни тиббий маълумотли мутахассис ёки махсус коррекцион машғулотлар курсларидан ўтган «Жисмоний тарбия» ўқитувчилари томонидан олиб борилади.

- «Ритмика» машғулотларини тифлопедагог, хореография ва мусиқа соҳаси бўйича тажрибага эга, кўриш қобилияти соғлом бўлган, махсус мазкур йўналиш бўйича қайта тайёрлов курсларидан ўтган ўқитувчилар томонидан бошланғич синфларда ялпи тарзда олиб борилади.

Коррекцион машғулотлар Республика таълим маркази томонидан тавсия этилган дастур ва методик тавсиялар асосида ўтилади.

16. Мактаб-интернат тасарруфида мактабгача таълим бўлими ёки мактабга тайёрлов гуруҳлари оилада махсус мактаб таълимига тайёр бўлмаган болалар учун ташкил этилади. Мактабгача таълим бўлими (мактабга тайёрлов гуруҳи)да таълим-тарбия жараёни ва кун тартиби махсус мактабгача таълим муассасалардагидек ташкил этилади. Мактаб-интернат тасарруфидаги мактабгача таълим бўлими (мактабга тайёрлов гуруҳи) да тайёргарлик кўргандан сўнг, болани I синфга қабул қилиш тавсия этилади.

17. Бошланғич синфларда таълим жараёни кўриш қобилияти соғлом бўлган ўқитувчилар томонидан олиб борилиши шарт.

18. «Она тили», «Рус тили», «Ўзбек тили», «Хорижий тил» «Математика», «Информатика», «Тарих», «Иқтисодий билим асослари», «Давлат ва ҳуқуқ асослари», «Ватан туйғуси», «Миллий истиқлол ғояси» ва «Муסיқа» фанларининг услубий бирлашмаларида кўзи ожиз ўқитувчилар сони 50 фоиздан ошмаслиги керак. Аралаш (кўзи ожиз ва заиф кўрувчи) синфларда бу фанларни фақат, кўриш қобилияти соғлом ўқитувчилар олиб боради.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 13 сентябрдаги “Имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари тўғрисидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида”ги 256-сонли қарорида кўрсатиб ўтилганидек ўқувчилар қабул қилинади.

20. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг умумий ўрта таълим мактабларида таълим жараёнини ташкил этиш шароитларига қўйиладиган талаблари (СанҚиМ №0102-00) асосида ўқув йили биринчи синфда 33 ҳафта, II-IX ва X синфларда 34 ҳафта давом этади. Мактабда ўқув машғулоти 2 сентябрдан бошланади ва барча синфларда 25 майда тугалланади. Ўқув йили мобайнида таътиллар: кузги таътил - 3 ноябрдан 6 кун; қишки таътил-Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 22 декабрдаги ПФ-517-сонли фармонида кўра декабр ойининг охириги 4 кун ва январ ойининг 1 декадаси мобайнида, баҳорги таътил - 21 мартдан 7 кун; ёзги таътил - ўқув йили (имтиҳонлар) тугаган кундан бошлаб 31 августгача давом этади. I синф ўқувчилари учун феврал ойи ичида бир ҳафталик кўшимча таътил берилади.

21. Дарс давомийлиги тайёрлов гуруҳида 35 дақиқани, I-X синфларда 45 дақиқани ташкил этади.

22. Мазкур таянч ўқув режа ва тушунтириш хати асосида ҳар бир таълим муассасаси 2015-2016 ўқув йилига мўлжалланган ўқув режа ва тушунтириш хатини ишлаб чиқади ва август ойидаги педагогик кенгашнинг қарори билан тасдиқлайди.

23. Барча турдаги таълим муассасаларида мазкур ўқув режа давлат томонидан тўлиқ молиялаштирилади.

Халқ таълими вазирлигининг
2015 йил 17 июлдаги 215 сонли буйруғига 2-илова

**Заиф кўрадиган ва кейинчалик кўр бўлган болалар учун
ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернатларнинг
2015-2016 ўқув йилига мўлжалланган ўқув режаси**

№	Ўқув фанлари	Синфлар									Умумий соатлар
		1	2	3	4	5	6	7	8	9	
	Давлат ихтиёридаги соатлар	22	24	26	24	30	32	33	34	35	260
1	Она тили ва адабиёт	8	8	10	10	9	7	5	5	5	67
2	Ўзбек тили		2	2	2	2	2	2	2	2	16
3	Чет тил	2	2	2		3	3	3	3	3	21
4	Тарих					2	2	3	3	3	13
5	Давлат ҳуқуқ асослари								1	1	2
6	Иқтисодий билим асослари								1	1	2
7	Математика	5	5	5	5	5	5	5	5	5	45
8	Информатика								1	2	3
9	Физика						2	2	2	2	8
10	Кимё							2	2	2	6
11	Биология					1	2	2	2	2	9
12	Табиёт ва география	1	1	1	1	1	2	2	2	2	13
13	Одобнома	1	1	1	1						4
14	Ватан туйғуси					1	1				2
15	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари							1	1	1	3
16	Муסיқа маданияти	1	1	1	1	1	1	1			7
17	Тасвирий санъат	1	1	1	1	1	1	1			7
18	Чизмачилик								1	1	2
19	Меҳнат	1	1	1	1	2	2	2	1	1	12
20	Жисмоний тарбия	2	2	2	2	2	2	2	2	2	18
	Мактаб ихтиёридаги соатлар	0,5	-	-	-	0,5	0,5	1	0,5	2	5
	Умумий соатлар	22,5	24	26	24	30,5	32,5	34	34,5	37	265
	Коррекцион соатлар	6	6	6	6	2	2	2	2	2	34
1	Логопедия машғулоти	1	1	1	1						4

2	Предмет тасаввурини шакллантириш ва кўрув идрокини ривожлантириш.	1	1	1	1						4
3	Ижтимоий маиший йўналиш	2	2	2	2	2	2	2	2	2	18
4	Даволаш гимнастикаси	1	1	1	1						4
5	Ритмика	1	1	1	1						4

**Заиф кўрадиган ва кейинчалик кўр бўлган болалар учун
ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернатларнинг
2015-2016 ўқув йилига мўлжалланган ўқув режасига
ТУШУНТИРИШ ХАТИ**

Ушбу ўқув режа Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги “Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида”ги 203-сонли, 1999 йил 16 августдаги “Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 390-сонли, 2003 йил 29 октябрдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хўнара таълимига изчил ўтишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 473-сонли, 2011 йил 13 сентябрдаги имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари тўғрисидаги меъёрий- ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида”ги 256-сонли, 2012 йил 15 майдаги “Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартига ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги 130-сонли, 2013 йил 8 майдаги “Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 124-сонли қарорлари ҳамда Санитария қоидалари ва меъёрларини (СанҚваМ) асосида тузилган.

Ўқув режа таркибан давлат ва мактаб компоненти ҳамда коррекцион (тузатиш) соатлардан иборатдир.

Давлат компонентига ажратилган фанлар Давлат таълим стандартлари асосида мослаштирилган дастурларга биноан ўқитилади. Шунингдек, одобнома, мусиқа, тасвирий санъат, меҳнат таълими ва жисмоний тарбия ўқув фанларидан умумий ўрта таълим мактаблари дарсликларидан фойдаланиш тавсия этилади.

Заиф кўрувчи болалар 9 йилда умумтаълим маълумотни эгаллайдилар.

Заиф кўрувчи болалар мазкур муассасага, жойлардаги ташкил этилган психологик-тиббий-педагогик комиссия хулосасига кўра, қабул қилинади ва уларга ўқув режада белгиланган соатлар асосида таълим жараёни ташкил этилади.

1. Таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларда рус тили фани, таълим ўзбек тилидан бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда ўзбек тили фани ҳафтасига икки соат ҳисобида 2 синфдан бошлаб ўқитилади. Таълим қорақалпоқ тиллида олиб бориладиган мактабларда рус тили фани ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари хоҳишига қараб она тили ва адабиётдан II-IX синфларда 1 соатдан олиниб 2 синфдан бошлаб ўқитилиши мумкин.

2. “Жаҳон тарихи” фани VII-IX синфларда 1-ярим йилликда ҳафтасига 2 соатдан, 2-ярим йилликда ҳафтасига 1-соатдан;

“Ўзбекистон тарихи” фани VII-IX синфларда 1-ярим йилликда ҳафтасига 1 соатдан, 2-ярим йилликда ҳафтасига 2 соатдан ўқитилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Ф-1322-сонли фармойиши асосида I-IV синфларда “Конституция алифбоси” курси “Одобнома”, “Ўқиш”, “Табиатшунослик”, “Атрофимиздаги олам” каби фанлар таркибида 10 соатдан ўқитилади;

V-VI синфларда “Конституция оламига саёҳат” курси “Ватан туйғуси” фанидаги мавжуд такрорлаш ва назорат ишларини ўтказиш учун ажратилган соатлар ҳисобидан алоҳида дастур асосида ўқитилади;

VII синфда 17 соат ҳажмида мактаб компоненти ҳисобидан ўқитилади.

Бу машғулотлар мактаб дарс жадвалига киритилиши ва синф журналида алоҳида бет ажратилиши лозим.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 августдаги “Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятни янада такомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида”ги 364-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида “Динлар тарихи” курсидан дастлабки умумий тушунчалар:

I-IV синфларда синфлар кесимида 17 соатдан, жами 68 соат “Одобнома”, “Атрофимиздаги олам”, “Ўқиш”, “Меҳнат”, “Табиатшунослик” фанлари ва тарбиявий соатлар таркибида;

I синфда 17 соат «Тарих», «Адабиёт», «Ватан туйғуси» фанлари ва тарбиявий соатлар таркибида;

II синфда 17 соат «Тарих», «Адабиёт», «Ватан туйғуси» фанлари ва тарбиявий соатлар таркибида;

III синфда 17 соат «Тарих», «Адабиёт», «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» фанлари ва тарбиявий соатлар таркибида;

IV синфда 17 соат «Тарих», «Адабиёт», «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» фанлари ва тарбиявий соатлар таркибида;

V синфда мактаб компоненти ҳисобидан жами 34 соат ўқитилади.

5. “Иқтисодий билим асослари”:

I-IV синфларда “Иқтисод ва солиқ алифбоси” курсининг ўқув материаллари «Она тили», «Ўқиш», «Математика», «Атрофимиздаги олам», «Меҳнат» фанлари таркибида, синфлар кесимида 10 соатдан жами 40 соат;

V-VII синфларда “Иқтисод ва солиқ сабоқлари” ўқув курслари «Математика», «Меҳнат», «Физика», «Конституция оламига саёҳат», «География», «Тарих», «Ватан туйғуси» фанлари таркибида синфлар кесимида 17 соатдан жами 51 соат;

VIII-IX синфларда эса алоҳида фан сифатида ўқитилади.

6. Халқ таълими вазирлигининг 2006 йил 3 августдаги “Умумий ўрта таълимнинг янги таҳрирдаги Давлат таълим стандартлари, модернизация қилинган ўқув дастурлари тажриба-синовларининг иккинчи босқич натижалари ва уларни давом эттириш тўғрисида”ги 6/4 ХБ-сонли буйруғига асосан информатика фани V-VII синфларда мактаб компоненти ҳисобидан синфлар кесимида 0,5 соатдан, жами 51 соат ўқитилади.

7. “Йўл ҳаракати қоидалари”ни ўрганиш учун:

I синфда мактаб компоненти ҳисобидан ҳафтасига 0,5 соат ажратилиб, синф журналида алоҳида саҳифада ўтилган мавзулар қайд этилади;

II- VIII синфларда бу машғулотлар тасдиқланган дастур асосида бошланғич синф ўқитувчилари ва синф раҳбарлари томонидан тарбиявий соатлар ҳисобидан ўтилади. Бу машғулотлар ўқитувчиларнинг педагогик юкламаси сифатида иноватга олинади. “Йўл ҳаракати қоидалари” машғулотлари II-VIII синфларда мактаб дарс жадвалига киритилади ва синф журналида тарбиявий соатлар учун ажратиладиган саҳифада ўтилган мавзулар қайд этиб борилади.

8. “Хаёт хавфсизлиги асослари” машғулотлари I-IV синфларда “Жисмоний тарбия”, “Одобнома”, “Атрофимиздаги олам” фанлари таркибида 17 соатдан, V-IX синфларда “География”, “Биология”, “Кимё”, “Физика”, “Меҳнат таълими”, “Ватан туйғуси” ва “Миллий ис-

тикллол ғояси ва маънавият асослари” фанлари дастурлари таркибида синфлар кесимида 17 соатдан ўтилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 3 июлдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарини узлуксиз таълим тизимида ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”ги Ф-360 сонли фармойиши асосида мактаб компоненти ҳисобидан IX синфда биринчи ярим йилликда 10 соат, Халқ таълими вазирлигининг 2011 йил 31 декабрдаги 297-сонли буйруғига асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” асари мактаб компоненти ҳисобидан иккинчи ярим йилликда 12 соат ўқитилади.

10. I-IV синфларида “Саломатлик дарслари” ўқув курси “Одобнома”, “Атрофимиздаги олам”, “Табиатшунослик”, “Жисмоний тарбия” ва “Ўқиш” фанлари таркибига, V-VII ва IX-синфларда “Соғлом авлод асослари” ўқув курси “Биология”.

“Жисмоний тарбия”, “Меҳнат таълими” фанларига интеграция қилинган ҳолда ўқитилади.

VIII синфда мактаб ихтиёридаги соатлардан фойдаланган ҳолда йилига 17 соат ўқитилади.

Дарсларни олий маълумотли, етарли билим ва малакага эга бўлган, махсус тайёргарликдан ўтган ўқитувчилар ўтишлари керак. Давра суҳбатларига мутахассис тиббий ходимларни таклиф этиш тавсия этилади.

11. I-IX синфларда Меҳнат таълими дарслари, заиф кўрувчи болалар нуқсонининг мураккаблигини ҳисобга олиган ҳолда, меҳнат таълими соҳасида ва тифлопедагогика йўналишида мутахассисликка эга бўлган ўқитувчи томонидан олиб борилади.

V синфдан бошлаб меҳнат таълими дарсларида, ўқувчилар икки (ўғил ва қиз болалар) гуруҳига бўлинади. Гуруҳдаги ўқувчилар сони 4 нафардан кам бўлса, уларни бошқа синф ўқувчиларига қўшган ҳолда ўқитилади.

Меҳнат таълими фани Республика таълим маркази томонидан тавсия этилган дастурлар асосида ўқитилади.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 5 майдаги ПҚ-2343-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Республика таълим маркази томонидан ишлаб чиқилган “Тежамкорлик сабоқлари” ўқув-тарбиявий машғулотлар дастури асосида тегишли фанлардан дарс ўтиш жараёнида фан ўқитувчилари ҳамда тарбиявий соатларда синфдан ташқари тадбирларда синф раҳбарлари томонидан 1-9-синфларда 17 соатдан машғулотлар ташкил этилади.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллашти-

риш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1875-ПҚ-сонли қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги “Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 124-сонли қарорига асосан, заиф кўрадиган ва кейинчалик кўр бўлган болалар мактаб-интернатларида чет тили фани 1-, 2-, 3- синфларда ҳафтасига 2 соатдан, V-X синфларда ҳафтасига 3 соатдан ўқитилади.

14. Коррекцион машғулотларга ажратилган соатлар махсус (мактаб) мактаб-интернатларнинг йўналишидан келиб чиқиб, ногирон болаларнинг бирламчи ва иккиламчи нуқсонларини тузатишга қаратилади ва баҳоланмайди. Коррекцион машғулотлар якка, гуруҳли ва ялпи (фронтал) тарзда, кўриш қобилияти соғлом бўлган мутахассис тифлопедагог, дефектолог ёки махсус курслардан ўтган педагоглар томонидан олиб борилади. Мазкур машғулотлар алоҳида жадвалда қайд этилади ва мактаб раҳбарияти томонидан тасдиқланади.

- “Логопедия” машғулоти якка тартибда икки ёки уч ўқувчи билан ташкил этилади. Бу машғулотлар, кўриш қобилияти соғлом бўлган, махсус олий маълумотли логопед томонидан олиб борилади.

- “Предмет тасаввурини шакллантириш ва кўрув идрокини ривожлантириш” машғулотлари тифлопедагог ва айни соҳада тажрибаси етарли бўлган, кўриш қобилияти соғлом бўлган, мазкур йўналиш бўйича қайта тайёрлов курсларидан ўтган бошланғич синф ўқитувчилари томонидан (бошланғич синфларда) ялпи тарзда олиб борилади.

- “Ижтимоий маиший йўналиш” машғулотлари I-IX синфларда тифлопедагог ва айни соҳада тажрибаси етарли, кўриш қобилияти соғлом бўлган, мазкур йўналиш бўйича қайта тайёрлов курсларидан ўтган меҳнат ўқитувчилари томонидан ялпи тарзда олиб борилади.

- “Даволаш гимнастикаси” машғулотлари дарсдан ташқари вақтда тиббиёт ходими кўрсатмасига кўра 3-5 ўқувчи билан бошланғич синфда якка ёки гуруҳли тартибда ташкил этилади. Бу машғулотларни тиббий маълумотли мутахассис ёки махсус коррекцион машғулотлар курсларидан ўтган «Жисмоний тарбия» ўқитувчилари томонидан олиб борилади.

- “Ритмика” машғулотларини тифлопедагог, хореография ва мусиқа соҳаси бўйича тажрибага эга, кўриш қобилияти соғлом бўлган, махсус мазкур йўналиш бўйича қайта тайёрлов курсларидан ўтган ўқитувчилар томонидан бошланғич синфларда ялпи тарзда олиб борилади.

Коррекцион машғулотлар Республика таълим маркази томонидан тавсия этилган дастур ва методик тавсиялар асосида ўтилади.

1. Мактаб-интернат тасарруфида мактабгача таълим бўлими ёки мактабга тайёрлов гуруҳлари оилада махсус мактаб таълимига тайёр бўлмаган болалар учун ташкил этилади. Мактабгача таълим бўлими (мактабга тайёрлов гуруҳи)да таълим-тарбия жараёни ва кун тартиби махсус мактабгача таълим муассасалардагидек ташкил этилади. Мактаб-интернат тасарруфидаги мактабгача таълим бўлими (мактабга тайёрлов гуруҳи) да тайёргарлик кўргандан сўнг, болани I синфга қабул қилиш тавсия этилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 13 сентябрдаги “Имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари тўғрисидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида”ги 256-сонли қарорида кўрсатиб ўтилганидек ўқувчилар қабул қилинади.

3. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг умумий ўрта таълим мактабларида таълим жараёнини ташкил этиш шароитларига қўйиладиган талаблари (СанҚиМ №0102-00) асосида ўқув йили биринчи синфда 33 ҳафта, II-IX синфларда 34 ҳафта давом этади. Мактабда ўқув машғулотлари 2 сентябрдан бошланади ва барча синфларда 25 майда тугалланади. Ўқув йили мобайнида таътиллар: кузги таътил - 3 ноябрдан 6 кун; қишки таътил - Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 22 декабрдаги ПФ-517-сонли фармонида кўра декабр ойининг охириги 4 куни ва январ ойининг 1 декадаси мобайнида, баҳорги таътил - 21 мартдан 7 кун; ёзги таътил - ўқув йили (имтиҳонлар) тугаган кундан бошлаб 31 августгача давом этади. I синф ўқувчилари учун феврал ойи ичида бир ҳафталик қўшимча таътил берилади.

4. Дарс давомийлиги I-IX синифларда 45 дақиқани ташкил этади.

5. Мазкур таянч ўқув режа ва тушунтириш хати асосида ҳар бир таълим муассасаси 2015-2016 ўқув йилига мўлжалланган ўқув режа ва тушунтириш хатини ишлаб чиқади ва август ойидаги педагогик кенгашнинг қарори билан тасдиқлайди.

Барча турдаги таълим муассасаларида мазкур ўқув режа давлат томонидан тўлиқ молиялаштирилади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРИНИНГ**

2015 йил 21 июль

18-мҳ-сонли

Б У Й Р У Ё И

«ХОРИЖИЙ ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА
ДАВЛАТ УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ЎҚИШГА
КИРИШИ УЧУН ХУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ВА
УЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ
ЙЎРИҚНОМАНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА»ГИ БУЙРУҚҚА
ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан
2015 йил 22 июлда 1992-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1
мартдаги 52-сон «Халқ таълими ҳудудий органлари тузилмасини
такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2009
йил 6 июлдаги 180-сон «Хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Рес-
публикасида давлат умумий ўрта таълим муассасаларига ўқишга
кириши учун ҳужжатларни тақдим этиш ва уларни кўриб чиқиш тар-
тиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғига
(рўйхат рақами 1992, 2009 йил 5 август) (Ўзбекистон Республикаси
қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 32-33-сон, 365-модда) иловага
мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан куч-
га киради.

Вазир**У. Иноятов**

*Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг
2015 йил 21 июлдаги 18-мх-сон буйруғига
ИЛОВА*

«Хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасида давлат умумий ўрта таълим муассасаларига ўқишга кириши учун ҳужжатларни тақдим этиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа киритилаётган ўзгартиришлар

1. Буйруқда:

а) номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси давлат умумий ўрта таълим муассасаларига хорижий фуқаролар томонидан ўқишга кириш учун ҳужжатларни тақдим этиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»;

б) 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Ўзбекистон Республикаси давлат умумий ўрта таълим муассасаларига хорижий фуқаролар томонидан ўқишга кириш учун ҳужжатларни тақдим этиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.»

2. Йўриқномада:

а) илованинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси давлат умумий ўрта таълим муассасаларига хорижий фуқаролар томонидан ўқишга кириш учун ҳужжатларни тақдим этиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома»;

б) 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 4 августдаги 169-сон «Хорижий фуқароларни Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш ва ўқитиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси давлат умумий ўрта таълим муассасаларига (бундан буён матнда мактаб деб юритилади) хорижий фуқаролар томонидан ўқишга кириш учун ҳужжатларни тақдим этиш ва уларни кўриб чиқиш тартибини белгилайди.»;

в) 4-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«бола ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ёхуд нотариал тасдиқланган ишончнома орқали белгиланган вакилларнинг болани мактабга қабул қилиш тўғрисидаги аризаси»;»;

олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4 x 6 см ҳажмдаги 6 дона фотосурат.»;

г) 7-банддаги «туман (шаҳар) халқ таълими бўлимига» деган сўзлар «халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

д) 8-банддаги «халқ таълими бўлимлари» деган сўзлар «халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган.

Олий ва ўрта махсус таълим вазири

А. Вахабов

2015 йил 20 июль

Ички ишлар вазири

А. Ахмедбаев

2015 йил 20 июль

Ташқи ишлар вазири

А. Камилов

2015 йил 20 июль

Соғлиқни сақлаш вазири

А. Алимов

2015 йил 20 июль

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРИНИНГ**

2015 йил 29 август

220-сонли

Б У Й Р У Қ И

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ХУЗУРИДАГИ БОЛАЛАР-ЎСМИРЛАР СПОРТ МАКТАБЛАРИ
ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ МАРКАЗИНИНГ ИШ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ВА
ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 13 февралдаги 27-сон “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузурида болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорининг ижросини таъминлаш ҳамда болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ходимларининг касбий маҳоратларини ошириб боришларини таъминлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Халқ таълими тизимида фаолият юритаётган болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ходимларининг малака ошириш тоифалари Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2012 йил 25 июлдаги 227-сонли “Халқ таълими раҳбар ва педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги буйруғига асосан тасдиқланганлиги инобатга олинсин.

2. Халқ таълими тизимида фаолият юритаётган Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ходимларининг 144 соатлик малака ошириш ўқув режалари мазкур буйруқнинг 1, 2-иловасига, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ходимларининг малакасини ошириш истиқбол режаси 3-иловага, Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент вилояти болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари мураббийларининг 2015 йилда малака ошириш курсларига жалб этиладиган тингловчилар режаси 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Халқ таълими вазирлиги ҳузурида Болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Маркази (бундан буён матнда Марказ деб юритилади) (И.Мирзаев), А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта

тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Марказий институти (М.Юлдашев)га:

халқ таълими тизимида фаолият юритаётган спорт соҳаси ходимлари малака ошириш режаларининг мазкур буйруққа асосан тоифалар кесимида бажарилишини таъминлаш;

ҳар чорак якуни бўйича малака ошириш режаларининг бажарилиши тўғрисидаги ёзма маълумотларни вилоят (шаҳар)лар ва тоифалар кесимида вазирликка тақдим этиб бориш;

тингловчиларнинг ўқиши ва яшаши учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

тингловчиларни малака ошириш курсларига қабул қилиш ҳақидаги буйруқни у расмийлаштирилган пайдан бошлаб 3 кун муддат ичида вазирликка тақдим этиш;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш бўйича илғор педагогик ва ахборот технологиялари, илм-фан тараққиёти билан боғлиқ тажрибаларни ўрганиш, умумлаштириш ва оммалаштириш, дарс ва машғулот ўтувчи педагоглар сифат таркибини мунтазам яхшилаб бориш;

бир ҳафта муддатда Марказнинг Регламенти ва ички тартиб-қоидаларини тасдиқлаш юзасидан Марказ директори буйруғининг лойиҳасини тайёрлаш ва қабул қилиш;

икки ҳафта муддатда малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларининг тоифаларини ҳисобга олган ҳолда, ўқув-мавзу режаси ва ишчи дастурини ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда тасдиқлаш;

Марказнинг йиллик иш режасини ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун вазирликка тақдим этиш вазифалари юклатилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқларига:

халқ таълими тизимида фаолият юритаётган спорт соҳаси ходимларининг режада белгиланган муддатларда Марказга етиб келишларини ва уларнинг хизмат сафари харажатларини ўрнатилган тартибда ўз вақтида қопланишини таъминлаш;

спорт соҳаси ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишига оид масалалар юзасидан Марказ билан доимий равишда ҳамкорлик қилиш ишларини йўлга қўйиш вазифалари юклатилсин.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Б.Данияров ва вазир ўринбосари Э.Искандаров зиммаларига юклатилсин.

Вазир

*Тошкент ш.
2015 йил июль,*

У.Иноятов

Халқ таълими вазирининг 2015 йил 29 июль режадаги
220 /сонли буйруғига 1-илова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ЎҚУВ РЕЖА

Малака ошириш тоифаси:
Таълим тури – МАЛАКА ОШИРИШ
Ўқиш муддати – 1 ой МТ 29
Таълим шакли – кундузги
ХТВ ХБЎСМХҚТММ

I. ЎҚУВ ЖАРАЁНИ ЖАДВАЛИ

Вақт	Кунлар																				Ўқув жараёни			
	1-ҳафта					2-ҳафта					3-ҳафта					4-ҳафта					Жами	Назарий	Амалий	Кучма
Ҳафта	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24
Кун																								
Кун																					24	23		1
Соат	6	6	6	6	6	6	6	6	6	6	6	6	6	6	6	6	6	6	6	6	144	50	90	4

II. ЎҚУВ РЕЖАСИ

T/p	Ўқув фанлари, фан модуллари ва блокларининг номлари	Умумий ўқув юклама ҳажми		Аудитория машғулотлари (соатларда)				Соатларнинг ҳафталар бўйича тақсимооти			
								1-ҳафта	2-ҳафта	3-ҳафта	4-ҳафта
		Соат	%	Жами	Маъруза	Амалий	Қўчма машғулот	Ҳафтадаги соатлар сони			
1	2	3	4	5	6	7	8	36	36	36	36
1	Иқтисодий фанлар	26	18,1	26	14	12		9	10	U	12
1.1	Иқтисодиёт масалалари	6		6	4	2		2	4		
1.2	Ҳуқуқ масалалари	6		6	4	2		4	2		
1.3	Миллий ғоя ва маънавият асослари	14		14	6	8		4		10	
2	Умумжасбый фанлар	28	19,4	28	10	18		12	16		
2.1	Педагогиканинг долзарб масалалари	8		8	4	4		4	4		
2.2	Психологиянинг долзарб масалалари	12		12	4	8		8	4		
2.3	Ахборот технологиялари	8		8	2	6			8		
3	Мутахассислик фанлари	82	56,9	82	22	56	4	14	14	24	30
3.1	Спорт машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш методикаси	38		38	12	22	4	8	8	6	12
3.2	Спорт йўналишидаги таълимда педагогик технологиялар	18		18	6	12		6	6	4	6
3.3	Спорт машғулотларини ташкил этишда ахборот технологияларидан	12		12	4	8			6		6
3.4	Хорижий тил асослари	8		8		8				8	
3.5	Танлов мавзулари	6		6		6					6
4	Институт ихтиёридаги соатлар	8	5,6	8	4	4				2	6
4.1	Долзарб мавзулар	8		8	4	4				2	6
	Ҳаммаси	144	100,0	144	50	90	4	36	36	36	36

Изоҳ:

1. Ўқув режаси асосида БЎСМХҚТМО маркази ҳар бир курс учуи марказ раҳбари томонидан тасдиқланадиган ишчи ўқув режасини тузади. Бунда:

- ўқув режадаги фанлар, фан модуллари ва блокларининг номланишини, шунингдек уларга ва улар бўйича машғулотлар (назарий, амалий ва кўчма) турларига ажратилган соатлар миқдорини ўзгартиришга йўл қўйилмайди;

Назарий ва амалий таълим

Кўчма амалий машғулоти

- ўқув юкламасининг ҳафталик (36 соат) ва кунлик (6 соат) ҳажмини сақлаган ҳолда фанларга ажратилган соатларнинг ҳафталар бўйича тақсимотини мустақил белгилаш ҳуқуқи берилади;

- бошқа таълим муассасасида ўтказиладиган кўчма амалий машғулотнинг кунини мустақил белгилаш мумкин, лекин бир ҳафтанинг ичида икки марта кўчма машғулотни ўтказилишига йўл қўйилмайди;

- танлов фанининг назарий ва амалий машғулотларга ажратиладиган соатлар ҳажмини мазкур фан учун режалаштирилган умумий соатлар доирасида мустақил белгилаш мумкин.

2. Малака ошириш курси тингловчилари ўқув режанинг мутахассислик фанлари блоки бўйича малака ишини тайёрлайдилар.

3. Малака ошириш курси тингловчиларининг курс якунидаги аттестацияси малака ишининг ҳимояси ва фанлар бўйича умумий чиқиш тест синовлари ёки бошқа назорат турлари – ёзма ишлар, ижодий, мустақил ишлар орқали амалга оширилади.

4. Малака ишини тайёрлаш, унинг ҳимоясини ва тест синовларини ўтказиш аудитория соатларидан ташқари вақтларда амалга оширилади. Уларга ажратиладиган соатлар миқдори белгиланган тартибда тасдиқланган «Вақт меъёрлари» асосида ҳисобланади ва профессор-ўқитувчининг ўқув юкласи таркибига киритилади.

5. Ушбу ўқув режа малака оширувчи педагог кадрларнинг қуйидаги тоифалари учун амал қилади:

1) МТ29 – Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари тренер (мубраббий)лари;

108

І. ЎҚУВ ЖАРАЁНИ ЖАДВАЛИ

Малака ошириш тоифаси:
Таълим тури – Малака ошириш
Ўқиш муддати – 1 ой МТ 27 МТ 28
Таълим шакли – кундузги
ХТВ ХБЎСМХҚТМОН

Вақт	Кунлар																								Ўқув жараёни			
	1-ҳафта						2-ҳафта						3-ҳафта						4-ҳафта						Жами	Назарий	Амалий	Қўйма
Ҳафта	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	24			
Қун																									24			
Қун																									24	23		1
Соат	6	6	6	6	6	6	6	6	6	6	6	6	6	6	6	6	6	6	6	6	6	6	6	6	144	50	90	4

II. ЎҚУВ РЕЖАСИ

Т/р	Ўқув фанлари, фан модуллари ва блокларининг номлари	Умумий ўқув юзлама ҳажми		Аудитория машгулотлари (соатларда)				Соатларнинг ҳафталар бўйича тақсими															
								1-ҳафта				2-ҳафта				3-ҳафта				4-ҳафта			
		Соат	%	Жами	Матрица	Амалий	Қўйма машгулот	Ҳафтадаги соатлар сони															
								36				36				36				36			
1	Ижтимоий фанлар	28	19,4	28	14	14		10	8	10													
1.1	Иқтисодиёт масалалари	6		6	4	2		6															
1.2	Ҳуқуқ масалалари	8		8	4	4		4	4														
1.3	Миллий ғоя ва маънавият асослари	14		14	6	8		4	4	10													
2	Умумқасбий фанлар	30	20,8	30	10	20		16	14														
2.1	Педагогиканинг долзарб масалалари	6		6	2	4		4	2														
2.2	Психологиянинг долзарб масалалари	12		12	4	8		8	4														
2.3	Мулқот маданияти	4		4	2	2		4															
Б 2.4	Ахборот технологиялари	8		8	2	6		8															
3	Мутахассислик фанлари	78	54,2	78	22	52	4	10	14	24	30												
3.1	Мақтабдан ташқари таълим муассасаларини бошқариш	32		32	10	18	4	10	8	8													
3.2	Мақтабдан ташқари таълим муассасалари бошқарувида иқтисодий масалалар	10		10	4	6				6	4												
3.3	Спорт йўналишидаги таълимда педагогик технологиялар	8		8	4	4				4	4												
3.4	Спорт машгулотларини ташкил этиш ва ўтказиш методикаси	12		12	4	8			6	6	6												
3.5	Хорижий тип асослари	8		8		8																	
3.6	Танлов мавзулари	8		8		8																	
4	Институт ихтиёридаги соатлар	8	5,6	8	4	4																	
4.1	Долзарб мавзулар	8		8	4	4			2														
	Ҳаммаси	144	100,0	144	50	90	4	36	36	36	36												

Изоҳ:

1. Ўқув режаси асосида БЎСМХҚТМОМ малака ошириш курси учун марказ раҳбари томонидан тасдиқланади ишчи ўқув режасини тузади. Бунда:

- ўқув режадаги фанлар, фан модуллари ва блокларининг номланишини, шунингдек уларга ва улар бўйича машғулотлар (назарий, амалий ва кўчма) турларига ажратилган соатлар миқдорини ўзгартиришга йўл қўйилмайди;

- ўқув юкламасининг ҳафталик (36 соат) ва кунлик (6 соат) ҳажмини сақлаган ҳолда фанларга ажратилган соатларнинг ҳафталар бўйича тақсимотини мустақил белгилаш ҳуқуқи берилади;

- бошқа таълим муассасасида ўтказиладиган кўчма амалий машғулотнинг кунини мустақил белгилаш мумкин, лекин бир ҳафтанинг ичидида икки марта кўчма машғулотни ўтказилишига йўл қўйилмайди;

- танлов фанининг назарий ва амалий машғулотларга ажратиладиган соатлар ҳажмини мазкур фан учун режалаштирилган умумий соатлар доирасида мустақил белгилаш мумкин.

2. Малака ошириш курси тингловчилари ўқув режанинг мутахассислик фанлари бўйича малака ишини тайёрлайдилар.

3. Малака ошириш курси тингловчиларининг курс якунидаги аттестацияси малака ишининг ҳимояси ва фанлар бўйича умумий чиқиш тест синовлари ёки бошқа назорат турлари - ёзма ишлар, ижодий, мустақил ишлар орқали амалга оширилади.

4. Малака ишини тайёрлаш, унинг ҳимоясини ва тест синовларини ўтказиш аудитория соатларидан ташқари вақтларда амалга оширилади. Уларга ажратиладиган соатлар миқдори белгиланган тартибда тасдиқланган «Вақт меъёрлари» асосида ҳисобланади ва профессор-ўқитувчининг ўқув юкламаси таркибига киритилади.

4. Ушбу ўқув режа малака оширувчи педагог кадрларнинг қуйидаги тоифалари учун амал қилади:

1) МТ27 – Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари директорлари

2) МТ28 – Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари директор ўринбосарлари

Халқ таълими вазирининг
2015 йил 29 июлдаги 220 /сонли буйруғига 3-илова

**Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ходимларининг
малакасини ошириш истиқбол режаси**

Т/р	Худудлар	Малака ошира- диганлар сони	Шундан				5 йиллик режа				
			БЎСМ	Директорлари	Директор ўринбосарлари	Услубчилар	Жами мураб- бийлар сони	2015	2016	2017	2018
1	Қорақалпоғистон Республикиси	821	35	34	89	663	0	206	205	205	205
2	Андижон вилояти	1011	50	50	84	827	0	253	253	252	253
3	Бухоро вилояти	930	40	36	63	791	0	233	232	233	232
4	Жиззах вилояти	450	22	22	28	378	0	112	113	113	112
5	Қашқадарё вилояти	490	34	24	39	393	0	123	122	122	123
6	Навоий вилояти	461	17 *	17	36	391	0	115	115	116	115
7	Наманган вилояти	879	36	37	71	735	0	220	219	220	220
8	Самарқанд вилояти	1407	46	45	71	1245	0	351	352	352	352
9	Сурхондарё вилояти	454	25	20	37	372	0	114	114	113	113
10	Сирдарё вилояти	425	19	18	39	349	0	106	106	106	107
11	Тошкент вилояти	859	38	36	68	717	80	195	195	195	194
12	Фарғона вилояти	1161	51	51	96	963	0	290	291	290	290
13	Хоразм вилояти	676	28	27	42	579	0	169	169	169	169
14	Тошкент шаҳри	941	45	44	98	754	360	145	145	146	145
	ЖАМИ	10965	486	461	861	9157	440	2632	2631	2632	2630

Изоҳ: Мазкур истиқбол режа ҳудудий халқ таълими бошқарув
органларининг кейинги йиллардаги талабларига кўра ўзгариши
мумкин.

*Халқ таълими вазирининг
2015 йил 29 июлдаги
сонли буйруғига 4-илова*

**Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти болалар ва
ўсмирлар спорт мактаблари мураббийларининг 2015 йилда
малака ошириш курсларига жалб этилган тингловчилар
режаси**

Т/р	Худудлар	Йиллик умумий режа	шундан			
			сентябр	октябр	ноябр	декабр
1	Тошкент вилояти	80	20	20	20	20
2	Тошкент шаҳар	360	90	90	90	90
Жами:		440	110	110	110	110